

**НАЗИРОВА ГУЗАЛ МАЛИКОВНА**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА  
ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

ТОШКЕНТ-2020

Қўқон Давлат Педагогика институтининг Илмий кенгаши томонидан 2020 йил 25 февралдаги 7-сонли қарор билан нашрга тавсия этилган.

Назирова Г.М. Мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштириш

Бугунги кунда республикамызда мактабгача таълим соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани тубдан такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибалар, илмий ишланмалар ва технологияларни мактабгача таълим муассасалари фаолиятига интеграция қилиш, мактабгача ёшдаги болаларни эрта ривожлантириш соҳасидаги илмий, инновацион-педагогик фаолиятни қўллаб-қувватлашга қаратилган концептуал ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада мактабгача таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, замонавий бошқарув шакллари жорий этиш, мактабгача таълим тизими ходимларида замонавий менежмент ва педагогик технологиялар бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш долзарб йўналишлардан ҳисобланади. Юқорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу монография муайян даражада хизмат қилади.

**Тақризчилар:** Н.Ш. Эркабоева – педагогика фанлари доктори, доцент.

**Х.М. Тожибоева** – педагогика фанлари бўйича PhD, доцент

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>I МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАШКИЛ БОБ. ЭТИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-ЭМПИРИК АСОСЛАРИ .....</b>	<b>12</b>
1.1-§ Мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштириш ижтимоий-педагогик зарурият сифатида.....	12
1.2-§ Мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этиш соҳасидаги хориж тажрибалари.....	29
1.3-§ Мактабгача таълим муассасаларида тизимли ёндашув моҳияти.....	43
Биринчи боб юзасидан хулосалар.....	57
<b>II ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БОБ. МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ.....</b>	<b>60</b>
2.1-§ Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ўзин фаолиятини тизимли ёндашув асосида ташкил этишнинг педагогик-психологик имкониятлари.....	60
2.2-§ Тизимли ёндашув асосида педагогик жараёнларни такомиллаштиришда мактабгача таълим муассасалари субъектларининг ота-оналар билан ўзаро ҳамкорлиги.....	72
2.3-§ Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштириш модели.....	84
Иккинчи боб юзасидан хулосалар.....	105
2.4-§ Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқот методикаси.....	107
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>140</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>143</b>
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>158</b>

## КИРИШ.

Жаҳонда таълим соҳасидаги инновацион ривожланиш тенденцияларига мос равишда мактабгача таълим тизимини компетенциявий талаблар асосида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ЮНЕСКО томонидан 2030 йилгача белгиланган барқарор ривожланиш мақсадларида болаларда мустақил-ижодий фикрлашни ривожлантиришга қаратилган сифатли таълим хизматларини ташкил этиш долзарб вазифалар сифатида қайд этилган. Халқаро тажрибалар мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараён самарадорлигини ошириш, эрта ёшдан бошлаб STEAM ўқитиш асосларини жорий этиш, таълим хизматларини диверсификациялаш заруратини юзага келтирмоқда.

Дунё миқёсида болаларни психофизиологик, интеллектуал, иждодий ва шахсий салоҳиятини оширишга йўналтирилган креатив технологияларни ривожлантириш, мактабгача таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган инновацион таълим муҳитини ташкил қилиш ҳамда стратегик бошқарув тамойиллари асосида мактабгача таълимнинг сифат менежменти механизмларини такомиллаштириш масалаларига қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот-методик тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматларини диверсификациялаш, таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари, интерактив ва муаммоли-вазиятли ўқитиш усулларини жорий этиш, мактабгача таълим тизими ходимларининг касбий-инновацион компетентлигини ривожлантириш ва баҳолашнинг самарали шакл ва методларини амалиётга жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда республикада мактабгача таълим соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани тубдан такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибалар, илмий ишланмалар ва технологияларни мактабгача таълим муассасалари фаолиятига интеграция қилиш, мактабгача ёшдаги болаларни эрта ривожлантириш соҳасидаги илмий, инновацион-педагогик фаолиятни

қўллаб-қувватлашга қаратилган концептуал ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан камраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш” [7] каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада мактабгача таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, замонавий бошқарув шакллари жорий этиш, мактабгача таълим тизими ходимларида замонавий менежмент ва педагогик технологиялар бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш долзарб йўналишлардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони [7], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [6], 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги [4], 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги [10] қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [11] ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу монография муайян даражада хизмат қилади.

# **I БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ НАЗАРИЙ- ЭМПИРИК АСОСЛАРИ**

## **1.1-§. Мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштириш ижтимоий-педагогик зарурият сифатида**

Мактабгача ёшдаги болага сингдирилган билим ва қадриятлар унинг бутун келгусидаги ҳаётини белгилаб бериши сабабли мактабгача таълим баркамол шахсни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунини ҳисобга олган ҳолда, ўтган даврда Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълимни ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишига қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Кузатишлар шунини кўрсатдики, мактабгача таълим соҳасидаги давлат сиёсатини тўлиқ амалга оширишдаги мавжуд зиддиятлар мактабгача таълимни бошқаришнинг амалдаги ҳолати тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, мазкур соҳада, шу жумладан, нодавлат секторда замонавий инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини бермаяпти; иккинчидан, мактабгача таълим соҳасига инвестицияларни жалб қилишга, шу жумладан, ижтимоий-ҳаммабоп мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш, уларни моддий-техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва илғор педагогик технологияларни қўллашга қаратилган давлат-хусусий шериклик механизмлари жорий қилинмаган; учинчидан, мактабгача таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техник базасининг амалдаги ҳолати болаларни мактабгача таълим муассасалари билан тўлиқ қамраб олишни таъминлашга имкон бермаяпти, мамлакатда аҳоли сонининг ўсиши айрим мактабгача таълим муассасаларининг ҳаддан ташқари бандлигига олиб келмоқда; тўртинчидан, миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болалиқдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик (шу жумладан,

ўйинлар ва ўйинчоқлар) материаллар ва бадиий адабиётларни тайёрлаш ҳамда мактабгача таълим муассасалари фаолиятига жорий этиш ишлари замонавий талабларга жавоб бермайди; бешинчидан, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг амалдаги тизими мактабгача таълим соҳасини болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассислар билан таъминлай олмайди; олтинчидан, мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимининг паст даражада эканлиги малакали кадрларни жалб қилиш имконини бермаяпти; еттинчидан, мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари ишини ташкил этишдаги камчиликлар болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, шу жумладан, соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича профилактик чора-тадбирлар самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Шу сабабдан мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, уларнинг инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3261-сонли Қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони [7], 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сон қарори [6], 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ–4312-сон Қарори [10], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур

соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мактабгача таълим соҳасини ислоҳ этишининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

“2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сон қарор мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилганлиги мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим босқичи сифатида алоҳида аҳамият касб этади [6].

Бу ўз навбатида мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асосларини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари давлат тармоғи билан бир қаторда, нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, таълимнинг илғор технологияларини жорий этиш, педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ҳамда болаларни мактабгача таълимга кенг қамраб олиш асосида уларни мактабга тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш орқали ёш авлодни баркамол қилиб камолга етказишга бўлган замонавий талаб ва эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилмоқда [6].

Шунингдек, ушбу қарор мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган баркамол шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш ҳамда такомиллаштириш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилгандир. Бу ўз навбатида болаларни жисмоний, ақлий ҳамда ижтимоий-ҳиссий жиҳатдан камол топтириш ва



уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, болаларнинг эркин фикрлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ахлоқий ва маънавий жиҳатдан баркамол, шунингдек, келажакда мустақил ва онгли тафаккур тарзига эга комил инсонлар этиб вояга етказиш учун хизмат қиладиган таълим тизими пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Умумманфаатларни ўзида мужассам этган мазкур қарорнинг амалга оширилиши давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришнинг изчиллиги ва узвийлигини таъминлаш билан бир қаторда, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш жараёнларига ҳам ижодий ёндашувни татбиқ этиш, мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида таълим олишга зарурий эҳтиёж ва мотивларни шакллантириш, мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, таълим муассасасида қулай таълимий муҳитни шакллантириш, яъни инновацион таълимий муҳитни вужудга келтириш заруриятини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ–4312-сон Қарори[10] мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш; мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш; болаларнинг сифатли мактабгача таълим билан қамровини ошириш, ундан тенг фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, мазкур соҳада давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш; мактабгача таълим тизимида инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш; мактабгача таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини молиялаштириш шаффофлиги ва

самарадорлигини таъминлаш; мактабгача таълим тизимига мактабгача таълим тизими ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга мутлақо янги ёндашувларни жорий этиш; мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг соғлом ва баланслаштирилган овқатланишини, сифатли тиббий парваришини таъминлашни ўзида ақс эттирган. Мазкур концепция ўрта ва узоқ муддатли истиқбол учун мактабгача таълим тизимини ривожлантириш мақсадлари, вазифалари, устуворликлари ва босқичларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси [10] мактабгача таълим соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади. Хужжат малакали педагогик кадрларнинг етишмовчилиги, давлат МТМларининг тўлиб кетганлиги, моддий-техник ҳолатининг номувофиқлиги, ҳамда давлат МТМларининг ўқув-методик материаллари билан паст даражада таъминланганлиги муаммоларининг ҳал этилишини назарда тутди.

Педагогик тадқиқотлар ва адабиётлар [91]да педагогик жараёнлар ва педагогик тизим тушунчалари муайян маънода мақсадга бўйсундирилган тўплам сифатида қўлланса, айрим С.Т.Турғунов [111] томонидан барча шакллардаги таълим-тарбия жараёнлари ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнлари сифатида эътироф этилади. Педагогик жараён тушунчаси адабиётларда турлича талқин қилинсада, мазкур жараён инсон шахсининг камол топишида муҳим аҳамият касб этиши инкор этилмайди.

Демак, педагогик жараён авлодларимиз тажрибасини тарбияланувчилар томонидан ўзлаштириши ва уларнинг ижтимоий ҳаётга қўшилишларини таъминлаб берувчи жараён ҳисобланади. Педагогик жараён тарбияланувчиларда кенг қамровли тушунчалар, шахсий хислатлар ва инсоний фазилатлар шаклланишига ҳамда уларнинг дунёқарашининг ривожланишига зарур шарт-шароитлар яратиб беради.

МТМда ташкил этиладиган машғулотларда тарбияланувчиларнинг фаоллигини таъминлаш, уларни мустақил ва эркин фикрлашга ўргатиш ҳамда эркин ва мустақил мулоқотга киришишлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиб беришнинг аҳамияти таълим-тарбия жараёнларининг самарадорлигини таъминлашда ўз ифодасини топади.

Педагогик амалиётнинг кўрсатишича, МТМ тарбияланувчиларида мустақил ва эркин фикрлаш кўникмалари ва бой маънавий дунёқарашнинг шаклланиши нафақат махсус ташкил этиладиган педагогик жараёнларда, балки улар яшаётган ва таълим олаётган муҳит, таълим муассасаси жамоаси аъзоларининг ўзаро муносабатлари ва шахслараро муносабатлар жараёнларида вужудга келаётган таълимий муҳитда амалга ошади. Шунингдек, МТМ раҳбар-ходимлари ва тарбиячиларининг шахсий сифатлари, хатти-ҳаракати, дунёқараш, тажрибаси, билим, кўникма ва малакалари тарбияланувчилар шахсининг ривожланишига ўзига хос таъсир кўрсатади.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи президенти И.А.Каримовнинг “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси” [66; 62-б.], деб айтилган фикрида МТМда ҳам ташкил этиладиган таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, яъни улар яхлит педагогик тизим сифатида мавжудлиги ифодаланади.

В.А.Сластенин ва А.И.Мищенколарнинг фикрича [103], педагоглар ва таълим олувчилар педагогик жараённинг субъектлари сифатида мазкур жараённинг асосий иштирокчилари ҳисобланиб, улар таълим-тарбиявий мақсадларга йўналтирилган ва махсус ташкил этилган педагоглар ва таълим олувчиларнинг ўзаро таъсир жараёнларини педагогик жараён деб тавсифлашади [103; 19-б.].

Мазкур фикрларга асосланиб айтишимиз мумкинки, МТМда ташкил этиладиган машғулотлар, аниқроқ айтганда таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнлари яхлит педагогик тизимни ташкил этади.

Тарбияланувчилар шахсига турлича таъсир кўрсатувчи барча шакллардаги машғулотлар (сайр, экскурсия, маънавий – маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, ярмарка ва б.) тарбиявий муносабатлар жараёнлари ўзаро алоқадор ва узвий боғлиқ бўлиб, улар ўзаро таъсир кўрсатувчи хусусиятларга эга. Мазкур ташкил этувчи компонентларнинг ўзаро боғлиқ ва алоқадорлиги ҳамда бирлиги педагогик жараённинг яхлитлигини ифодалайди.

В.А.Сластенин, А.И.Мищенколар таълим, тарбия, ўзини-ўзи тарбия, мулоқот ва ривожланиш жараёнларини яхлит педагогик жараённинг компонентлари сифатида ажратиб кўрсатишади [103].

С.Т.Турғуновнинг фикрича [111], педагогик жараён субъектларининг ички имкониятларини ҳаракатга келтирувчи, мустақил равишда тушунчаларини ривожлантиришга кўмаклашувчи таълим-мустақил таълим, тарбия-ўзини-ўзи тарбия қилиш ва тарбиявий муносабатлар жараёнлари бир-бирини тўлдирувчи, шунингдек, бири-иккинчисининг, иккинчисининг таъминловчиси сифатида шахснинг ривожланиши ҳамда шахсий қобилиятларини шакллантириш учун хизмат қилади [111; 222-б.].

Айрим тадқиқотчилар баркамол авлод шахсининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этувчи оила, маҳалла, таълим муассасаси ва тенгдошлар ўртасида вужудга келувчи ўзаро таъсир жараёнларини ҳам педагогик жараён компонентлари сифатида инобатга олиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Адабиётларда шахснинг маълум бир фаолиятидаги фаоллиги ёки мулоқотининг интерфаол шакли сифатида таърифланиб, ўзаро таъсир кўрсатувчи мустақил аҳамият касб этувчи жараён сифатида тавсифланади.

Б.Р.Джураева ва Ҳ.М.Тожибоеваларнинг фикрича[54], ҳар қандай мулоқот ўзаро таъсир жараёнида вужудга келади ва бунда шахснинг ўзини-ўзи англаш жараёни вужудга келади, мулоқот жараёнида ихтиёрий шахс ўз эҳтиёжини, шахсий ҳаётини тушунчаларини, фаоллигини намоён этади. Бунинг учун инсон ўзининг қайси тизимга ва қайси жамиятга хослигини англаши зарур [54; 68-б.].

Ўзаро таъсир жараёнида иштирок этаётган инсон нафақат ўзини ва шахсий хусусиятларини, балки аниқ ҳолатни, вазиятни ҳам ўзгаришига таъсир кўрсатади, бунда ўзаро таъсир кўрсатувчи субъектларнинг ривожланиши амалга ошади, шунингдек, ўзаро таъсир жараёни ҳам ривожланади.

А.Бодалев [34]нинг фикрича, инсонлар ўртасидаги ўзаро таъсир инсон психологияси ва шахсий хусусиятларини ривожланишининг энг асосий омили бўлиб, мазкур жараён иштирокчиларининг ўзаро тенг ҳаракатлари шахслараро алоқаларнинг вужудга келишининг шарти ҳисобланади [34; 73-б.].

Демак, МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнлар компоненти сифатида ўзаро таъсир жараёнларининг илмий ва амалий аҳамияти инсон шахсининг ривожланишида ҳам ўз ифодасини топади. МТМда ташкил этиладиган педагогик жараён компоненти сифатида ўзаро таъсир жараёнида эришиш мумкин бўлган қуйидаги натижалар тарбияланувчилар шахсининг ривожланишида ўзига хос аҳамиятга эга:

- тарбияланувчилар фаоллиги ва ташаббускорлигининг ривожланиши;
- тарбияланувчилар шахсида ёшга боғлиқ бўлмаган психологик хусусиятларнинг ўзгариши;
- тарбияланувчиларнинг маънавий ва маданий дунёқарашлари ва тушунчаларининг ривожланиши;
- тарбияланувчиларда ўзини-ўзи англаш ва ўзини-ўзи баҳолаш каби кўникмаларнинг шаклланиши ва ривожланиши;
- МТМ раҳбар-ҳодимлари ва тарбиячиларнинг касбий компетентлилик даражасини ортиши;
- раҳбар ва педагог ходимларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини вужудга келиши;
- МТМда тарбиячи ва тарбияланувчилар ўртасида ахборотлар алмашинуви самарадорлигини ортиши;

– ёш педагог ва тарбиячиларнинг касбий фаолиятга ҳамда гуруҳларга янги келган тарбияланувчиларнинг ижтимоий-таълимий муҳитга психологик мослашувини тезлашуви.

Юқорида айтганимиздек, МТМда тарбиявий муносабатлар ва шахслараро муносабатлар жараёнида ўзига хос аҳамиятга эга бўлган ўзаро таъсир бевосита ва билвосита мулоқот жараёнларида ҳам вужудга келади. Шундай экан, МТМда тарбияланувчилар шахсининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган, педагогик жараён компоненти ҳисобланган ўзаро таъсир тарбиявий муносабатлар жараёнида ҳам мавжудлиги ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам инобатга олиш заруриятини белгилайди.

Демак, шахслараро муносабатлар жараёнида тарбияланувчилар томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни ўзаро таъсир натижасида тарбияланувчилар томонидан ўзлаштирилиб бориш жараёни тарбиявий жараён бўлиб, у тарбияланувчиларда шахсий хислатлар шаклланиши ва ривожланиши учун хизмат қилади.

С.Т.Турғуновнинг фикрича, тарбиявий муносабатлар инсонларнинг ўзаро тажриба алмашилиши, тажрибаларни ўзлаштириши, қўллаши, улар ўртасидаги доимий муносабат, яъни алоқалар тизими бўлиб, инсон-инсон, инсон-техника-инсон, инсон-китоб-инсон, инсон-табиат-инсон, инсон-санъат-инсон муносабатлари шаклида вужудга келади ва мазкур жараёнда инсон иккинчи бир инсонга бевосита ва билвосита ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ёки воситалар ёрдамида таъсир ўтказиши мумкин, бу жараён ихтиёрий таълим муассасаларидаги раҳбарлар билан ходимлар, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳам қамраб олади [111; 133-б.].

Тарбиявий муносабатлар инсонлар ўртасидаги доимий муносабат (алоқалар) бўлиб, улар инсон шахсини ривожлантиришга, яъни мустақил маълумот, мустақил таълим олиш ва ўзини-ўзи тарбиялашни шакллантиришга хизмат қилади, шунингдек, бу педагогик жараён ҳисобланадиган инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда турли шаклларда

намоён бўлади, яъни мазкур жараёнда иштирок этаётган маълум бир инсоннинг билими, муомала ва мулоқот маданияти, кийиниши, гавда ҳаракатлари, қобилияти, фан-техника, санъат ва табиатга бўлган муносабати ҳамда қизиқиши иккинчи бир инсонга ва бошқа инсонларнинг фаолиятига, яъни фикрлаши, тасавури ва дунёқарашининг ўзгаришига ҳамда тафаккурининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади [111; 134 б.].

Шундай экан, МТМда бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиш жараёнида ва тарбиявий муносабатлар жараёнларида тарбияланувчиларнинг шахсий сифатларининг шаклланиши ва ривожланишига, хатти-ҳаракатининг ўзгаришига, дунёқарашининг кенгайиши, билим, кўникма ва малакаларининг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қиладиган барча таълим тарбиявий аҳамиятга эга бўлган жараёнлар мажмуини педагогик жараёнлар ёки педагогик тизим деб айтишимиз мумкин.

Демак, МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги машғулотлар, тўғарак машғулотлари, сайр, экскурсия, давра суҳбати, учрашувлар, турли йўналишларда ташкил этиладиган мусобақа ва танловлар, санъат фестиваллари ва бошқа турли йўналишлардаги тадбирларни, тарбияланувчи ва тарбиячиларнинг ўзлари томонидан амалга ошириладиган мустақил таълим, ўзини-ўзи тарбиялаш, мустақил маълумот, мустақил ишларни, шунингдек шахслараро муносабатлар жараёнида бевосита вужудга келувчи тарбиявий муносабатлар жараёнлари мажмуини ҳам педагогик тизим деб айтишимиз мумкин.

Тизимли ёндашувнинг асосий тушунчаси “tizim” бўлиб, алоқа, муносабатлар, интеграция, яхлитлик, ташкил этувчи қисмлар каби тушунчалар орқали ифодаланади. Бу тизимнинг бир-бири билан боғлиқ бўлган, ўзаро таъсир этувчи қисмларининг мажмуи яхлит объектни ташкил этади.

Тизим (грек. sistema - яхлит, қисмлардан таркиб топган, бирикиш) – 1) бирмунча мужассам, ажралмас, узвий бирликдаги тузилма сифатида намоён бўлувчи, қонуний яхлитликдаги кўпгина элементлар йиғиндиси (нарса-

ходиса, қарашлар ва билимлар кабилар.); 2) муайян алоқалар, ҳаракатларнинг катъий кетма-кетликда, режа асосида, барча қисмлари тўғри жойлашган тартибий тузилмаси, масалан, ишдаги тизим; 3) ниманингдир шакли, тузилиш услуби, ташкилий тузилмаси, ижтимоий тузум, масалан демократик тизим, давлат тизими, сайлов тизими, таълим тизими; 4) вазифасига кўра бир-бирига яқин, ташкилий жиҳатдан яхлит ва уйғун ташкилий тузилмалар мажмуи [91].

“Педагогика” энциклопедиясида [91] “тизимли ёндашув – илм-фандаги турли тизимларни тадқиқ этиш, лойиҳалаш, моделлаш ва шу кабиларни ўз ичига олган илмий-методологик йўналишни ифодаловчи тушунча” тарзида талқин қилинадиз. Тизимли ёндашув – тадқиқотчининг педагогик объект яхлитлигини очиб кўрсатишга йўналтирувчи, унинг ички алоқа ва муносабатларини белгиловчи жараён. Тизимли ёндашув ижтимоий ҳаёт ва илмий билишдаги методологик йўналиш сифатида манбани тизимлаштирган ҳолда ўрганиш имконини беради. Тадқиқотчига тизим мақсад мазмунини ифодалаш ҳамда тизим қисмлари орасидаги алоқадорлик асосида ягона мақсадга эришишга кўмаклашади [91; 214-б.].

Тизимли ёндашув объектларни тизим сифатида ўрганишга қаратилган методологик йўналиш бўлиб, тадқиқотчини объектнинг яхлитлигини очиб беришда ундаги мавжуд ўзаро алоқадорликнинг серқирра турларини белгилаш орқали у ҳақида ягона назарий тавсифий маълумотларни аниқлашга йўналтиради. Педагогик тизимни тадқиқ этишда тадқиқотчи педагогик жараёнга хос компонентлар ва тизим ҳосил қилувчи алоқаларни аниқлаши, мазкур тизимнинг шаклланишига таъсир кўрсатган асосий омилларни белгилаши, унинг бошқа ҳодисалар тизимидаги ўрни ва ролини белгилаши, қўйилган мақсадга эришишни таъминлайдиган бошқарув жараёнларини ўрганиши, натижада амалдагига қараганда самаралироқ, яхшироқ амал қиладиган тизим яратиши, олинган натижаларни амалиётга татбиқ этиши лозим.



Педагогик қонуниятларга кўра педагогик тизим ўзаро алоқадор ва узвий боғлиқ бўлган ҳамда ўзаро таъсир кўрсатувчи хусусиятларга эга компонентлар мажмуидан иборат бўлади. МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги машғулотлар, тўгарак машғулотлари, сайр, экскурсия, давра суҳбати, учрашувлар, турли йўналишларда ташкил этиладиган мусобақа ва танловлар, санъат фестиваллари ва бошқа турли йўналишлардаги тадбирларни, тарбияланувчи ва тарбиячиларнинг ўзлари томонидан амалга ошириладиган мустақил таълим, ўзини-ўзи тарбия, мустақил маълумот, мустақил ишларни, шунингдек шахслараро муносабатлар жараёнида бевосита вужудга келувчи тарбиявий муносабатлар жараёнларининг мақсади, йўналиши, мазмун-моҳияти ва аҳамиятига эътибор қаратадиган бўлсак уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлигини, яъни уларда тизимга хос хусусиятлар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Чунки мазкур педагогик жараёнлар деб аталаётган жараёнларнинг ихтиёрий бирининг ўзгариши иккинчиси, учинчиси ва бошқаларининг ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатади.

Б.Р.Джураева, Х.А.Умарова, Х.М.Тожибоеваларнинг тадқиқотларида [55] “tizim” тушунчаси жуда кенг қўлланилади, масалан, таълим тизими, тарбия тизими, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш шакллари ва методлари тизими ва ҳоказо.

Н.А.Менчинская ижтимоий тизимнинг турларидан бири ҳисобланган педагогик тизим – «инсонларга ва ёш авлодга таълим ва тарбия бериш, таълим жараёнини ташкил этиш мақсадларига хизмат қилувчи турли структуравий ва функционал боғлиқ бўлган компонентлар мажмуидан иборатдир» [74; 39-б.] дея таъкидлайди.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, педагогик тизим умумий мақсадлар йўналишида, функционал вазифаларни амалга ошириш ва бошқаришда ташқи муҳит билан ўзаро таъсир кўрсатувчи, алоҳида хусусиятларга эга бўлган ўзаро боғлиқ қисмларнинг яхлит ҳолда вужудга келишидир.

Бизнинг фикрмизча, МТМда таълим-тарбия бир неча кичик тизимлар доирасида, яъни ўқув машғулотида, ўйин машғулотида, сайр ва экскурсия жараёнларида ҳамда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тадбирларда амалга оширилиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, мазкур жараёнларни ҳамда ўзаро боғлиқ бўлган ташкил этувчи қисмларнинг ички табиатига хос бўлган жараёнларни ўз ичига олган ва ўзаро таъсир жараёни мавжуд бўлган шахслараро муносабатлар жараёнлари мажмуини ҳам педагогик тизим сифатида келтириш мумкин.

В.А.Сластенин ва А.И.Мищенколарнинг фикрича [103], педагогик тизимда тизимни ташкил этувчи омиллардан бири мақсад бўлиб, унга эришиш учун услуб ва воситалар зарур ҳисобланади. Мақсадга эришишда тизим ва унинг компонентларининг ҳаракати тизим функциясининг моҳиятини белгилайди [103; 37-б.].

Х.А.Умарова ва Х.М.Тожибоева [112]ларнинг фикрича, мақсад ихтиёрий тизимнинг ташкил этувчи компоненти ҳисобланади. Педагогик тизимни бошқаришда мақсаднинг аҳамияти аниқ фаолиятнинг мақсади сифатида белгиланади. Бунда аввал мақсад умумий ҳисобланади, уни лойиҳалаштириш жараёнида тактика ва вазиятлар ҳам инобатга олинган ҳолда топшириқлар бўйича тақсимланади. Яъни, мақсадни шакллантириш бир неча даражада амалга оширилади:

- умумий мақсадни белгилаш;
- умумий (стратегик) мақсадни аниқлаштириш;
- вазиятга кўра мақсадларни ишлаб чиқиш.

Мақсадга самарали эришишнинг асосий шартларидан бири мақсадни белгилаш талабларига риоя қилиш бўлиб, бунда:

- мақсадлар олдиндан белгиланган ва аниқ шакллантирилган бўлиши;
- бажарувчилар томонидан қабул қилинган ва уларга тушунарли бўлиши;
- мақсадлар таҳлил қилинган ва бажарилиш муддати белгиланган, шунингдек, бажарувчиларнинг ҳаракати мотивлаштирилган бўлиши;

– вертикал ва горизонтал бўйича келишилган турли хил топшириқлар йўналишида тақсимланишида мақсадларнинг бирлиги сақланиши зарур ҳисобланади [112; 67-68-б.].

Демак, педагогик тизим МТМнинг мақсади, вазифаси, таълим муассасаси томонидан педагогик мақсадларни амалга ошириш йўналишларида танланган модел, стратегиялари орқали тавсифланиши ҳам мумкин. Яъни педагогик тизим нафақат МТМда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнлари, балки педагогик жараёнлар субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш, тарбияланувчилар, тарбиячилар ва раҳбар ходимларнинг функционал вазифаларини амалга ошириш ва бошқаришда ташқи муҳит билан ўзаро таъсир кўрсатувчи, тарбиявий аҳамият касб этувчи ва алоҳида хусусиятларга эга бўлган ўзаро боғлиқ қисмларнинг яхлит ҳолда вужудга келишини ҳам қамраб олади.

Педагогик тизимнинг ташқи муҳит ва бошқа тизимлар билан ўзаро таъсир этиш хусусиятларига эга эканлигини инобатга олиб, МТМда ташкил этиладиган ўқув ва ўйин машғулоти, тўғарак машғулоти, сайр ва экскурсия, давра суҳбати, учрашувлар, турли йўналишларда ташкил этиладиган мусобақа ва танловлар, санъат фестиваллари ва бошқа турли йўналишлардаги тадбирлар, мустақил таълим, ўзини-ўзи тарбия, мустақил маълумот, тарбиявий муносабатлар жараёнларини педагогик тизимнинг асосий компонентларини ташкил этади деб айтишимиз мумкин.

Шундай экан, педагогик тизим асосий компонентларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини инобатга олган ҳолда МТМда ташкил этиладиган таълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган барча жараёнлар мажмуини яхлит педагогик тизим деб ҳисобласак, уларни такомиллаштириш ҳам тизимли хусусиятга эга бўлиши керак. Педагогик тизим компонентларининг ўзига хос хусусиятларини қуйидаги тамойиллар асосида тавсифлаш мумкин:

– педагогик жараён иштирокчилари ҳисобланган тарбиячилар ва тарбияланувчилар муносабатларида ўзаро таъсирнинг аҳамияти;

– тарбиячилар педагогик жараённинг фаол субъектлари сифатида фаолият кўрсатиши, яъни педагогик жараёнларда тарбиячилар хатти-харакатлари тарбиявий восита сифатида қарор топиши;

– педагогик жараённинг фаол субъекти сифатида тарбиячи хатти-харакатларининг мақсадга йўналтирилганлиги, изчиллиги ва ўзаро боғлиқлиги;

– таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар ҳамда МТМдаги шахслараро муносабатларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги;

– тарбияланувчилар шахсининг ривожланишига хизмат қилувчи ички ва ташқи омилларнинг ўзаро бирлиги;

– таълим-тарбия жараёнлари ва тарбиявий муносабатлар жараёнларининг ҳар бири алоҳида бир тизим сифатида ҳамда юқори тартибли яхлит педагогик тизимнинг ташкил этувчи компоненти сифатида мавжудлиги;

– МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнларнинг ташқи муҳит ва бошқа тизимлар билан ўзаро таъсир этиш хусусиятларига эга эканлиги.

Шундай экан, МТМда таълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган жараёнларни такомиллаштириш йўналишидаги муаммоларнинг кўпқирралилиги ва мураккаблиги, нафақат педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришни сифат жиҳатдан ўзгартиришни назарда тутди, балки унинг мазмунини такомиллаштириш заруриятини ҳам белгилайди.

Фикримизча, МТМ функционал вазифалари йўналишида белгиланган умумий мақсадларга эришишга қаратилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ҳамда мавжуд имкониятлар ва илмий-педагогик салоҳият даражасида ташкил этиладиган педагогик жараёнлар асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (таъминловчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнларни ўз ичига олади.

Демак, МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнлар самарадолиги асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (таъминловчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнлар иштирокчиларининг фаолиятлари билан боғлиқ бўлади. МТМда илмий-педагогик салоҳиятни бойитиш асосида имкониятларни

кенгайтириш, таълим-тарбия жараёнларини янада янги сифатларга кўтариш, педагогик жараёнларда юқори ва самарали натижаларга эришиш мумкин. Педагогик жараёнларда самарадорликка эришиш ва тарбияланувчилар дунёқараши ва тушунчаларини ривожлантириш учун одатда белгиланган мезонларни алмаштириш билан бир қаторда, асосий ва ёрдамчи жараёнлар иштирокчиларининг фаолиятини такомиллаштириш ҳам зарур бўлади.

Фикримизча, МТМда ташкил этиладиган асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (таъминловчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнлар бир бутун организм сифатида ички ўзгаришларга асосан ривожланади ва ўзаро алоқалар тизими барқарорлашади. Педагогик жараён самарадорлиги кўрсаткичларига кўра МТМ мақсадига эришишдаги вазифалар такомиллаштириб борилади. Асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (таъминловчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнларда вужудга келадиган турли хил муаммоларни ҳал этиш замонавий усуллар ёрдамида амалга оширилади, натижалар замон талабларига мослашади ва педагогик тизим самарадорлиги таъминланади.

МТМда ташкил этиладиган асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (таъминловчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнларни олдиндан лойиҳалаштириш ва педагогик тизимнинг умумий моделини ўзгартиришда тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг имкониятлари, бошланғич тушунчалари ва МТМ ички имкониятларига асосланиш керак. Чунки вазиятларга кўра такомиллаштирилган ва янгиланган модел давлат талаблари даражасида тарбияланувчиларнинг ўзгарувчан таълим-тарбиявий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондира олиши ҳамда тарбиячиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилиши муҳим.

Фикримизча, МТМда ташкил этиладиган асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнларни олдиндан лойиҳалаштириш ва педагогик тизимнинг умумий моделини такомиллаштиришда педагогик тизимнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда қуйидаги омилларга асосланиш керак:

– МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнларда эришиш мумкин бўлган муваффақиятлар тарбияланувчиларнинг фаоллигига, тарбиячиларнинг вазиятларга кўра тарбияланувчилар фаоллигини таъминлаш қобилиятларига боғлиқлиги;

– МТМда ташкил этиладиган машғулотлар жараёнларининг тизимли объект сифатида изчил ривожланиб бориши барча асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнлар ҳамда тарбиячи ва тарбияланувчилар ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнлари интеграциясини таъминлашга боғлиқлиги;

– асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнлардаги муваффақиятлар тарбиявий муносабатлар ва шахслараро муносабатлар жараёнларидаги ўзаро таъсирнинг самарадорлигига боғлиқлиги;

– МТМда ташкил этиладиган мураккаб тузилишга эга бўлган педагогик жараёнларни олдиндан лойиҳалаштиришдаги таваккалчилик (эҳтиёжлар ва имкониятларни, тарбияланувчиларнинг қобилиятлари ва бошланғич тушунчаларини инобатга олмаслик) билан педагогик жараёнлар самардорлигининг номутаносиблиги;

– МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнларни ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда тарбияланувчиларга кучли мажбурий ва кенг қамровли таъсир кўрсатишнинг самарасиз эканлиги;

– МТМда ташкил этиладиган мураккаб тузилишга эга бўлган педагогик тизимни ташкил этувчи асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнларни аниқ белгиланган тартибда (локал) мувофиқлаштиришнинг зарурати.

Демак, МТМда ташкил этиладиган мураккаб тузилишга эга бўлган педагогик тизимни ташкил этувчи асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнларни лойиҳалаштириш ва умумий моделини шакллантиришда уларнинг тизимга хос хусусиятларини инобатга олиш, яъни асосий (таълим-тарбиявий) ва

ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнлар самарадорликлари ҳам ўзаро таъсир кўрсатиш хусусиятларига эга эканлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Яъни МТМда ташкил этиладиган мураккаб тузилишга эга бўлган педагогик тизимни ташкил этувчи асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнлардан бири ҳисобланган тарбиявий муносабатлар жараёнлари ҳам тизимли хусусиятларга эга бўлиб, унинг самарадорлиги асосий (таълим-тарбиявий) машғулотлар натижавийлигига ўз таъсирини кўрсатиши ёки ўзини-ўзи тарбия жараёнлари сифатида хизмат қилишини инобатга олиш зарур.

Шундай экан, МТМда ташкил этиладиган барча шакллардаги асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнлардан иборат бўлган педагогик жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлашда уларнинг тизимга хос хусусиятларини ўрганиш ҳамда самарадорликка таъсир кўрсатувчи омилларни инобатга олиш муҳим ҳисобланади.

### **1.2-§. Мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этиш соҳасидаги ҳориж тажрибалари**

Дунёнинг кўпгина давлатларида мактабгача таълим ягона таълим-тарбия тизимининг дастлабки бўғини ҳисобланади. Мазкур тизимга маҳаллий ҳокимият органлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, диний ва жамоат ташкилотлари, жисмоний шахслар томонидан эътибор кўрсатилади. Одатда, кўпгина давлатларда стационар ва мавсумий ясли, иш вақти давомийлиги турлича бўлган МТМ, бошланғич синфларда мактабгача бўлимлар, оналар мактаблари, майдончалар фаолият юритади. Тарбиявий ишларнинг мақсади болаларнинг баркамол ривожланиши, уларда ижтимоий ҳаёт малакаларини шакллантириш ҳисобланиб, бу ишлар таълим ва тарбия дастурлари асосида амалга оширилади. Барча давлатларда педагогик ходимларни тайёрлаш тизими мавжуд (курслар, ўрта махсус, олий таълим

муассасалари). Мактабгача таълимнинг ҳар бир миллий тизими ўзига хос бўлган тажрибаларга эгадир.

Шу жиҳатдан хорижий давлатларда ташкил этилган мактабгача таълим тизими тажрибалари тадқиқот доирасида ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Болгарияда давлат мактабгача таълим тизими Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг шакллантирилган эди. Унга МТМлар (ярим кунлик, йиллик, мавсумий, суткалик), ясли, кундузги ва яримкунлик ясли-боғчалар (мактаблар қошидаги МТМлар) тааллуқли. Мактабгача ёш давридаги болаларни тарбиялашнинг давлат дастури мавжуд бўлиб, МТМларга деярли барча болалар жалб этилган. Мактабгача муассасаларда жисмоний тарбияга алоҳида эътибор қаратилади (спорт байрамлари, сузиш, чиниқтириш).

Болгария давлатининг мактабгача таълим тизимига қуйидагилар хос:

- мактабгача муассасаларнинг кенг тармоқлари, уларда лойиҳалар ва куриш ишларининг махсус меъёрларининг мавжудлиги;
- давлат мактабгача таълим ва педагогик кадрларни тайёрлаш тизимининг мавжудлиги;
- мактабгача тарбиянинг халқ таълими тизимининг қисми, унинг дастлабки бўғини сифатида тан олинганлиги;
- мактабгача таълим муассасаларда болаларни тарбиялаш давлат дастурининг амал қилиши кабилар.

Замонавий босқичда бутун халқ таълими тизими ва шу жумладан давлат мактабгача таълим муассасаларининг ислоҳотлари давом этмоқда[104].

Узоқ вақт давомида Буюк Британияда кам таъминланган оилалар фарзандлари учун давлат назоратидаги муассасалар фаолият юритган.

Ҳозирги вақтда улар замонавий мактабгача таълим муассасалари сифатида, болалар тарбиясига дифференциаллашган ёндашувни таъминламоқда. Мактабгача тарбия тизимининг шаклланиши ва ривожланиши М.Монтессори [79], Г.Штейнер [144], Ж.Пиаже [95], Дж.Брунер [144] ғоялари таъсирида юз берган.



Мамлакатда барча болаларни 5 ёшдан қабул қилинадиган мактаб таълимига тайёрлаш учун мактабгача муассасалар етарли эмас. Уларнинг асосий турлари давлат ва хусусий яслилари, ясли мактаблар, ясли синфлар, ўйин клублари, она ва бола клублари, “имкониятлар” гуруҳлари ҳисобланади. Иш мазмунига кўра уларни уч гуруҳга бирлаштириш мумкин:

- болалар парваришини таъминлайдиган кундузги яслилар;
- болаларни ақлий ривожлантириш, мактабга тайёрлаш муассасалари сифатидаги ясли синфлар ва мактаблар;
- ўйин гуруҳлари, она ва бола клублари, “имкониятлар” гуруҳлари.

Минтақавий кундузги яслиларини бир неча ойликдан 4-5 ёшгача даврдаги болалар учун маҳаллий ҳокимият органлари очадилар. Улар йил давомида соат 8 дан 18 га қадар ишлайдилар ва кам даромадли ота-она фарзандлари учун мўлжалланган.

Хусусий кундузги яслиларни турли жисмоний шахслар, ташкилотлар, хайрия жамиятлари, диний ташкилотлар ва шу қабилар ташкил этадилар. Булар черков-жамоатчилик кундузги яслилари; фабрикалар, компаниялар, корпорациялар, банклар томонидан ўз ишчиларининг фарзандлари учун очилган яслилар; тижорат яслилари; кооператив яслилар; илмий-тадқиқот марказлари қошидаги психологик-педагогик соҳадаги яслилар ҳисобланади. Уларнинг мақсади кичик ёшдаги фарзанди бўлган оналар учун кунига бир неча соат бўш вақтни таъминлашдан иборат.

Мамлакатда кўпгина хусусий тарбиячилар бўлиб, улар ота-оналарнинг ихтиёрига кўра иш куни давомида туғилганидан 5 ёшгача бўлган болалар билан ишлайдилар.

Айниқса, 3-5 ёшдаги болалар учун бепул минтақавий ясли мактаблари ва синфлари кенг оммалашган. Ясли марказлари, ўзига хос тарздаги бирлашган кундузги ва ясли мактаблари бўлиб, улар ўз афзалликларига эгадирлар, аммо уларнинг сони оз. Бошланғич мактабларда кўпинча ясли марказлари ташкил этилиб, улар болаларнинг ақлий, жисмоний, маънавий, эстетик ривожланишлари, уларнинг индивидуалликларини шакллантириш

билан шуғулланадилар. Мазкур ясли-марказларни ота-оналар ташкил қиладилар. Одатда, ясли марказлари болаларни ҳар томонлама баркамол ривожланишининг олий даражаси билан таъминлайдилар.

Ўйинли гуруҳлар мактабгача муассасаларнинг энг кенг тарқалган тури ҳисобланади, улар мактабгача ўйинлар гуруҳи Ассоциациясида бирлашадилар. Улар қисман давлат бюджетидан, хайрия хиссаси ҳамда кўпроқ болаларнинг ота-оналари томонидан молиялаштириладилар. Уларда 2-3 ёш оралиғидаги болаларнинг 70 фоизигача миқдори тарбияланадилар. Гуруҳларда 6 нафардан 40 нафаргача болалар тарбияланадилар, мазкур гуруҳлар ҳафтада 2-5 кунгача 2-3 соат давомида ишлайдилар. Ўйинли гуруҳлар раҳбарлари махсус психологик-педагогик тайёргарликка эга бўлишлари шарт (кўпинча булар гуруҳ тарбияланувчиларининг оналари бўладилар).

Шифохона ўйинли гуруҳлари даволанишда бўлган болаларнинг тарбияланишлари учун мўлжалланган. “Имконият гуруҳлари” ривожланишида алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларни тарбиялаш мақсадида ташкил этиладилар. Мазкур гуруҳлар ўйинли гуруҳлар каби фаолият юритадилар, аммо гуруҳлардаги болалар сони озчиликни ташкил этади. Машғулотларда махсус ўйинли ва ўқув материалларидан фойдаланилади.

Оналар ва болалар клубларида болаларнинг гуруҳдаги тарбияланиш вақтларида оналарнинг албатта қатнашишлари зарурлигини назарда тутати ҳамда гуруҳларнинг ишлари ўйинли гуруҳлар ишидан деярли фарқланмайди [148; 589-603-б.].

Инглиз халқ таълими тизими бошланғич мактабларга уч-тўрт ёшдаги болаларнинг қабул қилинишига ижозат бериши сабабли, таълим органлари беш ёшли болалар учун ҳам тайёрлов синфлари (гуруҳлари)ни ташкил этадилар.

Мактабгача таълим муассасалар ва дастурларнинг хилма-хиллиги Буюк Британиянинг мактабгача тарбия концепциясининг ўзига хослигини акс

эттиради: бола атроф-муҳитни идрок этадиган фаол субъект ҳисобланади. Шу сабабли тарбиянинг мақсади боланинг индивидуаллигини тарбиялаш, турли фаолият турларини эгаллашда унинг мустақиллигини таъминлаш ҳисобланади. Болаларнинг таълим-тарбияси дастурлари бола шахсини яхлит тасаввур қила олишга йўналтирилган бўлиб, таълим олишга мотивли омиллардан фойдаланиш, ташаббускорликни ривожлантиришга йўналтирилади. Мактабгача таълим муассасаларда бир катта инсонга 3 нафардан кўп бўлмаган гўдаклар ҳамда 3-5 ёшгача бўлган 5 нафаргача болалар тўғри келади. Мактабгача таълим муассасасига боланинг мослашишини осонлаштириш учун дастлабки кунларда бола ўз онаси билан биргаликда бўлади.

Даниядаги энг кенг тарқалган оммавий мактабгача таълим муассасаларининг турлари кундузги яслилар, МТМлар, ясли-МТМлар, ўйин майдонлари ва рухий, жисмоний ривожланишида алоҳида эҳтиёжли болаларнинг тарбияланиши ҳамда даволаниши, уларга психологик-педагогик ёрдам кўрсатилиши, нуқсонларни коррекциялаш учун мўлжалланган суткалик мактабгача таълим муассасалар ҳисобланади. Педагогик ходимлар психология, физиология, педагогика йўналишидаги уч йиллик тайёргарликдан ўтадилар. Даниянинг болалар мактабгача таълим муассасаларининг ҳар беш нафардан бир ишчиси эркак киши ҳисобланади. Данияда Халқаро Монтессори-ассоциацияси маркази жойлашган.

Исроилда МТМлар шаҳар, диний ва аёллар ташкилотлари таъминоти остида ҳамда август ойидаги қисқа муддатли таътилдан ташқари, йил давомида фаолият юритадилар. Мазкур давлатда 5-10 нафар гўдак (3 ойликдан бошлаб) ва мактабгача ёшдаги болалар учун пуллик хусусий МТМлар мавжуд. Хусусий МТМлар очишга фақатгина педагогик маълумотга эга бўлган мутахассисларга руҳсат этилади.

Р.С.Буре ва Л.Ф.Островскаяларнинг таъкидлашича, минтақавий сингари хусусий болалар МТМлари халқ таълими вазирлиги томонидан назорат этилади. Барча болалар мактабга бепул тайёрлайдиган МТМнинг катта

гуруҳларига ташриф буюришлари лозим. Улар бадий фаолиятнинг турли кўринишларини эгаллайдилар, ҳикоя ва эртақлар тинглайдилар, ўқиш ва ҳисоблашга ўрганадилар, компьютерда ишлайдилар, халқ анъаналари билан танишадилар [35; 31-б.].

Хитойда мактабгача таълим муассасалари жуда катта, яъни 270 нафар тарбияланувчи ҳамда 60 нафар педагог ва хизмат кўрсатувчи ишчилар.

Асосан кундузги вақтга мўлжалланган гуруҳларда 25-26 нафар болалар тарбияланадилар, мактабгача муассасаларнинг 5 фоиз гуруҳлари – суткалик бўлиб, улардан ота-оналар болаларни чоршанба ва шанба кунлари уйларига олиб кетадилар. Тарбиячилар ва уларнинг ёрдамчилари турли ёшда бўлишлари, болаларнинг хулқларини аниқ ташкиллаштиришни билишлари, уларнинг кўп вақтга бўш қолишларига йўл қўймасликлари, тартиб-интизомга одатлантириш, жазолашни қўлламастик ва жамоа ҳаётига бўлган кўникмаларни ҳосил қилиш, меҳнатсеварлик, қатъиятлилик, ота-оналар, тарбиячилар ва Ватан олдидаги масъулиятни тарбиялашлари лозим. Ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш ўқув-тарбия жараёнининг асоси ҳисобланади. Мусиқий қобилиятларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Германияда жамоат мактабгача тарбия анъаналари энг қадимийлардан бири ҳисобланади. 1957 йилдан бошлаб МТМлардаги тарбиянинг ихтиёрийлиги тўғрисидаги қонун амал қилади, уларнинг 20 фоизини давлат таъминлайди, 80 фоизи черковларга, касаба уюшмалари, немис Қизил ярим ой жамияти, ёшлар хизмати ва бошқа ҳайрия ташкилотларига тегишли. Ота-оналар болалар таъминотининг 50 фоизини тўлайдилар, бошқа ҳаражатларни мактабгача таълим муассасасининг эгаси қоплайди.

Германияда мактабгача таълим муассасаларининг қуйидаги турлари мавжуд: 3-6 ёшли болаларга мўлжалланган тўлиқ кунлик ва ярим кунлик МТМлар; бир гуруҳли мактабгача муассасалар (кўпроқ катта мактабгача ёшдаги болалар учун); мактаблар қошидаги гуруҳлар (беш ёшдаги болалар учун); беш ёшдаги болаларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланувчи

умумтаълим мактабларининг тайёрлов синфлари; 3-6 ёшдаги соғлом болалар учун суткалик интернатлар; саломатлиги ва ривожланишида муаммолари бўлган болалар учун интернатлар; оналар марказлари. Унда оналар ўз фарзандлари билан биргаликда қизиқарли ва фойдали фаолият билан шуғулланадилар, бир-бирлари ва педагогика ва психология соҳасидаги мутахассислар билан мулоқот қиладилар [143; 181-б.].

Болалар тарбиясининг асосий концептуал тамойиллари очик ва бепул МТМларда амалга оширилади.

Бепул МТМларнинг кенг тарқалган тури – штейнер МТМлари ва Монтессори МТМлари ҳисобланади. Очик МТМлар мактабгача таълимнинг вазиятга йўналтирилган концепцияси асосида ташкил этилган, унга қуйидагилар хос: болалар иштирокида очик режалаштириш; ҳақиқий ҳаётий алоқалар асосидаги таълим; ўйин ва таълимнинг яхлитлиги; ҳаёт ва фаолиятнинг ёш даврларига мос равишда ташкил этилиши; жамоатчилик билан алоқалар; ота-оналар ва мактабгача таълим муассасасининг ҳамкорлиги. Тарбиячи тизимли ва давомли кузатув, педагогик фаолият натижаларини таҳлил қилиш, прогнозлаш қобилиятига эга бўлиши керак.

Польшада мактабгача тарбия тизимини МТМлар, тўлиқ кунлик (шаҳарда) ва ярим кунлик (қишлоқ жойларда) ясли-МТМлар ташкил этади. Шунингдек, икки ҳафталик суткалик ясли-МТМлар ҳамда кўп қаватли уйларда жойлашган, оилавий типдаги вақтинчалик кичик МТМлар фаолият кўрсатади.

АҚШ. Америка мактабгача тарбия тизимининг ривожланишига «Хад Старт» (1965) дастурининг амалга оширилиши таъсир кўрсатди, унда мактабгача муассасаларни яратиш учун маблағ ажратилишини кўпайтириш кўзда тутилди (аввало кам таъминланган оила фарзандлари учун). Агар 1965 йилда 3-4 ёшли болаларнинг 10 фоизи МТМларга қатнашган бўлсалар, 1985 йилда – 40%, 5-6 ёшли болалар эса – 96 фоизни ташкил қилди.

Ҳозирги вақтда АҚШда мактабгача таълим муассасаларга қатнаш мактабга тайёрлов учун одатий ҳисобланади. Оилаларнинг эҳтиёжлари

турли-туман мактабгача таълим муассасалари типларининг шаклланишига сабаб бўлди: мактаблар қошидаги 4-5 ёшли болалар гуруҳлари. Мазкур давлат МТМлари тонгда 2-3 соат ишлайдилар ва аввало боланинг ақлий ривожланиши тўғрисида қайғурадилар; кичик ёш давридаги болалар учун мактаб-ясилар (3 ёшдан). Улардан айримлари ривожлантирувчи дастурлар асосида илмий марказлари ва педагогик коллежлар қошида фаолият юритади; - хусусий марказлар асосан корхона ва ташкилотлар қошида ишчи ва хизматчиларнинг фарзандлари учун кун давомида ишлайдилар.

АҚШнинг ҳар бир штати ўз таълим стандартларига эга, ҳар бир муассаса эса ўз дастури асосида ишлайди. Одатий гуруҳлар таркибида ривожланишида муаммолари бўлган 1-2 нафар мактабгача ёшдаги болалар ҳам шуғулланадилар. Улар билан индивидуал дастур асосида махсус педагог ва тарбиячи ишлайдилар, уларнинг ваколатлари бутун гуруҳга тегишли бўлади. Ривожланишдан ортда қолган болалар гуруҳнинг умумий ҳаётида иштирок этадилар, зарур ҳолларда уларга керакли ёрдам кўрсатилади. Соғлом болалар билан биргаликдаги фаолият уларнинг кўникма ва малакалари ривожланишига кўмаклашиши зарур. Одатда, бу ривожланишдан ортда қолувчи болалар учун ҳам, соғлом болалар учун ҳам бирдек ижобий натижаларни таъминлайди. Болалар интеграцияланган жамиятда яшашга ўрганадилар, болаликдан ижтимоий-коммуникатив тажрибага эга бўладилар, ўзларида меҳр-шафқат ва инсонпарварликни тарбиялайдилар.

АҚШнинг мактабгача тарбия концепцияси боланинг тажриба орттириши орқали унинг шахси ривожланишини кўзда тутди.

Болалар ижоди ва иқтидорини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Санъатга жалб қилиш жараёнида болаларда мулоқот қилиш қобилияти ривожланади. Гуруҳ хонаси одатда хилма-хил фаолият турларини ташкил этиш учун ажратилади (бурчаклар): социодрама (сюжетли-ролли ўйинлар), кўғирчоқ театри, санъат, пазандачилик марказлари, илмий математик марказ, қурилиш ва лойиҳалаш бурчаги ва бошқалар. Бу

болаларнинг ўз ихтиёрларига кўра мустақил ишлашлари учун шароитлар яратади.

Мактабгача тарбия тизими боланинг эркин, мустақил шахс бўлишига ўргатади. Шу билан бирга, бунда қобилиятлар тенглиги эмас, балки имкониятлар тенглиги назарда тутилади, бу эса таълим ва тарбия жараёнида ҳар бир болага нисбатан эркинлик ва тартиб, талабчанлик ва эътиборлилик учун шароитлар яратилишини талаб этади.

Туркияда мактабгача тарбияга ислом учун анъанавий бўлган кўп фарзандли оилавий тарбия кадриятлари ва оилада аёлнинг ўрни муайян даражада ўз таъсирини кўрсатади. Давлат мактабгача таълим тизимида (ясилар, хусусий, фабрикага қарашли, экспериментал МТМлар) туғилганидан 6 ёшгача бўлган болаларнинг 10 фоизи тарбияланадилар. Аммо унинг моддий, илмий-услубий базаси катта ислохотларга эҳтиёж сезади. Мактабгача таълимнинг мақсади ва мазмуни миллий таълимнинг умумий йўналиши: болаларнинг жисмоний, ақлий, ҳиссий ривожланиши; ҳуқ-атворнинг ижтимоий кўникмаларини шакллантириш; нутқ компетенциясини ривожлантириш; мактаб таълимига тайёрлашга жавоб беради.

Финляндиядаги МТМлар XIX асрнинг 50-йилларидан буён мавжуддир. Муайян вақт улар фребелевск тизими асосида ишлаганлар. Мактабгача муассасаларнинг оқилона иш моделини излашда Америка, Швеция мактабгача тарбия тизими ва Монтессори тизими синовдан ўтказилган. Финляндияда мактабгача муассасаларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

– халқ МТМлари. Улар узоқ йиллар аввал яратилган ва ота-оналари иш билан банд оилалар фарзандларининг тарбиясида кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган. Оилада болаларни кундузги вақтларда парваришlash учун очик МТМлар, кўчма МТМлар (мавсумий сингари), жисмоний ва руҳий ривожланишида алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар учун мактабгача таълим муассасалар кенг тарқалган.

– оилавий МТМлар, уларнинг вазифаси болаларнинг оилавий парваришини таъминлашдан иборат. Тарбиячилар махсус тайёргарликка эга бўлишлари лозим;

– очик МТМлар, улар ўйин майдончалари типиди ишлайдилар, у ерга ота-оналар фарзандларини сайр қилдириш, тенгдошлари билан биргаликда ўйнашлари учун олиб келадилар;

– мактабгача муассасалар, уларнинг иши катта оила тамойили асосида ташкил этилади.

Финляндияда давлат мактабгача тарбия тизими оила билан яқин алоқада амалга оширилади. 3 ёшгача бўлган болаларнинг ҳар 3 нафардан бири ва мактабгача ёшдаги болаларнинг (мактабдан 1 йил аввал) деярли барчаси мактабгача таълим муассасаларида тарбияланадилар. Ота-оналар мактабгача муассаса ишида бевосита иштирок этиш бўйича кенг имкониятларга эгалар. Гуруҳлардаги болалар сони қатъий чекланган: 1 ёшгача даврдигилар – 6 нафардан ортиқ бўлмаган. 1 ёшдан 2 ёшгача қадар – 12 нафардан кўп бўлмаган, 3 ёшдан сўнг – 20 нафардан ортиқ бўлмаган тарбияланувчилар.

Педагогик ходимларнинг иш тартиби кундузи болалар билан барча тарбиячилар ва энагалар ишлаши асосида ташкил қилинган. Ҳарбий руҳдаги ўйинчоқлар сотилиши таъқиқланган. Тарбиявий ишларда байрамларнинг ўтказилишига катта аҳамият берилади: БМТ куни, Финляндиянинг мустақиллик куни, Оталар куни, Оналар куни, Рождество, фин тили, «Калевали» куни (карельск – фин миллий эпоси). Тарбиячилик фаолиятига махсус олий маълумотли шахсларга рухсат этилади.

Франция давлатида мактабгача тарбия тизими (200 йиллик тарихига эга) жалб этилган болалар сони бўйича дунёдаги етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакатнинг мактабгача педагогика соҳаси маҳаллий (П.Кергомар, С.Френе) ва хорижий (М.Монтессори, Же.-О.Декроли, Же.Пиаже) педагогларнинг энг яхши назарияларини қамраб олган. 2 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар тарбияланадиган мактабгача муассасаларнинг асосий типлари – оналар мактаблари, бошланғич мактаблар қошидаги гўдаклар учун



синфлар, МТМлар ҳисобланади. Оналар мактабидаги асосий машғулотлар шакли ўйин ҳисобланади. 1975 йилда Францияда мактаб тўғрисидаги қонун қабул қилинди, унда мактабгача таълим ва мактаб таълимининг узлуксизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган. Барча таълим муассасалари учун мажбурий ҳисобланган ягона давлат таълим дастури амал қилади. Оналар мактаби ва бошланғич мактабларда болаларга бир педагог таълим беради. У мактабгача тарбия ва мактаб таълими ўртасидаги яқин алоқадорликни таъминлайди. Шу сабабли оналар мактабларида ва мактаблар қошидаги кичик болалар учун синфлардаги 5-6 ёшдаги барча болалар ва кичик болаларнинг 75 фоизи мактабгача таълим муассасаларига жалб этилган [88].

Мактабгача тарбиянинг умумий мақсади замонавий жамиятда яшаш учун зарур бўлган малакаларни шакллантиришда муҳим ҳисобланган жисмоний, ижтимоий, хулқ-атвор ва ақлий кўникмаларни ривожлантириш ҳисобланади. Нафақат билим орттириш, балки болалар ташаббускорлигини ривожлантириш, ижтимоий компетенцияни тарбиялашга катта аҳамият берилади.

Мактабгача муассасаларнинг фаолияти болани жамоатчилик ҳаётига жалб этиш, турли фаолият турларини ривожлантириш, билим олишга интилиш, бошқа болалар билан муносабатлар ўрнатишга йўналтирилган.

Мактабгача ёшдаги болалар тегишли кўникма, малакаларни эгаллашлари, ақлий ва нутқ ривожланишининг муайян даражасига эришишлари, расм чизиш ва тасвирий санъатнинг бошқа турларини эгаллашлари лозим. Тарбиячининг роли ривожлантириш йўналишида, ривожлантирувчи муҳитни яратиш, болалар хулқи ва психологиясини ўрганиш, уларнинг бўш вақтларини ташкил этишдан иборат. Кичик ёшдаги болалар тарбиясининг мақсади ўйинли фаолиятни, сезги органларини, моторикани ривожлантириш ҳисобланади. 4-5 ёшдаги болалар билан ишлашда сенсор тарбия мураккаблаштирилади, бунинг учун турли хилдаги қўл меҳнатидан фойдаланилади (газламага, шишага расм чизиш, саҳна учун

безаклар тайёрлаш ва бошқалар). Машғулотлар жадвалида кўп вақт жисмоний тарбия, мусиқага ажратилади. 5 ёшдан катта болалар улар учун мажбурий бўлган ўқиш, ёзиш, графика, математика бўйича машғулотларда мактаб таълимига тайёрланадилар, аммо уларни ўтказиш тартиби боланинг эркин танлови асосида белгиланади.

Швейцариянинг мактабгача таълим муассасалари (ёки болалар мактаблари) 4-6 ёшли болаларнинг тарбияси учун мўлжалланган. Давлат МТМларидан ташқари кўпгина хусусий МТМлар мавжуд, улар ҳафтада беш кун давомида кунига бир неча соат ишлайдилар ва кўпроқ бир қаватли ҳамда сайр қилиш ва жисмоний тарбия учун майдончалари бўлган биноларда жойлашадилар. Мактабгача ёшдаги болалар тарбиясининг тарихан икки концепцияси юзага келган: мамлакатнинг немислар жойлашган худудидаги концепция Ф.Фребель ғояларига, роман қисмида – женева йўналишига (Е.Клапаред, А.Ферьер, Же.Пиаже) ҳамда «Монтессори» типига асосланган. Швеция мактабгача таълим муассасалари яхши жиҳозланган, уларда машғулотлар ва мустақил шуғулланиш учун дидактик, ўйинли материаллар жуда кўп. Доимий равишда мактабгача таълим муассасаси ва бошланғич мактабнинг ўзаро ҳамкорлиги йўллари изланади, болаларни мактабга тайёрлаш учун «МТМ-мактаб» мажмуалари ташкил этилади[88].

Япониянинг тарбия тизими лаёқатларни барвақт аниқлаш ва қобилиятларни табиий ривожлантиришга йўналтирилган. МТМлардаги гуруҳларда болалар сони кўпчиликини ташкил этади – гуруҳда ўртача 40 нафардан. Тарбия муҳити эҳтиёткорона, дид билан ташкил этилган. Болалар хонада қулайлик ва гўзаллик яратишда иштирок этадилар: улар гулларни ўстирадилар, лойиҳалаштирадилар, панно ва гобеленлар тайёрлайдилар ва шу кабилар. Болаларнинг тасвирий фаолиятда иштирок этишлари мажбурий ҳисобланади, чунки японларнинг фикрларига кўра, кўл билан яралган гўзаллик инсонни борлиқни идрок этишидаги гўзалликни фалсафий тушунишига сабаб бўлади. Педагогларнинг вазифаси болаларни мулоқот қилиш, ғамхўрлик кўрсатишга ўргатиш, ҳар бир бола қулайлик, тенг

хуқуқлиликни ҳис қилиши, гуруҳ эса дўстлик ва ҳамкорлик асосида ривожланишини таъминлашдан иборат. Педагог болаларга танбەҳ бермайди. Тарбиянинг асоси япон халқининг миллий қадриятлари ҳисобланади, бу ҳатто индивидуал овқатланишни ташкил этиш билан ҳам боғлиқ. Таъкидланишича, инсоннинг тақдири унинг иқтидоридан кўра, унинг сабри, ишлаш қобилияти, қатъиятлилиги, тиришқоқлигига боғлиқ. Шу туфайли ҳаёт тартиби ва фаолиятга амал қилишга муҳим аҳамият берилади (барвақт уйғониш, тартиб-интизомли бўлиш, кўп ишлаш, тўғри овқатланиш, хушмуомалалик, саломлашиш, ташаккур изҳор этиш шакллари қўллаш). Катталарга хурмат, бошқа инсонни тушуниш, умумий қоидаларга бўйсунуш, бағрикенглик маъқулланади. Болаларга «ўлим» тушунчасининг моҳияти очиқ берилади, тинчликсеварлик ўргатилади.

Болалар тарбияси жараёни тарбиячилар ва ота-оналарнинг яқин ҳамкорлиги асосида қурилади. Ота-оналарнинг спорт кунлари, кузатув кунлари фарзандларидан хабар олишлари, педагоглар ва ота-оналарнинг боланинг ривожланиши тўғрисидаги қизиқарли фикрларини биргаликдаги ёзиб боришлари, ота-оналар мажлислари анъанавий ҳисобланади. Кўпгина мактабгача таълим муассасалари ўз ишларида, иқтидор боланинг қобилиятлари ривожланишининг максимал даражаси, 6 ёшлик давр эса – унинг тақдири ҳал этиладиган давр деб ҳисоблаган, машҳур япон скрипкачиси ва педагоги Судзукиннинг тажрибасига таянадилар (“Иқтидорни тарбиялаш тизими”). Нутқ ва мусиқий қобилиятларнинг барвақт ривожланиши аста-секин шахснинг яхлит ривожланиши тизимига айланиб боради, мусиқа ва она тили эса – унинг асосий воситалари ҳисобланади. Судзуки МТМларининг машҳурлигидан ота-оналарнинг фарзандлари дунёга келишидан 3-4 йил аввал болани қабул қилиш тўғрисидаги аризани беришлари гувоҳлик бериши мумкин. Бу муассасаларга боланинг ҳеч қандай лаёқатлари текширилмасдан қабул қиладилар. Тарбиячилар ёш даврлари турлича (3,5 ёшдан 5 ёшгача) бўлган болалар гуруҳлари (60 нафаргача

болалар) билан ишлайдилар. Уларнинг роллари бола шахсининг мустақил ривожланиши учун муҳит яратишдан иборат.

Бунда хотира, идрок (кўриш, эшитиш, тактил), болаларнинг тасвирий фаолиятларининг мажмуавий турларини ривожлантириш назарда тутилади. Болага икки ёшидан бошлаб скрипка чалиш ўргатилади, бунинг учун “Судзуки” компанияси тўлиқ ўлчамининг 1/32 қисмига тенг бўлган кичик скрипкаларни ишлаб чиқаради. Мазкур МТМларда тарбия жараёни инсонпарварлик мазмунига (табиат, санъатнинг гўзаллиги) ва шаклига эга (болани ҳеч нарсага мажбурламайдилар, балки унинг учун ривожлантирувчи педагогик муҳитни яратадилар) [52].

Болалар иқтидорларини ривожлантириш муаммоларига нафақат педагоглар ва ота-оналар қизиқадилар. Мактабгача муассасалар тизимининг фаолиятига Барвақт ривожланиш Ассоциацияси, “Иқтидорлилар таълими” ташкилоти ҳам сезирларли даражада ўз таъсирини ўтказади. “Сони” фирмасининг асосчиси Масари Ибукининг болалар қобилиятларини тарбиялаш тўғрисидаги машҳур асарларида келтириладиган, бола миясининг тузилиши фаол ривожланадиган илк уч ёшлик даврида унинг идрок этиш шахсий тажрибаси ақлий қобилиятлари ривожланишининг асоси ҳисобланиши, ҳеч бир бола даҳо ёки қоқоқ бўлиб туғилмаслиги, ҳар бир бола яхши ўқиши мумкинлиги – барчаси инсонпарвар, боланинг имкониятлари, мойилликлари ва қизиқишларини инобатга оладиган таълим методига боғлиқлиги тўғрисидаги муаллифнинг фикрлари япон мактабгача таълим ва тарбия тизимининг ўзига хос хусусиятларини аниқ ва яққол ифодалайди.

Жанубий Корейдаги болалар боғчалари жуда фойдали, керакли таълим муассасалари ҳисобланади. Мазкур таълим муассасаларида тарбияланувчилар жамоада яшаш ва мулоқот қилишни ўрганадилар. Таянч мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш давлат томонидан амалга оширилади. Мактабгача таълим муассасасидаги қўшимча машғулотлар учунгина ота-оналар пул тўлайдилар, лекин қўшимча машғулотлар мажбурий эмас.

Жанубий Корея мактабгача таълими бизнинг тизимимизга ўзаро мувофиқ келади. Масалан, бизнинг давлат талабларида болаларнинг ривожланиш соҳаси 5 та бўлиб, 1. Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши; 2. Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш; 3. Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари; 4. Билиш жараёнини ривожланиши; 5. Ижодий ривожланиш назарда тутилган бўлса, Жанубий Кореяда ҳам давлат талабларида ривожланиш соҳаси 5 та. Улар: саломатлик, ижтимоий – коммуникатив ривожланиш, жамиятдаги ҳуққ, санъат, билиш жараёнининг ривожланиши ва табиат.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим ва тарбиясининг миллий тизимлари қанчалик ўзига хос ва оригинал бўлмасин, уларнинг барчаси ўз асосида универсал тамойилларга эга бўлган, мактабгача таълим ва тарбия ягона ва яхлит тизимини тараққиётнинг умумий ҳодисаси сифатида намоён этадилар.

### **1.3-§. Мактабгача таълим муассасаларида тизимли ёндашув моҳияти**

МТМда ташкил этиладиган таълимий ва тарбиявий жараёнларнинг яхлит тарздаги самарадорлигини таъминлашда уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги инobatга олиниши муҳим, чунки у барча шакллардаги таълим-тарбия жараёнлари ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш заруриятини белгилайди.

Шундай экан, МТМдаги таълим-тарбия жараёнларини мураккаб, турли шаклдаги ва кўп даражали жараёнлар сифатида қуйидаги бир қатор хусусиятларни фақат уларга хос хусусиятлар деб ҳисоблаш мумкин: диалектиклик, даврийлик, асосланганлик даражаси, ихтилофлик, аҳамиятлилик, таваккалчилик, таълим методларини тавсифлаш қобилияти, вазиятларга алоқадорлик, таркибий тузилишга эгаллиги (структуравийлик), бошқарувчанлик, ижтимоий мўлжалланганлик, табақалаштириш қобилияти, интегративлик.

МТМдаги таълим-тарбия жараёнларининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган диалектиклик МТМда таълим-тарбия жараёни, яъни ўқув ёки

Ўйин машғулотининг такомиллашиш ва ривожланиш жараёни бўлиб, унинг мазмуни ва қўлланиладиган методлар секин аста, босқичма-босқич янгиланиб борилиши натижасида тарбияланувчиларда машғулотларга ижобий муносабатларининг вужудга келиши билан тавсифланади. Тарбияланувчиларда машғулотларга ижобий муносабатлар ва фаолликни вужудга келиши таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларининг яхлит тарздаги самарадорлигининг ортиб бориш кўрсаткичларини белгилайди.

МТМда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнларининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган диалектиклик унинг яна бир хусусияти бўлган даврийликка узвий боғлиқ бўлиб, таълим-тарбия жараёнларида тарбияланувчиларнинг машғулотларга ва унинг мазмунига қизиқишини шакллантириш ва ривожлантириш асосида уларнинг фаоллигини мақсадга мувофиқ ҳолда таъминлаш билан изоҳланади.

МТМда таълим-тарбия жараёнларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган машғулотлар ва улар мазмунининг асосланганлик даражасини ифодалайди. Бунда асосланганлик даражаси тарбияланувчиларга берилаётган маълумотларнинг янгиллиги, ишончлилиги ва асосланганлиги, шунингдек давлат талабларига мослиги билан ифодаланади.

МТМда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири ихтилофлилик бўлиб, тарбияланувчилар учун ташкил этиладиган машғулотларда унинг мазмуни ва қўлланиладиган методлар секин аста, босқичма-босқич янгиланиб борилмаслиги натижасида тарбияланувчиларда машғулотларга салбий муносабатлар, яъни чарчаш ва зерикишларнинг вужудга келиши билан тавсифланади. Машғулотлар жараёнида тарбияланувчиларда эркин ва мустақил фикрлашга, тарбиячилар фикрини тинглаш ва таҳлил қилишга истак ва қизиқишни сусайтириш эҳтимолининг мавжудлиги ихтилофлиликни вужудга келиши мумкинлигини билдиради. Тарбиячи томонидан берилаётган маълумотларни ўзлаштиришга

тарбияланув-чиларнинг кўпчилиги улгурмаслиги ҳамда тарбиячидан юқори даражада педагогик компотентлилик талаб этилиши ҳам МТМда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнлари ихтилофлилик хусусиятига эга эканлигини ифодалайди.

МТМда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнларига хос хусусиятлардан бири аҳамиятлилик бўлиб, мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган машғулотларда ўрганиладиган тушунчанинг мазмун-моҳиятини тушунтириш билан бир қаторда, шахсий муносабатлар жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган тушунчалар ҳақида ҳам маълумотлар бериш имкониятининг мавжудлигидир. Яъни ўрганилаётган тушунчанинг инсон ҳаётидаги мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш асосида уларнинг фаоллигини ривожлантиришга машғулотлар жараёнида замин яратилиши унинг аҳамиятлилигини ифодалайди.

МТМда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнларига хос хусусиятлардан яна бири эҳтимоллик хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, машғулотлар жараёнида тарбиячи томонидан барча тарбияланувчиларнинг бошланғич тушунчаларини аниқлаш ва объектив баҳолаш имкониятлари чекланганлиги сабабли таваккалчилик ва хавотирланиш ҳиссиётлари вужудга келади, бу ўз навбатида педагогик жараён самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатади.

МТМда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнларига хос хусусиятлардан бири таълим методларини тавсифлаш қобилияти бўлиб, МТМда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнларида ихтиёрий бир таълим методи барча вазиятларда қўлланилишига, яъни универсиалликка даъвогар бўла олмаслиги. Бу ўз навбатида МТМда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнлари самарадорлиги вазиятларга боғлиқлигини ифодалайди. Ҳақиқатдан ҳам МТМда ташкил этиладиган машғулотлар самарадорлиги кўп жиҳатдан тарбияланувчиларнинг қизиқиши, бошланғич тушунчалари даражаси, янги тушунчаларни қабул қилишга мойиллиги ҳамда

вужудга келаётган вазиятларга боғлиқ бўлиб, мазкур жараён самарадорлигини таъминлашда вазиятли ёндашув зарур ҳисобланади.

МТМда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнларига хос хусусиятлардан яна бири унинг аниқ таркибий тузилишга эга бўлиши зарурияти бўлиб, МТМда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнлари ҳам кириш, янги ўрганиладиган тушунчаларни баён этиш ва яқуний қисмлардан иборат бўлиши муҳим. Машғулотларнинг таркибий тузулишга эга бўлиши зарурати унинг структуравийлик хусусиятини ифодаласа, машғулотлар жараёнида тарбияланувчиларнинг қизиқишини шакллантириш ва фаоллигини таъминлаш мақсадида тарбияланувчиларнинг бошланғич тушунчаларини аниқлаш ва объектив баҳолаш, ўрганилиши кўзда тутилаётган тушунчаларнинг ўзлаштириш заруриятини асослаш, ўрганиш зарур бўлган тушунчанинг мазмун-моҳиятини баён этиш, хулоса яшаш ва яқунлаш каби босқичлари унинг таркибий тузилишга эга эканлигини асослайди.

МТМда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнлари самарадорлигини таъминлаш учун вазиятларга кўра машғулотлар жараёнларини такомиллаштириш ва ривожлантириш лойиҳаларини ва моделларини олдиндан тайёрлаш асосида тарбияланувчилар фаолиятини вазиятларга кўра мувофиқлаштириш имкониятларининг мавжудлиги унинг бошқарувчанлик хусусиятига эга эканлигини кўрсатади.

Машғулотлар жараёнларида тарбияланувчилар қизиқишини ривожлантириш асосида уларнинг фаоллигини таъминлаш, тарбиячилар фаолияти ҳамда уларнинг функционал вазифаларини мактабгача таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари билан мутоносиблигини таъминлаш асосида тарбиячи ва тарбияланувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш зарурати МТМда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнлари ижтимоий мўлжалланганлик хусусиятига ҳам эга эканлигини билдиради.

Машғулотлар жараёнларида тарбияланувчиларнинг ёши, психологик хусусиятларига кўра ҳамда гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра



турли хил ёндашувларнинг татбиқ этишнинг зарурати унинг ўзига хос хусусиятларидан бири табақалаштириш қобилияти эканлигини тавсифлайди. Мазкур хусусиятнинг ўзига хослиги машғулотлар жараёнида маълум бир тарбияланувчи ёки тарбияланувчилар гуруҳига қаратилаётган эътиборнинг меъёридан ортиши бошқа бир тарбияланувчи ёки гуруҳ тарбияланувчиларининг қизиқиши ва фаоллигига ёки машғулотлар самарадорлигига у ёки бу даражада таъсир кўрсатишида ҳам намоён бўлади.

Фикримизча, интегративлик ҳам МТМда ташкил этиладиган машғулотларга хос хусусиятлардан бири саналади, чунки машғулотлар жараёнида тарбияланувчиларнинг фаоллигини таъминлашга хизмат қилувчи ички ва ташқи омилларнинг ўзаро бирлигини таъминлаш самарадорликни оширишга хизмат қилади.

МТМда маълум бир йўналишдаги машғулотларни ташкил этишда машғулотлар жараёнларини яхлит, бир бутун динамик тизим кўринишида тасаввур қилиниб, машғулотлар жараёнларини олдиндан лойиҳалаштиришда тарбияланувчиларда шакллантириладиган тушунчаларни маълум бир изчиллик асосида интеграциялашуви орқали, яъни ҳар бир тушунчани бошқа тушунчаларнинг мазмун моҳиятига кўра ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш заруратини инобатга олиш ҳам самарадорликни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан 2018 йил 18 июнда Илк ва мактабгача ёшдаги болаларга қўйиладиган Давлат талаблари [12] қабул қилинди. Мазкур Давлат талабларида болани ёш хусусияти инобатга олинган ҳолда бола шахсига йўналтирилган бўлиб, ривожланишига қўйиладиган минимал талаблар акс эттирилган. Давлат талаблари 5та ривожланиш соҳалари интеграциясини кўзда тутди ва бола ривожланишига кўмаклашади: жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши; ижтимоий-ҳиссий ривожланиш; нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари; билиш жараёнининг ривожланиши; ижодий ривожланиш.

Мамлакатимизда 2018 йил 7 июлда мактабгача таълим соҳасидаги ислохотларнинг бевосита давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 4-сонли хайъат йиғилиши қарори билан мактабгача таълим муассасалари учун “Илк қадам” давлат ўқув дастури [12] тасдиқланди. Мактабгача таълим муассасасининг мазкур давлат ўқув дастури Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болаларни ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда мактабгача таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари, ўқув-тарбиявий фаолиятнинг асосий ғоялари ифодаланган. Шунингдек, болани таълимнинг кейинги босқичига ўтишидаги асосий компетенциялари белгиланган. Мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқув-тарбиявий жараённинг мақсади болаларда умумий асосий компетенциялар ва ривожланиш соҳалари компетенцияларини шакллантириш учун тегишли шароитлар яратишдан иборатдир. Мазкур дастур олдинги “Болажон” дастури [15]дан фарқ қилиб, унда илк бор мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантиришда компетенциявий ёндашувлар ўз ифодасини топган.

Компетенциявий ёндашувлар асосида ташкил этиладиган педагогик жараёнлар тарбияланувчиларда олдиндан шаклланган бошланғич тушунчаларни ривожлантиришга қаратилган. Машғулотлар жараёнида тарбияланувчиларнинг фаол иштирок этиши, берилган топшириқларни ижобий ечимини топиши, иштирокчилар ва ҳамкорлар билан муваффақиятли мулоқотга киришиши учун зарурий шарт-шароитларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Машғулотлар жараёнларида муваффақиятли ўзаро мулоқотга киришиши натижасида тарбияланувчилар мулоқотнинг турли хил услубларидан фойдаланишни ўрганиши, коммуникатив малакаларни ўзлаштириши, энг асосийси тарбияланувчиларда ўзаро таъсир кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш имкониятларининг кенглигини ҳам таълим-тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари сифатида келтириш мумкин.

Ўйинга асосланган машғулотлар жараёнида иштирок этувчи тарбияланувчилар ўртасида ҳам ўзаро таъсир вужудга келади ва бу бевосита таъсир жараёнида уларнинг мулоқотга киришиши натижасида уларда коммуникацион малакаларни шаклланишига хизмат қилиши машғулотлар жараёнида тарбияланувчиларнинг фаоллигини таъминлаш, уларнинг мустақил фикрлашини ривожлантириш, бевосита мулоқотга киришишга ундаш ҳамда ўз фикрини эркин билдириши учун имкониятлар яратиш ҳам ўзига хос хусусиятлардан бири эканлигини тасдиқлайди.

МТМда ташкил этиладиган сайр ва экскурсия шаклларидаги машғулотлар жараёнлари ҳам МТМда ташкил этиладиган педагогик тизимнинг компоненти ҳисобланади. Сайр ёки экскурсия шаклидаги таълим-тарбия жараёнлари ўрганиладиган тушунчанинг ёки табиат ва табиат ҳодисаларини ўрганишнинг аҳамияти ва заруриятини тарбияланувчилар томонидан мустақил англаб етишлари учун ҳам имкониятлар яратиб беради. Тарбияланувчиларда маълум бир тушунча, ҳодиса ёки табиатни ўзини ўрганишга қизиқиш шакллантиришда, яъни уларда ижобий ўқув мотивларини шакллантиришда сайр ва экскурсия машғулотлари ўзига хос аҳамият касб этиб, унинг самарадорлиги сайр ва экскурсия машғулотларини режалаштириш ва ташкил этишга, тарбияланувчиларда ўрганилиши режалаштирилган тушунча, ҳодиса ёки табиат ҳақида бошланғич тушунчаларнинг шаклланганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Е.П.Никитин ва Н.Е.Харламенковаларнинг таъкидлашича, инсон ҳаётида унинг ўзи томонидан мустақил равишда эгалланган тушунчалари муҳим аҳамият касб этади ва бу мустақил таълим жараёнида, яъни тарбияланувчига тарбиячи томонидан анъанавий равишда ўргатилмаганда, мустақил фикрлаш жараёнида вужудга келади, мазкур жараёнда муҳокама қилинаётган муаммонинг мазмун ва моҳияти тушунилади ва таҳлил қилинади, рефлексив фаолият амалга ошади [84; 32-37-б.].

Фикримизча, мустақил таълимнинг аҳамияти нафақат ўқиш-ўрганиш жараёнида балки кузатиш жараёнида ҳам ўз ифодасини топади. Яъни МТМда

ташқил этиладиган педагогик жараёнлар самарадорлиги нафақат аниқ бир мақсадда ташқил этилган машғулотлар жараёнини илмий асосда ташқил этишга, балки тарбиявий муносабатлар жараёнларини илмий асосларда мувофиқлаштиришга ҳам тўғридан-тўғри боғлиқ. Шундай экан, тарбиявий муносабатлар жараёнларида тарбияланувчиларда ўзини-ўзи тарбиялаш кўникмаларини шакллантиришга имкониятларнинг кенглиги ҳам МТМда ташқил этиладиган педагогик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Демак, МТМда ташқил этиладиган машғулотлар жараёнида тарбияланувчилар айниқса, улар учун ташқил этиладиган турли сайр ва экскурсиялар жараёнларида мустақил фикрлаш асосида мустақил хулосалар чиқариш орқали ўзини-ўзи тарбиялашга эришар экан, тарбиявий муносабатлар жараёнларида ҳам мунтазам ҳукм сурувчи ўзаро таъсир жараёнлари асосида ўзини-ўзи тарбиялаш учун жуда кенг имкониятлар яратилади.

Ўзини-ўзи тарбиялаш ички туйғулар ёрдамида миллий қадриятларни, инсон ҳаётидаги ютуқ ва муаммоларни, тажрибаларни ўрганиш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, яъни мустақил ривожланиш жараёнидир. Таълим-тарбия жараёни қандай ташқил этилмасин, ўзини-ўзи тарбиялашсиз ривожланишни амалга ошириб бўлмайди.

Фикримизча, МТМ тарбияланувчиларида ўзини-ўзи тарбиялаш оилада, маҳаллада ва МТМдаги тарбиявий муносабатлар ижтимоий меҳнат қилиш йўналишларида мустақил хулосалар ҳосил қилиш воситасида амалга ошади. Шундай экан, ўзини-ўзи тарбиялаш шахснинг бола ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди.

С.Т.Турғунов ривожланишни объектив жараён сифатида ташқи ва ички бошқарилувчи омиллар томонидан миқдор ва сифат жиҳатидан жисмоний ва маънавий шаклланиш, яъни, шахснинг фазилатлари, сифат ва хулқларининг шаклланиши, тушунчаларнинг такомиллашуви, кенгайиши, оддийдан -

мураккабга, мавҳумлик - билишга, оддий ҳаёт кечириш шаклларида - олий фаолиятга ўтиш жараёни тарзида таърифлайди [111; 134-б.].

Мазкур фикрларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири машғулотлар жараёнида бола шахсининг риволаниши ўзини-ўзи тарбиялаш жёнларини вужудга келишидир. Демак МТМда ташкил этиладиган барча турдаги машғулотлар жараёнида бевосита вужудга келадиган ўзини-ўзи тарбия жараёнлари самарадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлиб, мазкур жараён самарадорлигини таъинлашнинг асосий шари сифатида тарбияланувчилар фаоллигини таъминлаш ва мустақил фикрлаш фаолиятини ташкил этишни келтириш мумкин.

Шундай экан, МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнлар самарадорлиги нафақат таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этишга, балки тарбиявий муносабатлар жараёнларини мувофиқлаштириш, тарбияланувчиларда ўзини-ўзи тарбиялашга хизмат қилувчи мотивлаштириш жараёнларини ташкил этиш, шунингдек, МТМдаги таълим-тарбиявий муҳит ҳамда унда ўзаро таъсир жараёнларини кенг қамровлиликка боғлиқ бўлади.

МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлашда тарбияланувчиларни кўпроқ мулоқотга чорловчи, кўпроқ мустақил фикрлашга ундовчи ва уларнинг келгуси ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи объектив хулосаларни мустақил равишда шакллантиришга хизмат қилувчи воситалардан кенг фойдаланиш муҳим бўлиб, бундай воситалардан фойдаланишнинг аҳамиятлилиги МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Ўз навбатида тарбиявий муносабатлар жараёнлари ҳам тизим сифатида бир неча компонентларни ўз ичига олади. МТМ тарбияланувчилари учун аҳамиятли бўлган тарбиявий муносабатларнинг барча компонентлари (инсон-инсон, инсон-китоб-инсон, инсон-табиат-инсон, инсон-санъат-инсон, инсон-техника-инсон) нафақат МТМда, балки оилада ва маҳаллада ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси қайерда ва қандай шаклланишига кўра бир-

биридан фарқ қилади. Бундай фарқланишни инобатга олишнинг зарурати ҳам МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам, МТМда шаклландиган тарбиявий муносабатлар жараёнлари оилада ёки маҳаллада вужудга келадиган тарбиявий муносабатлар жараёнларидан мазмун-моҳиятига кўра тубдан фарқ қилади. Чунки МТМда раҳбар-ходим, тарбиячи-тарбияланувчи ёки тарбияланувчи-тарбияланувчи ўрталаридаги муносабатлар каби оиладаги ота-она, ота-бола, она-бола, ака-ука, опа-сингил муносабатларидан мутлақо бири-бирини ёки бири-иккинчисини такрорламайди ва бир-бирига ўхшамайди. Шундай экан, МТМда вужудга келувчи тарбиявий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- тарбиявий муносабатлар жараёнларининг тизимга хос хусусиятларга эга эканлиги;
- тарбиявий муносабатлар жараёнларининг кенг қамровлилиги ва такрорланмаслиги;
- тарбиявий муносабатлар жараёнларининг вазиятларга боғлиқлиги;
- тарбиявий муносабатлар жараёнларининг ўзини-ўзи тарбия ва шахсий ривожланишга таъсирчанлиги;
- тарбиявий муносабатлар жараёнларида ўзаро бевосита таъсир жараёнининг мавжудлиги;
- тарбиявий муносабатлар жараёнларида ўзаро таъсирнинг аҳамиятлилиги;
- бевосита таъсирнинг мулоқот жараёнида ёки мулоқотсиз масофадан туриб ҳам вужудга келиши;
- бевосита таъсир жараёнининг вужудга келиши ўзаро муносабатлар жараёнларини мувофиқлаштириш заруриятини белгилаши;
- бевосита таъсир жараёни тарбияланувчиларда муҳим аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларни шакллантиришга хизмат қилиши;

– тарбиявий муносабатлар жараёнларида таълим-тарбия воситаларининг аҳамиятлилиги.

Тарбиявий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари МТМда педагогик жараёнларни такомиллаштиришда тарбияланувчиларга ва ўзини-ўзи тарбиялаш ва шахсий ривожланиш жараёнларига аҳамиятли таъсир кўрсатувчи субъектив ҳамда объектив омилларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини тасдиқлайди.

МТМда, оилада ва маҳаллада тарбияланувчи ёки тарбияланувчилар ўзаро бир-бирини ва атрофдаги одамларнинг хатти-ҳаракатини кузатади, мустақил фикрлайди ҳамда уларнинг хатти-ҳаракатларидан объектив хулосалар чиқариш учин педагогик жараён бошқарилади. Кузатишлар жараёнида тарбияланувчиларнинг дунёқараши ўзгариб, тушунчалари ривожланиб боради, мазкур жараёнларда ҳам тарбияланувчи шахси шаклланиб, ривожланиб боради. Шундай экан МТМ тарбияланувчилари шахсининг шаклланиб, ривожланиб боришида тарбиявий муносабатлар ўзига хос аҳамият касб этади.

Демак, тарбиявий муносабатлар жараёнларининг ўзига хос хусусиятларига ва уларнинг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятига асосланиб айтиш мумкинки, тарбиявий муносабатлар МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнларнинг асосий компонентларидан бири сифатида яхлит педагогик тизим самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатади. МТМда ташкил этиладиган машғулотларнинг ўзига хос хусусиятлари билан бир қаторда, МТМдаги тарбиявий муносабатлар жараёнларига хос хусусиятларни ҳам инобатга олиш асосида тарбияланувчилар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш кўзланган мақсадларга эришиш ва самарадорликни таъминлашда ўзига хос аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида МТМ ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнлари билан тарбиявий муносабатлар жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини ҳамда уларнинг самарадорлигига аҳамиятли таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омилларни ўрганишни тақозо этади.

МТМда ташкил этиладиган барча шакллардаги машғулотлар ва тарбиявий муносабатлар жараёнларига тизимли ёндашувнинг жорий этилишида педагогик аҳамият касб этувчи барча жараёнлар мажмуи яхлит тизим сифатида, яъни тарбияланувчилар шахсига аҳамиятли таъсир кўрсатаётган мураккаб педагогик тизим сифатида инобатга олинishi муҳим ҳисобланади.

Тизимли ёндашувни татбиқ этишда МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнлари, педагогик тажриба-синов ишлари ҳамда педагогик амалиёт ва узлуксиз малака ошириш жараёнлари алоқалари ва боғлиқлигининг мазмун ва моҳиятига кўра уларни бир бутун, яъни яхлит ҳолда тасаввур қилиш талаб этилади. Мазкур жараёнлар самарадорлигини ўрганишда алоҳида хусусиятларга эга бўлган бир неча қисмларга ажратиб, яъни таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнлари, педагогик тажриба-синов ишлари ҳамда педагогик амалиёт ва узлуксиз малака ошириш жараёнлари ўртасидаги алоқалар ҳамда ўзаро боғлиқлик хусусиятлари аниқланади, чунки ҳар бир жараён яхлит педагогик тизимнинг ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатади.

МТМда педагогик жараёнларга тизимли ёндашувни татбиқ этишда инобатга олиш зарур бўлган омиллардан бири мураккаб педагогик тизим компонентлари ҳисобланаётган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнлари, педагогик тажриба-синов ишлари ҳамда педагогик амалиёт ва узлуксиз малака ошириш жараёнларининг тизимга хос хусусиятлари бўлиб, улар алоқадорлик, боғлиқлик, ўзаро таъсир, интеграция, яхлитлик, изчиллик каби тушунчалар орқали ифодаланади. Мазкур жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, ўзаро таъсир кўрсатиши ҳамда изчиллик ва интеграцияга мойиллиги уларни яхлит тизим компонентлари сифатида тасаввур қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Тизимга хос хусусиятлар МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнлар самарадорлигини тизимли ёндашув асосида ўрганишда тизимни ташкил этувчи ҳар бир компонентнинг самарадорлигини алоҳида ўрганиш



хамда объектив баҳолаш яхлит тизим фаолияти самарадорлигини таъминлашга хизмат қилишини тасдиқлайди.

Демак, МТМда яхлит педагогик тизим фаолияти самарадорлигини таъминлашда ҳар бир компонентнинг фаолият самарадорлигини ўрганиш ва объектив баҳолаш тарбиячиларнинг тушунчаларига боғлиқ бўлади. Тарбиячиларнинг педагогик жараёнларни ташкил этиш йўналишидаги билим, кўникма ва малакалари мажмуи таълим-тарбия жараёнларида тарбияланувчилар фаолиятини режалаштириш, тарбиячиларга қўйилаётган талаблар мажмуини ифодалаш билан бир қаторда, уларнинг фаолияти самарадорлигини таъминловчи энг зарур омиллар ҳисобланади.

Олиб борган тадқиқотларимиз натижаларининг кўрсатишича, педагогик жараёнлар сифатида тавсифланаётган, МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларига шахснинг фаолиятини инобатга олиш ёндашувини ҳам татбиқ этиш зарур ҳисобланади. Чунки тарбияланувчилар учун ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнларидан ташқари амалиётчилар учун ташкил этиладиган педагогик амалиёт (амалиётчи томонидан ўтиладиган машғулот) ҳамда педагогик тажриба-синов (турли шакллардаги машғулотлар) жараёнларида ҳам тарбияланувчилар бевосита иштирок этадилар. Мазкур жараёнлар самарадорлиги тарбияланувчилар фаоллигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Шундай экан, шахснинг фаолияти ёндашуви педагогик жараёнларда тарбияланувчилар фаоллигини таъминлаш ва уларда ўқув мотивларини шакллантириш учун татбиқ этилади.

Фикримизча, шахс-фаолият ёндашувида шахс имкониятлари ва унинг фаолияти самарадорлиги узвий ҳолда ўрганилади. Яъни тарбияланувчи имкониятлари (бошланғич тушунчалари, эҳтиёжи, қизиқишлари, мойиллиги) унинг хатти-ҳаракатлари (фаоллиги)га ҳамда педагогик жараёнларда яратилган шарт-шароитлар ва вазиятларга мувофиқлиги ўрганилиб, объектив баҳолаш асосида хулосалар чиқарилади. Бундай ёндашув асосида ташкил этиладиган педагогик жараёнларда тарбияланувчилар фаоллиги

таъминланади ва ўз навбатида тарбияланувчилар шахсий имкониятларини ривожлантириш учун қулай вазиятлар вужудга келади. Педагогик жараёнларда тарбияланувчилар учун қулай вазиятларнинг вужудга келиши уларнинг фаоллиги, мустақил, эркин, танқидий, таҳлилий ва самарали фикрлашининг ривожланиши орқали аниқланади.

МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнлари, педагогик тажриба-синов ишлари педагогик амалиёт жараёнларининг хусусиятлари тарбияланувчилар фаолиятининг ўзига хослиги, шунингдек, турли шакллардаги машғулотлар, ҳамда таълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган барча жараёнлардаги вазиятларнинг турлича бўлиши ёки маълум бир таълим-тарбиявий жараённинг ўзида вақтга ёки тарбияланувчилар фаолиятига боғлиқ ҳолда вазиятларни ўзгариб бориши вазиятли ёндашувни татбиқ этиш ҳам мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

МТМда турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларига вазиятли ёндашув технологияларини татбиқ этиш самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- педагогик жараён шаклига кўра самарадорликка таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни олдиндан аниқлаш;
- педагогик жараёнда вужудга келаётган вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш;
- вужудга келаётган вазиятларга кўра тарбияланувчилар фаолиятини изчил мувофиқлаштириб бориш;
- турли педагогик вазиятларда эришиш мумкин бўлган натижаларнинг самарадорлигини олдиндан аниқлаш;
- ташқи муҳитнинг таъсири ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган вазиятларни олдиндан аниқлаш асосида педагогик тизим компонентлари ва яхлит тизимнинг самарадорлигини таъминлаш стратегияларини белгилаш.

Тарбиячи фаолияти самарадорлиги кўп жиҳатдан сарфланаётган вақт ва талаб этилаётган меҳнат воситаларига боғлиқ бўлади. Тарбиячилар

фаолияти самарадорлигини ошириш, кўзланган мақсадга эришишда уларнинг фаоллигини таъминлашга жалб этиладиган сарф-харажатлар (вақт, меҳнат, кўшимча методик маҳсулотлар ва воситалар)нинг меъёрдан ортмаслигини таъминловчи, тарбияланувчиларнинг имконияти, қобилияти ва бошланғич тушунчаларига ҳамда мавжуд вазиятлар ва шарт-шароитларга мос келувчи, энг қулай бўлган ҳамда педагогик жараён ва унинг таркибий тузилишини қайта ташкил эта оладиган тизимни вужудга келтириш мувофиқлаштирилган ёндашувни жорий этишдир.

МТМда педагогик жараёнларни ташкил этишда мувофиқлаштирилган ёндашувни амалиётга татбиқ этилиши натижасида тарбияланувчиларнинг фаоллиги ҳамда тарбиячилар фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун сарф этиладиган меҳнат ва вақт тежалади, шунингдек, педагогик жараёнларда бир томонламалилик (субъект сифатида фақат тарбиячининг ўзи фаолият кўрсатиши) бартараф этилади.

### **Биринчи боб юзасидан хулосалар**

МТМда ташкил этиладиган мураккаб тузилишга эга бўлган педагогик тизимни ташкил этувчи асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнларни лойиҳалаштириш ва умумий моделини шакллантиришда уларнинг тизимга хос хусусиятларини инобатга олиш, яъни асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнлар самарадорликлари ҳам ўзаро таъсир кўрсатиш хусусиятларига эга эканлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Мактабгача таълим соҳасидаги ислохотларнинг бевосита давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 7 июлдаги 4-сонли ҳайъат йиғилиши қарори билан тасдиқланган мактабгача таълим муассасалари учун “Илк қадам” давлат ўқув дастури Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болаларни ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда мактабгача таълим муассасасининг

мақсад ва вазифалари, ўқув-тарбиявий фаолиятнинг асосий ғоялари ифодаланган, шунингдек, болани таълимнинг кейинги босқичига ўтишидаги асосий компетенциялари белгиланган. Мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқув-тарбиявий жараённинг мақсади болаларда умумий асосий компетенциялар ва ривожланиш соҳалари компетенцияларини шакллантириш учун тегишли шароитлар яратишдан иборатдир.

МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнлари, педагогик тажриба-синов ишлари ҳамда педагогик амалиёт жараёнларининг хусусиятлари ҳамда тарбияланувчилар фаолиятининг ўзига хослиги, шунингдек, турли шакллардаги машғулотлар ҳамда таълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган барча жараёнлардаги вазиятларнинг турлича бўлиши ёки маълум бир таълим-тарбиявий жараённинг ўзида вақтга ёки тарбияланувчилар фаолиятига боғлиқ ҳолда вазиятларни ўзгариб бориши вазиятли ёндашувни татбиқ этиш ҳам мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим ва тарбиясининг миллий тизимлари қанчалик ўзига хос ва оригинал бўлмасин, уларнинг барчаси ўз асосида универсал тамойилларга эга бўлган, мактабгача таълим ва тарбия ягона ва яхлит тизимини тараққиётнинг умумий ҳодисаси сифатида намоён этадилар.

МТМда шаклланадиган тарбиявий муносабатлар жараёнлари оилада ёки маҳаллада вужудга келадиган тарбиявий муносабатлар жараёнларидан мазмун-моҳиятига кўра тубдан фарқ қилади. Чунки МТМда раҳбар-ҳодим, тарбиячи-тарбияланувчи ёки тарбияланувчи-тарбияланувчи ўрталаридаги муносабатлар каби оиладаги ота-она, ота-бола, она-бола, ака-ука, опа-сингил муносабатларидан мутлақо бири-бирини ёки бири-иккинчисини такрорламайди ва бир-бирига ўхшамайди.

Интегративлик ҳам МТМда ташкил этиладиган машғулотларга хос хусусиятлардан бири саналади, чунки машғулотлар жараёнида тарбияланувчиларнинг фаоллигини таъминлашга хизмат қилувчи ички ва

ташқи омилларнинг ўзаро бирлигини таъминлаш самарадорликни оширишга хизмат қилади.

МТМда педагогик жараёнларга тизимли ёндашувни татбиқ этишда инобатга олиш зарур бўлган омиллардан бири мураккаб педагогик тизим компонентлари ҳисобланаётган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнлари, педагогик тажриба-синов ишлари ҳамда педагогик амалиёт ва узлуксиз малака ошириш жараёнларининг тизимга хос хусусиятлари бўлиб, улар алоқадорлик, боғлиқлик, ўзаро таъсир, интеграция, яхлитлик, изчиллик каби тушунчалар орқали ифодаланади. Мазкур жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, ўзаро таъсир кўрсатиши ҳамда изчиллик ва интеграцияга мойиллиги уларни яхлит тизим компонентлари сифатида тасаввур қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

## **II БОБ. ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

### **2.1- §. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ўйин фаолиятини тизимли ёндашув асосида ташкил этишнинг педагогик- психологик имкониятлари**

Мактабгача таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган мактабгача таълим муассасасининг “Илк қадам” Давлат ўқув дастури [12]да белгиланишича, ўқув-тарбиявий жараённинг мақсади болаларда умумий асосий компетенциялар ва ривожланиш соҳалари компетенцияларини шакллантириш учун тегишли шароитлар яратишдан иборатдир.

Мазкур ҳужжатда мактабгача ёшдаги (6-7 ёш) боланинг умумий муҳим 4та компетенциялари акс эттирилган:

коммуникатив компетенция – мулоқот воситаларидан турли вазиятларда фойдалана билиш кўникмаси;

ўйин компетенцияси – боланинг ўйин жараёни ва уни ташкил қилишда тажриба, билим ва кўникмалардан ижодий фойдаланиши бўлиб, у ўқув-тарбиявий жараён учун асос ҳисобланади;

ижтимоий компетенция – ҳаётий вазиятларда катталар ва тенгдошлар билан мулоқотда ахлоқ қоидалари ва меъёрларига риоя қилган ҳолда ўзини тута олиш маҳорати;

билиш компетенцияси – атрофдаги оламни онгли равишда идрок қилиш ва олинган билим, кўникма, малака ва қадриятлардан ўқув ва амалий вазифаларни бажариш учун фойдаланиш.

“Илк қадам” ўқув Дастури [12]нинг ўзига хослиги болаларда ўйин орқали ўқишга интилишни ривожлантириш, ўқитиш эмас; мактабгача таълим муассасалар тарбиячилари учун илк бор мавзувий режалаштириш белгиланган; илк бор болани давлат талабларининг соҳалари бўйича ривожланиш харитаси тақдим этилганлигида кўринади.

“Илк қадам” ўқув дастури [12] асосида 3 ёшдан 7 ёшга қадар илк бора мавзувий режалаштириш ишлаб чиқилган. Мазкур мавзувий режалаштириш асосида муассасаларда таълим-тарбия жараёнини ривожлантирувчи муҳитда ташкил этилиши тавсия этилган. Машғулотлар педагогнинг ижодий ёндошуви асосида боланинг эҳтиёжи ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда олиб борилади 2 ва ундан ортиқ ривожлантирувчи муҳитларда. Ривожлантирувчи муҳитнинг асосий фаолият тури – ўйин.

Мактабгача таълим муассасасида ривожлантирувчи муҳитни ташкил этишда болаларнинг ўзига хос белгиларга эга бўлган ёшга доир хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Ривожлантирувчи муҳит мазмуни: маданий тарихий қадриятлар, миллий ва ҳудудий анъаналар, табиат, иқлимдан келиб чиқувчи хусусиятларга мос бўлиши лозим. Муҳит мазмуни бирламчи дунёқараш асосларини шакллантириши, боланинг муваффақиятли ижтимоий мослашувига ёрдам бериши лозим.

Ривожлантирувчи муҳитларнинг 5 хил тури тавсия этилган:

1. Қуриш-ясаш ва математика;
2. Нутқ ва тил;
3. Фан ва табиат маркази;
4. Санъат маркази;
5. Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш.

Шундай қилиб, мактабгача ёшдаги болаларнинг етакчи фаолияти ўйин ҳисобланади. Тўғри ташкил этилган ўйинда боланинг жисмоний, ақлий ва шахсий сифатлари ривожланиши, ўқув фаолиятига тайёрлик шаклланиши ва мактабгача ёшдаги боланинг ижтимоий муваффақиятини таъминлаш учун шароитлар яратилади.

Боланинг уч ўзаро боғлиқ йўналишлари – ҳиссиётлари, тушунчаси ва ижодий-баркамоллик боланинг табиий муҳити – ўйинга мослашади, ўйин бола учун бир вақтда ҳам вақтичоғлик ҳамда инсонлар, предметлар, табиат оламини англаш усули, шунингдек ўз фантазиясини қўллаш шакли ҳисобланади. Ўйиннинг асосий афзаллиги унинг фаол ва мустақил фаолият

эканлиги ҳисобланади. Таълим ва суҳбатларда эмас, балки айнан ўйинда боланинг қобилиятлари ривожланади ва унинг шахси шаклланади. Ўйин болада яхши кайфиятни таъминлайди, унинг ҳиссий тажрибасини бойитади, кўргазма-образли тафаккури, тасавури, нутқини ривожлантиради. Тасавури яхши ривожланган болалар юқори интеллектга эга бўладилар. Ностандарт вазиятларда тез йўл топадилар, яхши таълим оладилар.

Ўйин – боланинг ижтимоий ривожланишининг муҳим шартидир. Унда болалар катталарнинг турли фаолиятлари билан танишадилар, бошқа инсонларнинг хис-туйғулари ва ҳолатларини тушуниш, уларга ҳамдард бўлишни ўрганадилар, тенгдош ва катта болалар билан мулоқот қилиш кўникмаларини эгаллайдилар.

Тўғри танланган яхши ўйин психотерапевтик таъсирга эга, чунки ўйиндаги ҳаракатлар орқали болалар йиғилиб қолган салбий ҳиссиётларини англамаган ҳолда ва беихтиёр чиқариб юборадилар. Ўйин болага барчасига қодирлик ва эркинлик ҳиссини беради.

Г.А.Джанпеисованинг тадқиқотида “ўйинларнинг асосий мақсади – кичик инсонни ривожлантириш, ундаги мавжуд ва намоён бўлган ҳислатларини коррекциялаш, уни ижодий тадқиқот хулқига йўналтиришдир. Бир томондан, болага амал қилиш учун “озуқа”, бошқа томондан – фантазия ва шахсий ижод учун майдон таклиф этилади” [53; 107-110-б.].

Ўйин туфайли болада барча психик жараёнлар, ақлий операциялар, моделлаш ва лойиҳалаш қобилиятлари ривожланади, математик тушунчалар тўғрисидаги тасаввурлари шаклланади, мактабга муваффақиятли тайёргарлик амалга оширилади.

Ўйин жараёнида мактабгача ёшдаги болалар билан қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

1. Ранг, шакл, ўлчам, ҳажм ва ҳ.к. тушунчалар билан танишув.
2. Фазовий тасаввурларни ривожлантириш.
3. Мантиқий тафаккурни шакллантириш (таққослаш, таснифлаш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш операцияларини эгаллаш).



4. Объектлардаги хусусиятларни аниқлаш, уларнинг номини айтиш, предмет ва буюмларнинг ўхшашлик ва фарқларини тушунтириш кўникмаларини ривожлантириш.

5. Мустақиллик, қатъият, мақсадга эришишга интилишни тарбиялаш.

6. Ташаббус, ижодий фантазия, тасаввурни намоён этиш учун шароит яратиш, лойиҳалаш ва моделлаш кўникмаларини ҳосил қилиш.


7. Нутқий фаолият ва коммуникатив кўникмалар билан боғлиқ психик функцияларини мустаҳкамлаш.

Замонавий, жадал ривожланувчи дунё, универсал компьютерлаштириш жараёни педагогларни болаларнинг мактабгача тайёргарликлари мазмунини модернизациялашга ундамоқда. Бола эртанги мактаб ҳаётига дадил кириб бориши ва унда муваффақиятли ижтимоий мослашиши учун, уни МТМдаёқ компьютер билан таништириш ва ундан ўйинлар учун фойдаланиш имкониятини кўрсатиш зарур.

Инновацион таълимий муҳитни шакллантириш йўналишларида юқори даражада педагогик тажрибаларга эга бўлган тарбиячилар ўз фаолияти жараёнида татбиқ этаётган таълим технологияларининг янгилиги ҳамда тарбияланувчилар ёшига ва таълимий гуруҳ хусусиятларига мувофиқлиги тарбияланувчиларнинг олган билимлари, дунёқарашининг ўзгариши, интеллектуал қобилиятларининг шаклланиш даражаси ҳамда уларнинг коммуникатив қобилиятларининг ривожланиш даражаларига ўзига хос таъсир кўрсатади. Мазкур таъсирнинг ўзига хослиги инновацион таълимий муҳитда тарбияланувчилар фаоллиги ва шахсий сифатларининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнлар самарадорлигининг таъминланиши ҳолатини аниқлаш омиллари сифатида ажратиб кўрсатиш имкониятини беради.

МТМда ташкил этиладиган барча учун қулай таълимий муҳитда тарбияланувчилар фаоллиги ва шахсий сифатларининг шаклланиши даражасига аҳамиятли таъсир этувчи омиллар (2.1-расмга қаранг), вазиятларга кўра мазкур жараённи ички ва ташқи ўзгаришларга

мослаштириш, инновацион методлардан тўғри фойдаланиш, мазкур жараён компонентларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлик хусусиятларини, инновацияларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш, илмий-методик таъминотини яхшилаш, таълим жараёнларини бошқариш тамойилларини ўзлаштириш ва қўллаш, бошқарувни тарбияланувчилар фаолиятини ривожлантириш ва фаоллигини таъминлашга йўналтириш асосида белгилашни кўрсатади.



**2.1-расм. МТМда педагогик жараёнлар самарадорлигига таъсир этувчи омиллар**

МТМда ташкил этиладиган барча учун қулай таълимий муҳитда тарбияланувчилар фаоллиги ва шахсий сифатларининг шаклланишига аҳамиятли таъсир кўрсатувчи омиллар вазиятларга кўра педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлаш ва ривожлантириш учун қуйидаги шартларнинг бажарилиши зарурлигини белгилайди:

– МТМда ташкил этиладиган барча таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларини инновацион тузилишга эга бўлган мураккаб педагогик тизим сифатида лойиҳалаштириш;

– МТМда ташкил этиладиган барча таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларининг тизимга хос хусусиятларидан келиб чиқиб, мураккаб педагогик тизимга хос хусусиятларни инобатга олиш;

– МТМда ташкил этиладиган барча шакллардаги таълим-тарбия жараёнларида тарбияланувчиларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда тарбиявий муносабатларни илмий асосланган тамойиллар асосида шакллантириш;

– МТМда ташкил этиладиган барча шакллардаги таълим-тарбия жараёнларида тарбияланувчиларнинг бошланғич тушунчалари ва ўзи ҳақидаги фикрларига илмий ёндашиш;

– тарбияланувчилар фаолиятининг таҳлилий йўналишларини, мураккаб педагогик тизимни концептуал ва дастурий бошқариш қонуниятларини тарбиячилар томонидан ўзлаштирилишини таъминлаш;

– МТМда мураккаб педагогик тизим сифатида ташкил этиладиган барча шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш фаолиятини олдиндан моделлаштириш ҳамда тарбияланувчилар фаолиятини аниқлаштириш ва режалаштириш;

– МТМда мураккаб педагогик тизим сифатида ташкил этиладиган барча шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларида тарбияланувчилар фаоллигини таъминлаш ва мустақил фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда инновацион ёндашувларнинг натижалари бўйича қайта алоқани таъминлаш;

– тарбияланувчиларнинг бошланғич тушунчалари ва тайёргарлик даражасини аниқлаш, мустақил фаолиятга уларни олдиндан тайёрлаш ва илмий-методик маҳсулотлар билан таъминлаш;

– тарбияланувчиларнинг қизиқиши, эҳтиёжи ва ўқиш-ўрганишга мойиллигини аниқлаш ва мотивлаштириш;

– педагогик жараёнларга янгиликларни татбиқ этиш ва тарбияланувчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишда инновацияларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш;

– МТМда ташкил этиладиган барча шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларида зарурий ахборотларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш асосида ўзгарувчан вазиятларга кўра тарбияланувчилар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш.

Шунингдек, МТМда мураккаб педагогик тизим сифатида ташкил этиладиган барча шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларида педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлаш даражасини аниқлаш омиллари сифатида қуйидагиларни ҳам ажратиш кўрсатиш мумкин:

– тарбияланувчиларнинг бошланғич тушунчалари, эҳтиёжлари, имкониятлари ва мавжуд имкониятларни белгиланган мақсадларга мос келиш даражасини ифодаловчи хусусиятлар;

– МТМда ташкил этиладиган барча шакллардаги таълим-тарбия жараёнларида тарбияланувчиларнинг эҳтиёжларининг ривожланиши, уларнинг таълимий муҳитда яратилган шарт-шароитлар ва ўз фаолияти натижаларидан қониқиш ҳосил қилиш даражаси;

– МТМда ташкил этиладиган барча шакллардаги таълим-тарбия жараёнларида тарбияланувчилар фаолияти натижаларнинг ўқув-методик таъминотга боғлиқлиги даражаси;

– тарбияланувчиларнинг мустақил фаолияти ва фаоллиги даражаси, шунингдек, тарбияланувчилар фаоллигини таъминлаш имкониятларининг мавжудлиги.

Мазкур омилларни самарадорликни таъминлаш даражасини аниқлаш индикаторлари сифатида инобатга олган ҳолда МТМда барча шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларини ташкил этиш асосида белгиланган мақсадларга эришиш ва самарадорликни таъминлашда тарбияланувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш, объектив баҳолаш ва мунтазам рағбатлантириб бориш ўзига хос аҳамият касб этади.

В.В.Сергеева [102]нинг таъкидлашича, педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлаш учун турли усуллар ва методларни қўллаш; назоратни объектив амалга ошириш ва назорат натижаларини таҳлил қилиш; хатоларни ўз вақтида тузатиш; назоратчининг компетентлигини ривожлантириш йўналишидаги талабларни бажарилиши зарур [102; 27-б.].

Шундай экан, МТМда ташкил этиладиган барча шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларининг самарадорлигини таъминлашда таълим-тарбиявий жараёнларни мунтазам тадқиқ қилиш, тарбияланувчилар фаолиятини назорат қилиш, назорат натижаларини таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш асосида қўллаб-қувватланган, маъқулланган, шунингдек, тарбиячилар ва тарбияланувчилар ўртасида янги ва ишончли ахборотлар алмашинувини таъминловчи тизимни жорий этиш энг муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларини мувофиқлаштиришдан кўзланган мақсадга эришиш йўналишида олинган натижалар умумий ҳолда мураккаб педагогик тизим ҳисобланаётган барча таълим-тарбия жараёнларининг яхлит тарздаги самарадорлигини ифодалайди. Бир сўз билан айтганда, МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнларнинг самарадорлиги тарбияланувчилар дунёқарашининг ўзгариши, тафаккурининг ривожланиши, уларда шахсий сифатларнинг шаклланиши ва ривожланишида ўз ифодасини топади.

Демак, МТМда ташкил этиладиган барча шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларини тизимли ёндашувлар асосида ташкил этиш орқали яхлит тарздаги самарадорликка эришишда унинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш муҳим ҳисобланади:

– МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнлар самарадорлигини баҳолашда яхлит тарздаги самарадорлик мураккаб педагогик тизим ҳисобланган ҳамда ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлган турли шакллардаги

таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларининг натижавийлиги асосида ифодаланиши;

– МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларининг ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлган барча ташкил этувчи қисмлари бир бутун, яхлит динамик ташкилий тузилишга эга эканлиги;

– МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнлари динамикаси процессуал хусусиятларга эга эканлиги;

– МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларини ташкил этувчи ихтиёрий компоненти самарадорлигининг ўзгариши яхлит тарздаги самарадорликка таъсир кўрсатиши;

– МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнлари компонентлари самарадорлиги даражаси кўп жиҳатдан тарбияланувчилар фаоллиги ва мустақил фаолиятига боғлиқлиги;

– МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги таълим-тарбия жараёнларида тарбияланувчи шахсининг ривожланиши самарадорлигига тарбиявий муносабатлар жараёнлари самарадорлиги таъсирининг муқаррарлиги;

– МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнлари компонентларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги;

– мураккаб педагогик тизим ҳисобланаётган МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларида қайта алоқани таъминлашнинг зарурияти ва унинг ўзига хос аҳамияти;

– МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларининг процессуал томони, яъни тўғри ва қайта алоқа жараёнларининг мавжудлиги;

– МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларида тарбияланувчиларда таълим олишга бўлган қизиқиш, яъни уларда ўқув мотивларини шакллантиришнинг зарурияти;

– мотивлаштириш жараёнлари самарадорлигининг мураккаб педагогик тизим ҳисобланаётган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнлари натижавийлигига таъсири;

– МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнлари самарадорлиги мотивлаштириш жараёнлари натижаларини ҳам ифодалаши;


– МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларида ахборотларнинг янги ва ишончли бўлиш шартлари.

Демак, МТМда педагогик жараёнларни ташкил этишда алоҳида эътибор қаратилиши зарур бўлган омиллардан бири турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги бўлиб, у барча шаклларда ташкил этиладиган машғулотларни ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш заруриятини белгилайди.

МТМда барча шаклларда ташкил этиладиган машғулотларни ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлашда машғулотлар, сайр ва экскурсиялар ҳамда маънавий ва маърифий тадбирлар жараёнида ўрганиладиган тушунчалар билан тарбияланувчилар мустақил ўзлаштирган тушунчаларни боғлиқлигини таъминлаш муҳим. Яъни тарбияланувчиларда зарурий тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилувчи ихтиёрий бир машғулот жараёни таълим-тарбиявий аҳамият касб этувчи иккинчи ва учинчи жараёнларнинг

тўлдирувчиси сифатида, ўз навбатида иккинчи машғулот жараёни эса биринчи ва учинчи жараёнларнинг аниқлаштирувчиси ва ривожлантирувчиси сифатида хизмат қилиши, шунингдек, уларнинг изчиллиги ва узвийлигига ҳамда тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигига эътибор қаратиш зарур.

МТМда педагогик жараёнларни ташкил этишда унинг компонентлари бўлган турли шакллардаги машғулотлар, тадбирлар, тарбиявий муносабатлар жараёнлари ҳамда педагогик амалиёт, педагогик тажриба-синов жараёнлари ва узлуксиз малака ошириш жараёнларинининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш мураккаб тизим ҳисобланаётган яхлит тарздаги педагогик тизим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади (2.2-расмга қаранг).



**2.2-расм. МТМда педагогик жараёнларни тизимли ёндашув асосида такомиллаштириш механизми**

МТМда таълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган жараёнларни такомиллаштиришда мазкур лойиҳада (2.2-расм) келтирилган педагогик



жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш учун тизимли ёндашувни татбиқ этиш зарур ҳисобланади.

Тизимли ёндашувда машғулотлар ва турли йўналишларда ташкил этиладиган тадбирлар, мустақил таълим, тарбиявий муносабатлар жараёнлари ҳамда педагогик амалиёт ва педагогик тажриба-синов жараёнлари, шунингдек, тарбиячилар учун ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнлари тизимнинг компонентлари ҳисобланади. Тизимни ташкил этувчи компонентларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги уларнинг ўзига хос асосий хусусиятларидан бири бўлиб, ихтиёрий компонент самарадорлигининг ўзгариши бутун бир яхлит тизимнинг самарадорлигига ўз ҳукмини ўтказди.

МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнлари, мустақил таълим ҳамда мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик тажриба-синов ишлари ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари талабалари (амалиётчилар) учун ташкил этиладиган педагогик амалиёт жараёнларини, шунингдек, тарбиячилар учун ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнларини мураккаб педагогик тизим сифатида такомиллаштиришга тизимли ёндашувни татбиқ этишда тарбияланувчиларда шакллантириладиган тушунча ва кўникмаларларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра маълум бир изчилликда ва ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганилиши зарурлигини инобатга олиш зарур.

МТМда таълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган турли шакллардаги машғулотлар жараёнларида тарбияланувчиларда зарурий тушунча ва кўникмаларни шакллантириш самарадорлигига тарбияланувчиларнинг мустақил олган тушунчалари, тарбиявий муносабатлар ҳамда ўзини-ўзи тарбия жараёнлари самарадорлиги қай даражада таъсир кўрсатса, мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик тажриба-синов ишлари ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари талабалари (амалиётчилар) учун ташкил этиладиган педагогик амалиёт жараёнлари,

шунингдек, тарбиячилар учун ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнлари самарадорлиги ҳам ундан кам бўлмаган даражада таъсир кўрсатади.

Демак, МТМда педагогик жараёнларни такомиллаштириш яхлит тарздаги самарадорликни таъминлашга хизмат қилувчи инновацион технологияларни татбиқ этишда тизимли ёндашувга асосланиш ҳамда педагогик жараёнларнинг асосий субъектлари бўлган тарбиячилар ва амалиётчилар ҳамда мазкур жараён ташкилотчилари ҳисобланган раҳбарлар фаолияти самарадорлигини таъминлаш ҳам зарур бўлиб, мазкур боғлиқлик педагогик жараёнларни такомиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш заруриятини белгилайди.

## **2.2- §. Тизимли ёндашув асосида педагогик жараёнларни такомиллаштиришда мактабгача таълим муассасалари субъектларининг ота-оналар билан ўзаро ҳамкорлиги**

Мактабгача таълим муассасалари педагогларининг асосий вазифаларидан бири педагогик маданиятни эгаллаш ҳисобланади. Умумий мазмунда маданият тушунчаси остида маънавий ва моддий бойликларни жамлаш тушунилади, катта инсон эса уларни тарихдан ҳозирги вақтга ва келажакка етказувчи ҳисобланади. Бунда МТМ педагоглари ва тарбияланувчиларининг ота-оналарида бир хилда юзага келадиган қатор муаммоларни ажратиш лозим. Биринчидан, педагогик маданият нима эканлиги ва уни намоён этиш усуллари қандайлиги тўғрисидаги яққол тушунча мавжуд эмас. Иккинчидан, ота-оналарнинг ўз ишларида, тарбиячилар эса педагогик жараённи амалга оширишда ҳаддан ортиқ бандликлари туфайли катталарнинг театрлар, музейлар, кўرғазмаларга ташриф буюришга вақтлари етишмайди. Учинчидан, мактабгача таълим муассасаларининг барча педагоглари ҳам ота-оналарда педагогик маданиятни шакллантириш методикасига бир хилда эга эмаслар.

Педагогик фаолият, маданият билан инсон фаолиятининг бошқа фаолият турларидан кўпроқ боғлиқдир. У жамиятнинг алоҳида соҳаси ҳисобланиб, мақсадга йўналтирилган ижтимоий-маданий инсонни шакллантиришни амалга оширади, маданий мерос, шахсни ижтимоийлаштириш, унинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларини бошқариш вазифаларини бажаради.

Шунинг учун ҳам, мутахассиснинг маданияти унинг касбий фаолиятида алоҳида ролга эга, у шахсга яхлит таъсир кўрсатади, касбий-шахсий муносабатлар тизимида мустақкам ўрин эгаллашга, ўзини ва фаолиятдаги ўз ролини англашга кўмаклашади, танланган касб доирасида ижоднинг интеграл кўрсаткичи сифатида хизмат қилади. Мутахассис маданиятининг умумий мазмундаги кўрсаткичи сифатида шахснинг дунёқараши кенглиги ва йўналганлигини, ижтимоий фаоллиги даражасини, ҳиссий таъсирчанлик хусусиятларини ҳам қабул қилиш мумкин.

Х.М.Тожибоевнинг тадқиқотида, педагогик маданият мутахассислар педагогик мулоқот вазиятида хулқни ташкил этишга амал қиладиган талаб, меъёр, намунаси сифатида тушунилади [110]. Баъзан педагогик маданиятни касбий саводхонлик, билимлилик, педагогик техника ёки тактика билан ўхшатиш содир бўлади.

Назарий жиҳатдан педагогик маданият умумий маданиятнинг бир қисми сифатида қаралади, чунки у:

- инсониятнинг тарихий-маданий тажрибасини бирлаштиради, алоҳида педагог эса мазкур тажрибани тарбияланувчиларда белгиланган қадриятлар ва муносабатлар ҳажми орқали акс эттиради;

- ўқитувчи ижтимоий амалиётининг бир қисми ҳисобланади ва унинг талаблар билан анъаналар, ўзаро муносабатлар меъёрлари орқали ўзаро таъсири соҳасида намоён бўлади;

- инсон билимлари соҳасини ифодалайди ва ўқитувчи амалга оширадиган, моҳир педагог фаолиятининг аҳамиятли компоненти ҳисобланган педагогик концепциялар, тизимлар, технологияларда ўз

ифодасини топади;

- педагог томонидан жамиятнинг объектив эҳтиёжларини акс эттириш усули ҳисобланади.

Педагогик маданият – бу мураккаб тузилган тизим бўлиб, педагогик таъсир этиш субъектининг кўп даражали таркибига эгадир. Шунинг учун ҳам педагогик маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисидаги фикрни нафақат мохир педагогларга нисбатан, балки бутун жамият доирасида ҳам қўллаш лозим.

Маданият инсоннинг ихтиёрий фаолият турига меъёрий талабларни акс эттиради. Шунинг учун ҳам, инсон фаолиятининг турлари қанча бўлса, шунча маданият турлари ҳам мавжуддир. Маданият – инсоннинг ҳаёт фаолиятида ўзлаштирган тажрибасидир.

Айтилганларга кўра, педагогик маданият педагогик жараённинг интегратив тавсифини ифодалайди. У инсонларнинг орттирган ижтимоий тажрибаларини ҳамда бир авлоддан бошқа авлодга етказиб бериш бўйича билимлар, кўникма, малакалар, компетенциялар ва махсус институтлар кўринишда мустақамланган мазкур фаолиятнинг натижаларини етказиб бериш бўйича бевосита фаолият яхлитлигидан таркиб топади.

Агар маданият ихтиёрий аниқ бир фаолият турига қўйиладиган меъёрий талабларни ифода этса, унда педагогик маданият ёш авлодни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш бўйича фаолиятга қўйиладиган талабларни ифодалайди.

Педагогик маданият бутун жамиятнинг ҳамда ҳар бир алоҳида инсоннинг умумий маданиятини акс эттиради. Шунинг учун ҳам, жамиятнинг педагогик маданияти омманинг педагогик маданияти даражаси билан белгиланади ва умумий маданиятнинг ажралмас қисмини ифодалайди.

Педагогик маданият умуминсоний маданиятнинг бир қисми сифатида жаҳон педагогик тажрибасидан ташкил топади, маданий даврларнинг алмашилиши оқибатида бунга мос равишдаги педагогик цивилизацияга олиб келади, таълим парадигмаларини ўзгартиради.

Ҳар бир давр ўз педагогик маданиятини шакллантиради. Унинг ҳар хил турларини ажратишга асос бўлиб маънавий қайта яралиш жараёни хизмат қилади, унинг остида умумий мазмунда маънавий кадриятлардан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришга йўналтирилган жамоат муносабатлари тизими тушунилади. Маданиятнинг ҳар хил кўринишлари таълим ва тарбия жараёнида маънавий кадриятларни ишлаб чиқишнинг турли моделларини ҳосил қилади.

Педагогиканинг тоифаси сифатида, педагогик маданият ижтимоий-педагогик, илмий-педагогик, касбий-педагогик, шахсий даражада ўрганилиши мумкин.

Ижтимоий-педагогик соҳа қуйидаги усуллар билан белгиланади:

- оталар ва болалар, катталар ва кичиклар муносабатларини ифодаловчи анъаналар, маросимлар, қоидаларни сақлаш;

- умуминсоний ва миллий маънавий маданият бир қисми сифатида ижтимоий-педагогик тажрибани етказиб бериш ва шахслараро, инсоний муносабатлар;

- умуминсоний ва педагогик кадриятларни шакллантириш;

- жамиятнинг педагогик тафаккури, педагогик онгида, амалий билимлар тизимида намоён бўлувчи педагогик назария, маданий намуналарни бойитиш;

Н.А.Морева педагогик маданиятнинг шахсий йўналишлари кўрсаткичларини қуйидагича таснифлаган:

- педагогнинг болаларга нисбатан инсонпарварлик муносабати, унинг тарбиячи бўла олиш қобилияти;

- тарбияланувчи нуқтаи назарида юзага келган муаммоларни ҳал этишга имкон берувчи психологик-педагогик компетентлик ва ривожланган педагогик тафаккур;

- ўқитадиган фан соҳаси бўйича билимлилиги, шахсий йўналганлик асосида, таълим мазмуни ва технологияси билан ишлашни билиш;

- ўқитувчига ўз педагогик технологияси, таълим-тарбиявий ишларни

ташқил этишга муаллифлик ёндашувини асослаш имконини берувчи ижодий фаолият тажрибаси;

- касбий хулқ маданияти ва ўзини-ўзи ривожлантира олиш қобилияти;
- мактабгача ёшдаги болани тарбиялаш ва тўлақонли

ривожлантиришга ота-оналарнинг қадриятли-мақсадли йўналганликлари [80; 32-б.].

О.Л.Зверева, А.Н.Ганичева, Т.В.Кротовалар педагогик маданиятнинг шартли равишда учта даражасини ажратадилар. Педагогларда ҳам, ота-оналарда ҳам педагогик маданият асосларини шакллантириш учун қуйидагича методлар гуруҳини қўллаш мумкин: катталарнинг рағбатлантирувчи рефлексив кўникмалари (кейс методи, ўйинли моделлаштириш методлари, ўзининг тарбиявий фаолиятини таҳлил қилиш). Ягона фойдаланишда мазкур методлар катта инсоннинг болага нисбатан муносабатини шакллантиради, эгалланган билим ва компетенцияларни фаоллаштиради; тақлидга асосланмаган фаол методлар (мунозаралар, баҳслар, муҳокамалар, тренинглари, баскет-метод ва бошқалар). Санаб ўтилганлардан кузатув методи алоҳида ҳисобланади, уни педагоглар ва ота-оналарга кундалик ёзувларни юритиш кўринишида тақлиф этиш мумкин [62; 56-б.].

«Педагогик маданият» тушунчасининг мазмун ва моҳиятини ўрганиш хулосасини чиқаришда, маънавий ва моддий қадриятлар энг кўп даражада акс этган умуминсоний маданиятнинг бир қисми сифатида, шунингдек авлодлар алмашуви ва шахс ижтимоийлашуви (улғайиши) тарихий жараёнига хизмат қилиш учун инсониятга зарур бўлган инсонлар педагогик фаолиятини амалга ошириш усуллари сифатида таърифлаш мумкин.

Шу тариқа, педагогик маданият педагогнинг педагогик қадриятлари, фаолият усуллари ва касбий хулқи динамик тизимини акс эттиради. Жамият ҳаётини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш маданиятни жамият ва алоҳида шахснинг маънавий ҳолати асосий кўрсаткичи деб олинишига сабаб бўлади. Маданият туфайли унинг жамият ҳаётида қатнашиши содир бўлади,

атроф-оламни акс эттириш қобилияти ҳосил бўлади, ўзини ёрқин индивидуал сифатида намоён этишнинг янги методлари ва воситаларини излаш қобилияти ривожланади. Педагогик маданият сабабли шаклланган шахс маданияти жамият қадриятларини ўзлаштиришнинг ҳолати ва натижалари ҳамда маҳсулдор жараёнидир.

Педагогик маданият ривожланувчи ҳодиса сифатида компонентларнинг уйғунлиги ва хилма-хиллигини ифодалайди, улар қаторида педагогик муносабат ва шахсий сифатларни; касбий билимлар ва педагогик тафаккур; касбий кўникмалар ва фаолиятнинг ижодий хусусияти; шахснинг ўзини-ўзи тартибга солиши ва касбий хулқ маданиятини ажратиш мумкин.

Педагогик маданиятнинг шартлари педагогнинг педагогик йўналганлиги, психологик-педагогик билимдонлиги ва маълумотлилиги, педагогик маҳорати ва ҳоказолар билан тўлдирилиши мумкин.

МТМ мутахассисларининг педагогик маданияти муҳим кўрсаткичи бўлиб ота-оналар билан ўзаро ҳамкорлик ва уларни тарбиявий-таълимий ҳамда коррекцион-ривожлантирувчи жараёнга жалб этиш қобилияти ҳисобланади. Афсуски, мактабгача ёшдаги болалар ривожланишининг Давлат талаблари [13]да ҳам, “Болажон” [15] дастурида ҳам ота-оналарни болаларни тарбиялаш ва ривожлантириш жараёнига жалб этиш бўйича кўрсатмалар берилмаган.

Малака ошириш курсларида давра суҳбатларида МТМлардаги фарзандларини ривожлантиришга йўналтирилган ҳамкорликдаги фаолиятга ота-оналарнинг иштироклари муаммосини муҳокама қилишда, МТМ раҳбарлари ва педагоглари қўйилган саволга ўз фикрлари ва таклифларини билдирдилар.

Бу ерда суҳбатнинг алоҳида парчаларини келтираамиз.

Савол. Сиз ҳақиқатдан ҳам ота-оналар таълим муассасаларида “тараққиёт механизми” бўлишлари мумкин деб ҳисоблайсизми? Шунингдек, МТМ таълим дастурини ишлаб чиқишда доим ҳам уларнинг манфаатларини

инобатга олиш керакми? Балки уларнинг ўзлари нимани исташларини билмаслар ҳам? Чунки улар бу масалада мутахассис эмаслар-ку!

Жавоб. Деярли барча ота-оналар нимани исташларини биладилар: улар ўз фарзандларини соғлом ва бахтли кўришни истайдилар. МТМ уларга бу нафақат мумкинлигига ишонишларига кўмаклашиши, балки буни амалга ошириши ҳам лозим. Муассасада болалар чин дилдан қувонч билан келиб-кетишлари учун шароитлар яратилиши лозим: болалар МТМга шунчаки келмасликларини англаб етишлари керак. Чунки бу ерда уларни кутадилар, тушунадилар ва яхши кўрадилар. Мазкур тушуниш ва меҳр нурини улар кейин ўз оилаларига олиб кетадилар.

Савол. Бизнинг вазифамиз – ота-оналарда қизиқиш уйғотиш ҳамда боланинг мактабгача болалик даври хурсандчиликларга бой тарзда ўтиши учун МТМдаги таълим-тарбия жараёнини ўзлари яратишларини таклиф этишдан иборат. Бу ота-оналар ўзлари таълим дастурини ишлаб чиқишлари, ўқитиш методикасини танлашлари ва болалар билан машғулотлар ўтишлари кераклигини англабмайди албатта. Бу МТМ очик ўз-ўзини ташкил этувчи тизим бўлиши мумкинлиги, мустақил равишда ўз атрофида самарали таълим-тарбия ва ижтимоий-маданий муҳитни яратиши мумкинлиги, унинг бир қисми ота-оналар ҳисобланишини англади. Сиз бу фикрни маъқуллайсизми?

Жавоб. Бу биз учун одатий эмас, аммо МТМнинг очилишига тайёргарлик кўришдаёқ биз ота-оналар нафақат таълим муассасасининг ўз-ўзини бошқариш жараёнида, балки йиллик тадбирларни режалаштириш, индивидуал таълим йўналишлари ва ҳар бир бола ҳамда болалар гуруҳлари учун портфолиоларни ишлаб чиқиш, болалар ижодий ва илмий-тадқиқот лойиҳалари ва жамоавий ижодий ишлар танловларини ўтказишда иштирок этишлари кераклигини тушунганмиз. Бундан ташқари, бизнинг ота-оналар, ҳатто оталар жисмоний-соғломлаштириш ва экологик-бадий студиядаги машғулотларни ўтказишда фаол иштирок этишлари мумкин. Бу айниқса илк ва кичик мактабгача ёшдаги болалар учун муҳим ҳисобланади. Қисқа



муддатли гуруҳларда болалар билан ишлашнинг бошқа йўналишлари доирасида бу каби машғулотларни: ижтимоий-психологик тренинглари, болалар ва ота-оналар муносабатлари тренинглари, Оилавий клуб доирасидаги машғулотларни ўтказиш имкони мавжуд. Шу билан бирга, машғулотларда ва гуруҳлар ишларида иштирок эта олмайдиган ота-оналар учун биз интерфаол мулоқот шаклини таклиф этамиз – мониторинг, видеокузатув тизими орқали ва уларнинг имкониятларини интерактив доска ва Интернет тақдим этадилар. Уларнинг ёрдамида МТМда ота-оналар билан ҳамкорликнинг бошқа шакллари ўтказиш ҳам режалаштирилган: ота-оналар мажлислари, семинар-практикумлар, педагогик устахоналар ва давра суҳбатлари.

Савол. Баъзи ота-оналарда Сиз болаларнинг тарбияси ва таълим учун масъулиятнинг бир қисмини уларга юклаётганлигингиз ҳисси юзага келмайдими?

Жавоб. Биз уларга масъулиятни юклаш эмас, балки таълим ва тарбия натижалари учун вазифаларни ва масъулиятни тақсимлаш тамойилини қўллаймиз. Биз бунга Фарғона вилояти МТМларидаги мактабгача ёшдаги болалар тарбиясининг кўп йиллик мониторингини ўтказиш, уларнинг тарбиялиликларини баҳолаш натижасида онгли равишда келдик. Бунда, мактабгача ёшдаги болаларнинг тарбиялилиги ҳар бир компонентининг шаклланиши жараёнида ижобий ўзгаришлар устунлик қилади, бундан икки ҳолат мустасно: тарбиялиликнинг мазмунли компонентини ривожлантиришга салбий силжиш (18,5 фоизга) кузатилди, МТМга қатнайдиган болаларнинг ота-оналари педагоглар билан ҳамкорлик қилиш ва таълим-тарбия жараёни натижаларининг самарадорлигини назорат қилишга етарли даражада қизиқмаган ҳолларида фаолиятли компонентни ривожлантиришдаги силжиш умуман кузатилмади.

Савол. Демак, МТМда кўп нарсалар ота-оналарга боғлиқ экан. Унда педагогларга нималар боғлиқ?

Жавоблар. Мониторинг натижаларига кўра, тарбиячиларнинг методик

компетенциялари даражаси қанчалик юқори бўлса, мактабгача ёшдаги болаларнинг ота-оналарида ҳам бу компетентлик шу қадар юқори бўлади. Тескари қонуниятлар аниқланмаган. Шунинг учун ҳам МТМда педагоглар ва ота-оналар услубий уюшмасини ташкил этишга катта эътибор қаратилади.

Шу ўринда, мазкур услубий уюшмага илм-фан, ЎзПФИТИ, мактабгача таълим ходимларининг малакасини ошириш маркази вакилларининг жалб этилганлигини таъкидлаш зарур. Уларнинг сайъи-ҳаракатлари туфайли ривожланиш Концепцияси, Дастури ва амалиётга жорий этилаётган Келажак МТМ модели сифатида Муассасанинг таълим дастури ишлаб чиқилди, илмий-услубий бирлашмалар ва педагогларнинг ўзини-ўзи бошқарувчи ижодий гуруҳлари ташкил этилди.

Савол. Уларнинг манфаатлари нимага йўналтирилган? МТМда улар нима учун яратилмоқда? Ахир бу “фанлар академияси” эмаску!

Жавоблар: Афсуски академия эмас! Чунки айнан у мактабгача ёшдаги боланинг барча эҳтиёжлари ва имкониятларини қондира олар эди: у кўп нарсани билишни ва қила олишни истайди, у ўз кучи ва қобилиятларига ишонади, у кўп нарсаларга қодирман, фақат катталар “бироз” ёрдам беришлари лозим деб ҳисоблайди. Аслида у ҳақ. Ҳар бир болага у амалга ошира оладиган кўпгина истеъдодлар берилади. Мактабгача ёшдаги бола барча ишга қодир – демак, унинг истеъдоди кўп.

Бизнинг Ривожланиш марказимизда болалар ҳаракат, коммуникатив, нутқ ва ақлий қобилиятлари диагностикаси ва ривожланиши дастури қўлланилади. Шу билан бирга биз “қобилиятсиз” болалар бўлмайди деб ҳисоблаймиз. Уларга эътиборсиз катталар бўлади. Шунинг учун ҳам болалар ва ота-оналар билан психолог, қўшимча таълим педагоглари ишлайдилар. Улар ҳозирги вақтда мактабгача ёшдаги болаларнинг коммуникатив ва бадиий қобилиятларини параллел ривожлантириш муаллифлик дастури устида ишламоқдалар.

Савол. Унда, болалар билан машғулотларни ўтказишда қандай «ноу-хау» янгиликлар мавжуд?

Жавоб. Машғулотлар ўтиладиган кичик гуруҳлар (6-8 нафар) қобилиятлар асосида эмас, балки Шарқдаги каби, жумладан Япониядагидек уларнинг фаолиятларини самаралироқ қиладиган коммуникатив кўникма ва малакаларига мувофиқ равишда шакллантирилади. Бу гуруҳларда ижобий психологик муҳитни шакллантириш ва алоҳида муҳит – болалар ҳамжамиятининг яратилишига кўмаклашади. Унда ҳар бир бола ўз атрофида қанчалик коммуникатив муҳитни яратишни билса, шунчалик муваффақиятли бўлиши мумкин, бу ўсиб келаётган авлод, уларда ахборот ва коммуникатив маданиятни шакллантириш, бузғунчи ижтимоий таъсирларга қарши бардош бериш кўникмаларини шакллантириш учун жуда муҳим.

Суҳбат якунида, биз Келажак МТМларини очиқ муассаса, ўз ривожланиш имкониятларини аниқлаш ва амалга оширишга қодир бўлган ўзини-ўзи ташкил этувчи тизим сифатида тасаввур қилишимизни таъкидлаймиз. Аммо гап бунда ота-оналарни МТМ таълим-тарбия ва коррекцион-ривожлантирувчи муҳитга жалб этиш тўғрисида эмас. Бунда ягона услубий муҳитни шакллантириш тўғрисидаги ғоя илгари сурилади.

Ўтказилган суҳбат асосида ўзини-ўзи ташкил этувчи тизим сифатидаги МТМ фаолиятининг схемаси тузилди (2.3-расмга қаранг).


Таклиф этилаётган схема асосида педагоглар ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорликдаги ишларини ташкил этиш педагогларнинг касбий компетентликлари даражаси ва оила ҳамда МТМ шароитидаги тарбиянинг самарадорлиги ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ўрнатишга имкон беради.

Юқорида кўрсатилган, мажмуавий вазифаларни ҳал этиш учун, қуйидаги шароитларни яратиш лозим:

— тарбияланувчиларнинг ота-оналарида уларнинг фарзандларининг ривожланиш имкониятлари ташхиси натижалари билан таништириш орқали ҳамкорлик ҳиссини шакллантириш;

— муаммоли семинарлар ўтказиш вақтида ота-оналар ва педагогларда болаларни МТМ ва оилада ривожлантириш, тарбиялаш ва таълим бериш вазифалари тўғрисидаги тасаввурларини муҳокама этиш;

— табақалаштирилган ота-оналар гуруҳлари билан педагогик ҳамкорлик махсус муаммоларини белгилаш ва индивидуал ҳамда кичик гуруҳлар консультацияларини ташкил этиш;



### **2.3-расм. Ўзини-ўзи ташкил этувчи тизим сифатидаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг тузилмаси**

— анъанавий ва ноанъанавий мулоқот усулларини қўллаш орқали ота-оналар ва тарбиячиларга ҳамкорлик функцияларини ўргатиш;


— ижодий лойиҳалар усули бўйича жамоавий фаолиятни ташкил этиш жараёнида болалар ва катталарнинг ақлий ва ижодий ташаббусларини

ривожлантириш.

Юқорида санаб ўтилган шароитлар ота-оналар билан ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш жараёнида амалга оширилиб, унда қуйидаги йўналишлар назарда тутилган:

1. Ўзаро ҳамкорликни моделлаштириш.
2. Тарбиячилар ва ота-оналар ўртасида ҳамкорликка йўналтирилган ижобий шахслараро муносабатларни ўрнатиш.
3. Ота-оналарда боланинг янада тўлиқ образини ва уни тўғри қабул қилишни шакллантириш.
4. Ота-оналарнинг педагогик нуқтаи-назарларини ўрганиш ва мактабгача ёшдаги болани тарбиялашда оилавий муаммолар билан таништириш.
5. Ота-оналарни қизиқишлари бўйича гуруҳларга бирлаштириш, оилавий меҳмонхона ва оилавий клубларни ташкил қилиш.

Ишнинг барча босқичлари ва даврларида, ота-оналар билан ишлашнинг турли-туман усуллари фаол қўлланилади.



**2.4-расм. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятида ота-оналарни фаоллаштириш методлари**

Тажрибалар кўрсатишича, тарбиячиларнинг педагогик маданияти ва методик компетентлиги қанчалик юқори бўлса, мактабгача ёшдаги болалар ота-оналарининг мазкур кўрсаткичлари ҳам шунчалик юқори бўлади.

### **2.3 - §. Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштириш модели**

МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнларни илмий асосда такомиллаштиришда фан-техника ютуқларига асосланган энг самарали методлар ва унинг мазмун-моҳияти тарбиячилар ўз фаолиятида афзал билган ва илмий асосланган барча усуллардан ташкил топган тизим сифатида қаралади. Бунда бир томондан тарбиячилар билан тарбияланувчиларнинг фаолияти мазмуни, бошқа томондан бу тизимнинг ўзи педагогик жараёнларни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик жараёнларда тарбиячилар билан тарбияланувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш, яъни субъект-субъект муносабатларини шакллантириш ўзаро таъсир жараёнида амалга оширилади ва мазкур жараёнда ўзаро таъсир этиш маданияти шаклланиб, ривожланиб боради. Ўзаро таъсир этиш маданиятининг ривожланиши таълимий муҳитда инновацион ўзгаришлар билан узвий боғлиқ бўлади.

Педагогик жараёнларда инновациялар ўзаро таъсир маданиятининг энг муҳим ва асосий воситаларидан бири сифатида намоён бўлиб, улар инновацион жараёнларда нафақат ўзининг тавсифи ва хусусиятлари билан, балки педагогик жараёнларни такомиллаштиришнинг энг муҳим омиллари сифатида ҳам белгиланади. Бу ўз навбатида инновацияларнинг сифатини ва аҳамиятлилигини белгилаш билан бир қаторда, вазиятларга кўра уларни татбиқ этиш вақтларини ҳам олдиндан белгилайди.

Ўзаро таъсир маданияти умумий ижтимоий маданиятнинг ташкил этувчи компоненти сифатида маълум бир ижтимоий маданият контекстида тушунчалар, шахслараро муносабатлар ва ўзаро таъсир натижасида шаклланади ва унда қатор катталиклар – анъанавийлик, долзарблик даражаси, мотивлаштириш тизими; раҳбарлик услублари, ташкилий

муҳитнинг сифати; коммуникациялар; персонални бошқариш; бошқарув стратегияси; тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг касбий ҳамда шахсий маданияти расмий жиҳатдан намоён бўлади.

Ўзаро таъсир маданиятининг анъанавийлиги миллий-тарихий ижтимоий маданият билан педагогиканинг ўзаро боғлиқлигига асосланувчи умумтараққий ва миллий таълим-тарбия маданиятининг педагогик тизимда барқарор намоён бўлиши, унинг долзарблиги таълимий муҳитда қулай вазиятларнинг вужудга келиши сифатида ва ижтимоий эҳтиёжларга мос келиши билан белгиланади.

Таълимий муҳитнинг сифати унинг ҳолатининг миллий-маданий намуналар билан мос келишини ҳамда педагогик жараённинг самарадорлик даражаси ва субъектлар (тарбиячи ва тарбияланувчилар)нинг имконият даражасини белгилайди. Яъни, вужудга келаётган вазиятларни таълимий муҳитнинг асосий ташкил этувчи элементлари билан мувофиқлаштириш ўзаро таъсир маданиятининг асосий кўрсаткичи сифатида хизмат қилади.

Юқорида келтирилган ўзаро таъсир маданиятининг барча хусусиятлари педагогик жараённинг ривожланиш даражасини кўрсатади ва педагогик жараён субъектларининг инновацияларга тайёргарлиги кўрсаткичи сифатида хизмат қилади. Бу ўз навбатида МТМ тарбиячилари: инновацияларни амалга оширишга йўналтирилган фаолияти ва ўз ишига бўлган қизиқишини ҳаётий аҳамиятга эга деб билиши; ижодий ва касбий имкониятларга эга бўлиши; чет тилларини, компьютер технологияларини ва менежмент асосларини билиши; ўз касбий маҳорати даражасини танқидий баҳолаш имкониятига эга бўлиши; ижтимоий-иқтисодий ривожланишда инсон омиллари ва инновацион фаолият заруриятини инобатга олиши зарурлигини ифодалайди.

МТМда педагогик жараёнларни такомиллаштириш жараёни субъектларининг турли таъсир кўрсатиш воситалари мажмуини педагогик жараёнларни такомиллаштириш воситалари сифатида кўрсатиш мумкин. Чунки педагогик жараёнларни такомиллаштириш воситалари бир томондан таълим воситалари (ўқув, дастурий, информацион, дидактик, тажрибавий-

ташхис ва ҳ.к.) мажмуи ҳисобланса, иккинчи томондан, у таълим-тарбия мақсадларини амалга оширувчи технологик механизм ҳисобланади.

Педагогик жараёнларни такомиллаштириш воситаларининг назарий-методологик асослари педагогик жараёнларнинг янги шаклини вужудга келтирувчи, таълимнинг таркибий тузилишининг сифатларини белгиловчи янги ғоялар ҳисобланади.

Шунга кўра, МТМ тарбиячиларининг педагогик жараёнларни такомиллаштиришга таъсир кўрсатувчи воситаларини тавсифловчи интегратив хусусиятларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- инновацион тартибда фаолият кўрсатишни ташкил этишнинг умумий тамойиллари;

- педагогик жараёнларни ривожлантириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ғояларнинг мавжудлиги;

- ижтимоий организм сифатида жамоани ривожлантириш ва тарбияланувчи – ихтирочилар жамоасини вужудга келтириш бўйича ташкилий-методик фаолият;

- янги таркибий тузилишга эга ва мазмунан ривожлантирилган таълим дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш асосида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш;

- педагогик жараён субъектларининг ижодий қобилиятларини психологик-педагогик жиҳатдан ривожлантириш;

- педагогик жараёнларни такомиллаштиришда субъектларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;

- ягона таълим-тарбиявий мақсадни амалга ошириш ва ривожлантириш учун ўзаро бириккан тарбияланувчи, тарбиячи ва ота-оналарнинг ҳамкорлигини вужудга келтириш.

Бундай ҳолларда МТМ тарбиячилари педагогик жараёнларни такомиллаштириш функциялари билан бир қаторда, бошқарувчи, тарбиячи ва тадқиқотчи функцияларини ҳам бажариши зарур. Чунки педагогик жараёнларни такомиллаштириш асосида кўзланган натижаларга эришишда,



Энг аввало, педагогик жараёнларда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ва уларни бартараф этишда бажарилиши зарур бўлган вазифаларни, мақсадни аниқлаш, шунингдек, педагогик жараён субъектларидан бири ҳисобланаётган тарбияланувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжларини инобатга олиш зарур.

Педагогик жараённинг сифати ва самарадорлиги субъектларнинг фаолиятига қай даражада боғлиқ бўлса, педагогик жараёнларни такомиллаштириш асосида белгиланган мақсадларга ва юқори натижаларга эришиш уларнинг инновацион фаолияти ҳамда инновацион жараёнларни ташкил этиш қобилиятларига шу даражада боғлиқ бўлади.

Бу ўз навбатида бугунги кунда тарбиячилар узлуксиз инновацион изланишда бўлиши, фикрлаши, ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириши, шунингдек, тарбияланувчиларда ҳам инноватик ғояларни шакллантириш асосида фаолият кўрсатиши зарурлигини кўрсатади. Чунки педагогик жараёнларни такомиллаштиришда мазмун моҳиятига кўра киритилаётган янгиликлар модернизация, унификация, фаолиятни такомиллаштириш, шаклан ўзгартириш, ривожлантириш билан боғлиқ бўлган модификацион инновациялардан иборат бўлиб, педагогик жараён субъектларидан бири ҳисобланаётган тарбияланувчиларнинг фаолияти, яъни фаоллиги билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Бу педагогик жараёнларни такомиллаштириш ва самарадорлигини таъминлашда энг аввало, янгиликларни педагогик жараёнларнинг қайси бўғинига тегишли эканлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Педагогик жараёнларни такомиллаштиришда инновацияларни педагогик жараён субъектларининг ҳаракатланиши ва фаоллигини таъминловчи ҳамда мақсадга йўналтирилган ижодий, сифатий ўзгаришлар жараёнини вужудга келтирувчи восита сифатида белгилаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, инновация эскиликнинг янгилик билан ўзаро ўрин алмашинишни таъминловчи восита деб айтишимиз мумкин.

Инновация тушунчаси тадқиқотлар [56]да “янгилик киритиш” тушунчаси сифатида кўриб чиқилади, “инновацион жараён” тушунчаси эса янгилик яратиш ва уларни ўзлаштириш ҳамда таълим муассасаси амалиётида самарали қўллаш жараёни сифатида ифодаланади.

Демак, педагогик жараёнларни такомиллаштиришда инновация (янгилик киритиш) – мақсадга йўналтирилган ўзгартиришлар воситаси, инновацион жараён – педагогик жараёнларга ёки педагогик фаолиятга ўзгартиришлар (янгилик) киритиш воситаси деб айтишимиз мумкин.

Бизнинг фикримизча, бу жараёнда қуйидаги қатор вазифалар педагогик жараёнларни такомиллаштириш, янгиликлар киритишни амалга оширишда педагогик инновацияларни самарадорлигининг асосий шартлари ҳисобланади:

- таълим муассасаси жамоаси учун янгилик киритишнинг долзарблиги мавжуд муаммоларни узил-кесил ҳал қилиш ва педагогик жараён самарадорлигини таъминлашнинг асосий омиллари сифатида белгиланиши;
- танланган инновацион воситаларни таълим муассасасининг имкониятларига мос келиши;
- инновацияларнинг тўла илмий асосланганлиги;
- инновацион жараёнларнинг аҳамиятлилиги ва тизимлилиги;
- янгилик яратувчи ва ундан фойдаланувчиларнинг шахсий-индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;
- инновацияларнинг аҳамиятини англаш ҳар бир субъектнинг юқори даражадаги масъулияти ҳамда жавобгарлигини ифодалаши;
- инновацион жараёнларда таваккалчиликни минимал даражада бўлиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш зарурияти;
- таваккалчилик даражасини тушуниш ва уларнинг асосланганлиги зарурияти;
- таълим мазмунида, педагогик лойиҳаларда ўзгартиришлар ҳамда ривожланиш тамойилларининг ўз ифодасини топиши.

МТМда педагогик жараёнларни инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришга объектив ва субъектив омиллар сабаб бўлади.

Объектив омилларга давлатнинг янги таълим сиёсати, таълим соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар, таълим муассасаларининг инновацион фаолият йўналишидаги тажрибаларини киритишимиз мумкин.

Субъектив омилларга ижтимоий-худудий эҳтиёж ҳамда таълим муассасалари фаолиятининг ривожланиш жараёни, тарбиячиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ва таълим муассасаси илмий-педагогик салоҳиятининг ривожланиши.

Педагогик жараёнларни такомиллаштириш илғор педагогик технологияларни аниқлаш ва татбиқ этиш муаммоларини вужудга келтиради ва булар субъект-субъект муносабатларига асосланади, бу муносабатлар шахснинг қизиқишлари, қобилиятлари ва сифатларини англашга йўналтирилган умумий ривожланиш шартларини белгиловчи асослар ҳисобланади.

Педагогик жараёнларни такомиллаштириш йўналишида амалга оширилган ишларнинг самарадорлигини аниқлаш педагогик жараён субъектлари фаолиятини объектив баҳолашни талаб этади ва бунга қуйидагилар мисол бўлади:

- педагогик жамоанинг касбий маҳоратини ўсиши;
- жамоада барча учун қулай ижтимоий-психологик муҳитни вужудга келиши ҳамда унинг мустаҳкам ва ижобий хусусиятлари;
- педагогик жараёнларни такомиллаштириш ва ривожлантиришга субъектлар мойиллиги ва жамоанинг тайёргарлиги;
- илмий ва илмий-методик салоҳиятни ўсишига жамоадаги мойиллик;
- тарбиячилар ва тарбияланувчилар ўртасида ахборотлар алмашинуви сифатининг ўсиши;
- узлуксиз таълим тизимининг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттиришлари учун тарбияланувчиларни тайёрлаш даражаси ва таълим муассасасида яратилаётган шарт-шароитлар сифати;

– умумий мақсадларнинг мавжудлиги ва манфаатлар уйғунлашуви;  
– инновацион жараёнларда тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг самарали иштирокини таъминловчи чора-тадбирларнинг мавжудлиги.

МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнларда қулай таълимий муҳитни шакллантириш учун зарурий шарт-шароитларни яратишда тарбияланувчиларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини ўрганиш асосида уларнинг фаоллигини ривожлантириш зарур бўлиб, уларнинг фаоллигини таъминлашда мотивлаштириш педагогик жараёнларни такомиллаштириш воситаларидан бири сифатида майдонга чиқади.

Мотивлаштиришнинг рухий ва ташкилий иқтисодий йўналишдаги турли назарияларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Мотивлаштиришнинг мазмунли назарияси, у кишиларни бошқача эмас, айнан шундай ишлашга мажбур қиладиган шахснинг ички рухий фаолиятининг идентификациясига асосланади [147].

2. Мотивлаштиришнинг процессуал назарияси – жуда ҳам замонавий услублардан бири бўлиб, кишилар ўзини билиши ва тарбия маъносида ўзларини қандай тутишларига асосланади. Санаб ўтилган назариялар баъзи масалаларда бир-биридан фарқ қилсада, улар бир-бирини инкор этмайди [146].

Америкалик психолог А.Маслоу назарияси бўйича барча эҳтиёжларни қатъий иерархия структураси бўйича жойлаштириш мумкин. У қуйи даражадаги эҳтиёжларни қондиришни талаб қилади, ўз навбатида инсон хулқига таъсир кўрсатади, юқори даражадаги эҳтиёжлар эса аста-секин таъсир кўрсатади [110; 81-83-б.].

Маслоу инсон ҳаётидаги мавжуд эҳтиёжлардан бешта асосийларини ажратиб кўрсатади. Бирламчи эҳтиёжлар – бу инсоннинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган эҳтиёжлар. А.Маслоунинг фикрича, инсон, энг аввало ана шу эҳтиёжларини қондириш учун ишлайди. Бирламчи эҳтиёжлар ҳисобланган озиқ-овқатга, кийим-кечакка, уй-жойга, уйқуга бўлган эҳтиёж

қондирилса, бошқа даражадаги эҳтиёжлар ҳам аста-секин аҳамият касб этиб боради.

Юқорида айтганимиздек, бирламчи эҳтиёжлар қондирилгач, бошқа заруриятлар кишиларни юқори даражадаги эҳтиёжларга қараб ҳаракат қилишга мажбур қилади. Лекин, инсоннинг барча эҳтиёжларни ҳеч қачон тўла-тўқис қондириш имконияти бўлмайди. Шу сабабли эҳтиёжларга асосланган мотивлаштириш жараёни мавжуддир.

Мотивлаштиришда америкалик психолог В.Врум томонидан 1964 йилда ишлаб чиқилган кутиш назарияси ҳам муҳим аҳамият касб этиб, меҳнатнинг натижасини кутиш, яъни меҳнат харажатлари билан олинган натижа ўртасидаги фарқни, фойдани кутиш, натижа билан рағбатлантириш ўртасидаги фарқни кутиш, бу ерда рағбатлантириш меҳнат натижасидан қониқиш ёки қониқмасликни билдиради. Яъни, кутилган натижага эришиш мотивлаштиришнинг ҳолатини белгилайди, раҳбарлар томонидан меҳнати натижаларига кўра ходимларнинг ўз вақтида рағбатлантирилиб бориши мотивлаштиришни кучайтиради ва ҳ.к.

Умуман олганда таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик жараёнларда мотивлаштириш субъектларнинг (тарбиячилар, тарбияланувчилар) мазкур жараёнларда кенг миқёсда иштирок этишига асосланган бўлиб, уни қўллаш орқали соғлом ижтимоий-руҳий муҳит яратилади. Бунда ижтимоий-психологик методлар меҳнат фаоллигини оширишга қаратилган бўлиб, у субъектларнинг маънавий ва ижтимоий хулқига таъсир этиш орқали амалга оширилади.

Психологик адабиётларда мотивлаштириш кенг маънода инсон ҳаётининг (унинг хулқ-атвори, фаолиятининг) мураккаб, кўп қиррали бошқарувчиси деб келтирилади. Тарбияланувчилар фаолияти турли мотивлар ёрдамида бошқарилиши мумкин. Мотивлар ёрдамида иродавий ҳатти-ҳаракатларни вужудга келтирувчи ва фаолиятни мувофиқлаштирувчи таъсир самарали ҳисобланиб, фаолият натижаларининг самарадорлиги

мотивларнинг хусусиятига боғлиқ бўлади, бу ўз навбатида мотивлаштириш жараёнининг самарадорлигини ифодалайди.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, педагогик жараёнларни такомиллаштиришда мотивлаштириш бу педагогик жараён самарадорлигини таъминлаш йўналишидаги мавжуд эҳтиёжлардан келиб чиқиб, тарбияланувчи фаолиятини психологик таъсир этиш йўллари билан мақсадга мувофиқ йўналтиришдир. Мотивлаштириш жараёнида педагогик жараён субъектлари эҳтиёжлари ёки уларнинг умумий манфаатларини ифодаловчи эҳтиёжларни инобатга олиш зарур ҳисобланади, чунки мотивлаштириш эҳтиёжларнинг қондирилиши асосида амалга оширилади.

Педагогик жараёнларда мотивлаштириш ижтимоий амалиёт ва таълим эҳтиёжларидан келиб чиқиб, субъектларнинг қизиқишларини, эгаллаётган билим, кўникма ва малакаларини таҳлил қилиш орқали уларнинг фаоллигини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши зарур.

Мавжуд эҳтиёжларни ўрганиш асосида тарбияланувчилар фаоллигини таъминлашга ва ривожлантиришга, яъни ўқиш, ўрганиш ва билим олишга йўналтирувчи мотивларни шакллантириш педагогик жараёнларда субъектлар фаоллигини таъминлаш ва ривожлантиришга хизмат қилиши билан бир қаторда, уларни жисмоний ёки ақлий меҳнатга, шунингдек, дам олиш, билим олиш, ҳунар ўрганиш, умуман олганда яшаш учун курашишга чорлайди.

Педагогик жараёнларда мотивлаштириш жараёни мавжуд эҳтиёжларга қониқиш ҳосил қилиш учун, яъни эҳтиёжларнинг қондирилиши учун мақсадни белгилаш ва унга эришиш учун ҳаракат қилишдан бошланади. Мазкур жараёнда эҳтиёжнинг қондирилиш даражаси тарбияланувчининг муайян фаолиятининг ҳолатини белгилайди.

Таълим муассасаларида педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш ва мувофиқлаштириш асосида мазкур жараёнда субъектлар фаоллигини таъминлаш ва ривожлантириш жараёнларининг самарадорлигини таъминлаш тарбияланувчиларда ўқув мотивларини шакллантириш, яъни

мотивлаштиришга боғлиқ бўлиб, мотивлаштириш педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Педагогик жараёнларни такомиллаштириш ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи воситалардан бири мотивлаштириш бўлиб, унинг самарадорлиги педагогик жараёнларда субъектларнинг фаоллиги, интеллектуал қобилиятларининг ривожланиш даражаси, дунёқарашининг ривожланиши, билими, кўникма ва малакалари даражасининг ўсишини белгилайди.

Самарадорлик педагогик жараёнларда тарбиячи ва тарбияланувчилар фаоллик даражаси ва унинг натижаларини ифодалаб, белгиланган мақсадга эришиш йўналишидаги хатти-ҳаракатлар билан қўлга киритилган натижалар ўртасидаги муносабатларни ифодалайди, яъни самарадорлик мотивлаштириш даражасининг кўрсаткичи сифатида хизмат қилади.

Мотивлаштиришнинг самарадорлиги педагогик жараёнларда эришиш мумкин бўлган натижалар билан эришилган натижа ўртасидаги мутаносибликни ифодалаб, педагогик жараёнларни такомиллаштириш ва самарадорликка эришиш учун қуйидаги шартларнинг бажарилиш заруриятини белгилайди:

- тарбияланувчиларнинг бошланғич тушунчаларига илмий ёндашиш;
- педагогик жараёнларда мотивларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш;
- тарбияланувчиларда билим олишга бўлган ижобий мотивларни шакллантириш;
- педагогик жараёнларда субъектлар фаоллигини таъминлаш учун қулай вазиятларни вужудга келтирувчи ижодий муҳитни ташкил этиш;
- педагогик жараёнлар компонентларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини инобатга олиш;
- педагогик жараёнларни такомиллаштиришга инновацион тузилишга эга бўлган мураккаб педагогик тизим сифатида ёндашиш;

– педагогик жараёнларда тарбияланувчилар фаоллигини таъминловчи, танқидий ва таҳлилий фикрлашга ундовчи рефлексив ёндашувни жорий этиш;

– педагогик жараёнларда шахсга йўналтирилган таъсирнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда тарбияланувчиларнинг рефлексив фаолиятининг аҳамиятини инобатга олиш.

МТМда педагогик жараёнларни такомиллаштиришда алоҳида эътибор қаратилиши зарур бўлган омиллардан бири педагогик жараёнлар самарадорлигининг мотивлаштиришга боғлиқлиги бўлиб, мотивлаштириш педагогик жараёнларни такомиллаштириш ва самарадорлигини таъминлашда субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг фаоллигини таъминлаш ва ривожлантириш воситаси сифатида зарур.

Педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлашда ахборотлар билан ишлаш ва уларнинг янгилиги ва ишончлилигини таъминлаш ўзига хос аҳамият касб этади. Педагогик жараёнлар тўғрисидаги ҳамда тарбияланувчиларнинг тасаввури, бошланғич тушунчалари, уларнинг дунёқараши, эҳтиёжи ва яшаш шароитлари бўйича ахборотлар тўплаш ва уларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда объектив баҳолаш тарбиячиларнинг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш асосида педагогик жараёнларни такомиллаштириш ва ривожлантириш йўллари, тарбияланувчиларда ижобий мотивларни шакллантириш ва ривожлантириш омиллари ва воситалари аниқланади ҳамда самарадорлик таъминланади.

Ахборот – педагогик жараёнларни такомиллаштиришда, шунингдек мазкур жараён субъектлари ҳисобланган тарбиячилар ва тарбияланувчилар фаолиятини ташкил этиш ва уларни мувофиқлаштиришда, педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш ҳамда самарадорлигини оширишда ўзига хос, турли хил янгиликларни ўз ичига олган маълумот ва хабарлардан иборат бўлиб, янги, ишончли ва зарур ахборотлар педагогик жараён субъектлари фаолиятини мувофиқлаштиришда ўзига хос аҳамият касб этади.



Ахборотлар билан ишлаш – турли маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатишдан иборат бўлиб, педагогик жараёнлар субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнида қўлланилади. Бу жараёнда педагогик жараён ташкилотчилари ҳисобланган раҳбарлар ва тарбиячилар келиб тушаётган асосий маълумотларнинг генератори сифатида фаолият кўрсатади ва улар учун асосий восита ахборотлар бўлиб, улар асосида педагогик жараён субъектлари фаолияти мувофиқлаштириб борилади.

Ахборотлар билан ишлаш тарбиячилар билан тарбияланувчилар ўртасидаги шахсий ва технологик ахборотлар алмашувини ташкил этади. Унинг асосий хусусияти тарбиячилар томонидан тарбияланувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, педагогик жараёнларда шахсга йўналтирилган таъсирни вужудга келтириш асосида уларнинг фаоллигини таъминлаш, тарбияланувчиларнинг ўз ўқув фаолиятидан ва ташкил этилган педагогик жараёнларда яратилган шарт-шароитлардан қониқиш ҳосил қилишлари учун уларда қизиқишлар вужудга келтириш билан белгиланиб, бу хусусият тарбиячиларнинг ўқитиш функциялари билан бир қаторда, ахборотлар билан ишлаш функциясининг кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлади.

Ахборотлар тизими – бу педагогик жараёнларда муҳим педагогик аҳамиятга эга бўлган маълумотларни, ўқитишнинг янги педагогик ва ахборот технологияларини ҳамда педагогик жараёнларни ташкил этиш йўналишидаги барча меъёрий ҳужжатларни, шунингдек, иқтисодий-ижтимоий, илмий-техникавий, ҳуқуқий ва ташкилий янгиликлардан иборат ахборотлар оқимини, замонавий ахборот технологиялари, компютерлаштириш ва компютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашни ўз ичига олувчи мураккаб тизим ҳисобланади.

Ахборотлар тизими кенг бўлиши ва ўз хусусиятига қараб янгиланувчанлигини, яъни ўзгариб бориши, янгиликлар билан бойиб боришини инобатга олиб, ахборотлар билан ишлаш жараёнига педагогик жараён ташкилотчилари томонидан тизимли ёндашувнинг жорий этилиши

талаб этилади. Бунинг сабаби, тизим компонентлари ўртасидаги муносабатлар, ўзаро боғлиқлик ва алоқадорлик ҳамда ихтиёрий компонент бутун бир яхлит тизимнинг ўзгаришига ўз хиссасини қўшиши ва ўзгарувчи омилларнинг педагогик жараёнлар самарадорлигига таъсир кўрсатишидадир.

Ахборотлар педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлаш учун зарурий бўлган хабар ва маълумотлар мажмуидан иборат. Педагогик жараёнларни такомиллаштиришда энг янги ва ишончли ахборотлар муҳим аҳамият касб этади, чунки педагогик жараён субъектлари ўртасидаги алоқа шакллари ҳамда уларнинг фаоллигини таъминлаш учун шахсга йўналтирилган таълим йўналишини белгилаш омиллари ахборотларга асосланади.

Педагогик жараёнларни такомиллаштиришда ахборотлар билан ишлаш жараёнлари ахборотлар тўплаш ва узатиш, олинган ахборотларни қайта ишлаш, уларнинг янгилиги ва ишончилигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш, зарурий ахборотларни истеъмолчиларга ўз вақтида етказилишини назоратга олиш каби қатор вазифаларни ўз ичига олади.

Педагогик жараёнларда тарбиячилар томонидан ҳар бир тарбияланувчи ҳақида тўплаган маълумотлар, яъни уларнинг бошланғич тушунчалари, эҳтиёжлари, қизиқиши ва индивидуал психологик хусусиятлари йўналишидаги ахборотлар тарбиячиларнинг тарбияланувчилар билан муносабатларини мувофиқлаштиришда, тарбияланувчиларнинг фаоллигини таъминлашда ўзига хос аҳамият касб этади. Яъни тарбияланувчилар ҳақидаги ахборотларнинг тўлиқ, ишончли, аниқ ва сифатли бўлиши тарбиячилар томонидан педагогик жараёнларни лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш сифатига ўз таъсирини кўрсатади.

Педагогик жараёнларни такомиллаштиришда тарбияланувчилар ҳақидаги ахборотлар ишончли ва аниқ бўлиши зарур бўлиб, ахборотлар педагогик жараёнларда тарбияланувчиларнинг фаоллигини таъминлаш, уларнинг фаолиятини объектив баҳолаш ва рағбатлантириш омиллари сифатида хизмат қилади.

Тарбиячилар томонидан қуйидаги йўналишлар бўйича аниқ ва ишончли ахборотлар тўплаш ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- ҳар бир тарбияланувчининг яшаш шарт-шароитлари;
- ҳар бир тарбияланувчининг индивидуал психологик хусусияти, қизиқиши ҳамда маълум бир даврдаги эҳтиёжлари;
- тарбияланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, тарбияланувчиларнинг маълум бир тарбияланувчига ёки маълум бир тарбияланувчининг ўз тенгдошларига бўлган муносабатлари;
- тарбияланувчининг бошланғич тушунчалари ва унинг фаоллигига таъсир кўрсатувчи омиллар;
- тарбияланувчига ота-она, маҳалла-қўй муносабатлари ва оиладаги мавжуд муносабатлар;
- тарбияланувчининг фаоллигини таъминлаш воситалари ва унинг фаоллигига таъсир кўрсатувчи омиллар;
- тарбияланувчининг табиатга, китобга, техникага ва санъатга бўлган муносабатлари, қизиқиши ва ҳ.к.

Мазкур йўналишларда тўпланган ахборотлар педагогик жараёнлар самрадорлигини таъминлаш йўналишида белгиланган мақсадларга эришиш мезонларини белгилаш, тарбияланувчиларнинг шахсий имкониятлари ва қобилиятларини тўла намоён этишлари учун шарт-шароитлар яратиш, ҳар бир тарбияланувчининг фаолияти ва фаоллигини объектив баҳолаш асосида уларни рағбатлантириш, шунингдек, тарбияланувчиларнинг ижодий фаоллигини таъминлаш учун инновацион таълимий муҳитни шакллантиришда ўзига хос аҳамият касб этади.

Шунингдек, мазкур йўналишлардаги аниқ ва ишончли ахборотлар тарбияланувчиларда мустақил фикрлаш, ўзини-ўзи бошқариш, ўзлигини ва ижодий қобилиятини намоён этиши учун шарт-шароитлар яратишга, уларнинг бошланғич тушунчаларини ривожлантириш ва тафаккурини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлашга, уларда


таълим олишга қизиқиш шакллантириш, яъни мотивлаштиришга хизмат қилади.

Тарбияланувчилар шахси узлуксиз равишда шаклланиб ва ривожланиб боришини инобатга олган ҳолда, улар ҳақидаги маълумотларни ҳам мунтазам янгилаб бориш зарур ҳисобланади. Бу ўз навбатида педагогик жараёнларда ахборотларнинг ўзига хос аҳамиятини ифодалайди, шунинг учун ҳам ахборотлар янги ва ишончли бўлиши зарур ҳисобланади. Уларнинг янгилиги ва ишончилиги тўпланган ахборотларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш жараёнида аниқланилади.

Энг янги ва ишончли ҳисобланган ахборотлар асосида тарбияланувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, вазиятларга боғлиқ ҳолда ўзгартириш, такомиллаштириш, яъни уларнинг фаоллигини ривожлантириш ишлари амалга оширилади. Янги ва ишончли деб топилган ахборотларга асосланган ҳолда, педагогик жараёнлар самарадорлигини ҳам таҳлил қилиш имконияти туғилади ва уларга асосан педагогик жараёнларни такомиллаштириш ҳамда тарбияланувчиларда ўқишга бўлган ижобий мотивларни шакллантириш ва мотивлаштириш йўналишларидаги вазифалар белгиланади.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни тизимли ёндашув асосида такомиллаштириш модели яратилди (2.5-расмга қаранг).

Мазкур моделнинг таълимий ва тарбиявий фаолият компонентлари сифатида мақсадли-мазмунли, ташкилий-методик, назорат ва баҳолаш элементларига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларидаги педагогик жараёнларни такомиллаштириш мақсадини “Илк қадам” давлат ўқув дастури мазмунига, шунингдек мактабгача таълим муассасаларидаги педагогик жараёнларга тизимли ёндашув шакллари, метод ва воситалари ҳамда омилларига, шунингдек педагогик жараёнларга онгли муносабат тамойилларига



2.5-расм. Мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни тизимли ёндашув асосида такомиллаштириш модели

интеграциялаш ва рефлексив алоқадорлигини таъминлашга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилди.

Шу билан бирга, мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик, ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- тарбияланувчиларда ўқишга бўлган қизиқишларни шакллантириш, яъни мотивлаштириш уларда ўз тасаввури ва тушунчаларини ривожлантиришга мойиллик, маълум бир касбга, табиатга, санъатга, фан ва техникага қизиқиш, келажакка ишонч туйғуларини шакллантиришга йўналтирилган тадбирларни ташкил этиш;

- тарбияланувчилар ҳақида тўпланган ва мунтазам янгилаб борилган ишончли ахборотлар асосида педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлаш;

- тарбияланувчиларнинг бошланғич тушунчаларини, тасаввури ва дунёқарашини олдиндан аниқлаш асосида уларни ривожлантириш йўналишида ташкил этиладиган педагогик жараёнларда дифференциал ёндашувга эътибор қаратиш;

- илғор хорижий тажрибаларни эътиборга олган ҳолда, мактабгача таълим муассасаларига қамров даражасини ошириш, таълим хизматларини диверсификациялаш мақсадида ҳар-хил ёшдаги болалар учун қисқа муддатли мактабгача таълим гуруҳлари-Play гуруҳларни ташкил этиш;

- Play гуруҳлар фаолиятида тарбияланувчиларнинг ностандарт тафаккури, мустақиллиги ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган креативликка алоҳида эътибор қаратиш.

Мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш ва ундаги таълим хизматларини диверсификациялаш борасидаги илғор тажрибалардан бири бу Play гуруҳлар фаолиятидир.

Play гуруҳлар бу мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган болалар учун бир неча ривожланиш соҳаларига йўналтирилган интеграллашган ва вариатив қисқа муддатли комплекс дастурлардир. Мазкур дастурлар асосан болаларни сифатли мактабгача таълим билан қамраб олиш ва қисқа муддатда уларни мактабга тайёрлаш имконини беради.

Тадқиқотимиз доирасида Play гуруҳлар фаолиятидаги креативликка усутуворлик берилди. Маълумки, креативлик шахснинг ижодий кўникмалари билан боғлиқ қобилиятларидир.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг креативлик кўникмаларини ривожлантиришдаги вазифалар куйидагилардан иборат:

- мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама ривожланишига шарт-шароит яратувчи ижодий таълим муҳитини яратиш;

- болаларда креативликни ривожлантиришга хизмат қилувчи таълим дастурларини ҳамда вариатив ахборот-методик таъминотин яратиш;

- турли ёшдаги болаларнинг ўқув-билиш ва когнитив фаолиятини ривожлантириш;

- болаларда мустақил ўзини ўзи ривожлантириш кўникмаларини қарор топтириш кабилардир.

Илмий-назарий таҳлиллар шундан далолат берадики, таълим-тарбия жараёнларида ахборотлар янги ва ишончли бўлишидан ташқари улардан ўз вақтида фойдаланиш ҳамда заруриятларга кўра ўз вақтида ота-оналарга ва бошқа тарбиячиларга ҳам етказилиши, яъни тезкорлиги ҳам педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз вақтида аниқланган, ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш асосида ишончли деб топилган ахборотлар педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлаш воситаси сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Ахборотлар билан ишлаш вақтида тарбиячилар доимо асосий эътиборни ахборотларнинг қандай шакл ва тартибда аниқланганлигига, янгилиги ва ишончлилигига ҳамда улардан фойдаланиш заруриятига қаратиши лозим, чунки ихтиёрий ахборотнинг нотўғрилиги ва аҳамиятсизлиги турли хил тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин.

Коммуникациялар маълум педагогик жараёнларни ташкил этишда ўзига хос мураккаб тизим бўлиб, бу субъектлар ўртасидаги ўзаро ахборот алмашинувидир. Педагогик жараёнларнинг самарадорлиги ахборотларнинг самарали алмашилишини талаб қилади, шунинг учун у ўзининг функционал даражаси билан тавсифланади ва педагогик жараённинг ташкилий сифатини белгилайди.

Икки ва ундан ортиқ инсонлар ўртасидаги ахборот алмашиш жараёни коммуникация жараёни бўлиб, мазкур жараёнда инсонлар оғзаки ва ёзма мулоқотни амалга оширади. Бу жараёнда самарадорликка эришиш учун тарбиячилар тарбияланувчиларга топшириқнинг мазмун ва моҳияти тўғрисида маълумот бериши, топшириқларни қандай ва қай тартибда бажариш ва қандай натижаларга эришиш лозимлигини тушунтириши зарур. Таълим муассасаларида мавжуд коммуникациялар асосан ташқи ва ички коммуникацияларга бўлинади.

Таълим муассасаси билан ташқи муҳит ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни ташқи коммуникацияларни ифодалаб, бунга ташқаридан келган ахборотлар, юқори бошқарув органлари, ҳокимият, вазирлик ва таълим муассасаларини ҳудудий бошқарув органларидан келган ахборотларни киритиш мумкин.

Ички коммуникация. Таълим муассасаларида вертикал ва горизонтал ахборот алмашинуви мавжуд бўлиб, булар педагогик жараёнларни ва субъектлар фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш учун зарур бўлган ахборотлар алмашинуви, яъни ички коммуникацияни ифодалайди.

Педагогик жараёнлардаги мавжуд коммуникацион жараёнлар тарбиячиларга оғзаки ва ёзма мулоқот жараёнида суҳбатлашиш, ёзиш, ўқиш,



нутқ сўзлаш, яъни маъруза қилиш йўналишларида ўзига хос талабларни белгилайди.

Мазкур талаблар тарбиячилар томонидан тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини, бериладиган топшириқларни бажариш йўл-йўриқларини, эришиш мумкин бўлган натижалар ҳақидаги маълумотларни тарбияланувчиларга етказиш жараёнида фақатгина саводли ва чиройли ёза билишни эмас, балки маълумотларни, фикр ва ғояларни қисқа ва рағон, давлат тилида ифодалашни назарда тутди.

Оғзаки мулоқот жараёнида тарбиячилар диалогик ва монологик нутқлардан фойдалана билиши, сўзлардан ташқари турли хил хатти-ҳаракат, ҳолат, кулгу, оҳанг, мимика, тўхташлардан тўғри фойдаланиши зарур бўлиб, булар тарбияланувчиларга турлича таъсир кўрсатиши билан бир қаторда, мулоқот жараёнини тўлдирди ва ижобий таъсирини кучайтирди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотларимиз давомида тарбиячиларнинг касбий компетентлиги билан боғлиқ хулосаларни шакллантирдик.

Бизнинг фикримизча, мактабгача таълим муассаси тарбиячисининг касбий компетентлиги бу мактабгача таълим муассасаларидаги педагогик жараён самарадорлигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланиб, у тарбиячиларнинг таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ касбий билим, кўникма ва малакаларини ўз ичига қамраб олади.

Мактабгача таълим муассасаларидаги педагогик жараённи такомиллаштириш тарбиячилардан қуйидаги йўналишлардаги компетентлик турлари ва сифатлари ривожлантиришни тақозо этади (2.1-жадвал).

Демак, педагогик жараёнларни такомиллаштириш ва самарадорлигини таъминлаш учун мавжуд эҳтиёжларни, тарбияланувчиларнинг бошланғич тушунчалари ва тасавури, дунёқараши ва қизиқишларини, педагогик жараёнларда шахсга йўналтирилган таъсир ва рефлексив фаолиятнинг аҳамиятини, инновацион фаолиятнинг заруриятини ҳамда ўзаро таъсир

кўрсатиш маданияти, мотивлар ва мотивлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини, ахборотлар ва коммуникацион жараёнларни педагогик жараёнларни такомиллаштириш воситалари сифатида инобатга олиш ўзига хос аҳамият касб этади.

## 2.1 - жадвал

### Тарбиячиларнинг касбий компетентлик тузилмаси тавсифи

Компетентлик турлари	Мазмун-моҳияти
Менежерлик компетенцияси	Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш, йўналтириш ва бошқариш билан бо-лиқ билим, кўникмалар, ташкилотчилик сифатлари йиғидиси.
Рефлексив компетентлик	Касбий фаолият натижалари анализи ва синтези асосида педагогик жараёнларни такомиллаштиришга қаратилган фаолият йўналишларини белгилаш, лойиҳалаштириш ва ривожлантириш билан боғлиқ билим ва кўникмалар ҳамда тарбиячиларнинг ўзини-ўзи касбий ривожлантириш фаолияти
Креатив компетентлик	Тарбиячиларнинг ностандарт фикрлаши, дивергент тафаккури ва ижодкорлик лаёқати
Инновацион компетентлик	Мактабгача таълим муассасаларидаги педагогик жараён самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий ёндашувлар, янги ғоялар ҳамда стартапларни амалиётга жорий этиш кўникмаси.

### **3.1- §. Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқот методикаси**

Тадқиқот муаммосига оид мавжуд манбалар тахлили ҳамда уларда илгари сурилган ғоялар билан танишиш асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ўрганишга йўналтирилган таъкидловчи тажриба-синов ишларини мақсадини ва вазифаларини ишлаб чиқишга мувофиқ бўлди. Сўнгги йиллар мобайнида педагогика назарияси ва амалиёти йўналишида бу мавзу бўйича деярли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмагани аниқланди. Натижада тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ўрганишга йўналтирилган тадқиқот методикасининг мақсад ва вазифалари ишлаб чиқилди. Тажриба-синов ишларининг умумий моҳияти ва мақсади бу тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни бугунги кун талаблари асосида ташкил этилганлигини аниқлашдан иборат эди. Тажриба-синов ишларининг умумий муддати аниқ белгиланди, умумий амалий фаолият мақсадли равишда босқичларга ажратилди, амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар босқичлар бўйича тақсимланди, шунингдек, ҳар бир босқич юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни муаммосини тадқиқ этишнинг муҳим таркибий қисмларидан бири тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши бўлди.

Бу ўринда педагогик йўналишда амалга оширилган тадқиқотларда ёритилган тажриба-синов ишларининг қўйилишига оид методикалар мазмуни билан танишилиб, улар асосида методика шакллантирилди. Методиканинг бош ғояси тадқиқотда илгари сурилган тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришга оид назарий қарашларнинг амалиётда ўз аксини топа олишига имкон берувчи жараённинг умумий моҳиятини ёритишдан иборат

бўлди. Методиканинг бош ғояси асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ёрдам берувчи педагогик шарт-шароитларни яратишдан иборат тажриба-синов ишларининг ягона мақсади шакллантирилди.

Тажриба-синов ишларини ташкил этиш жараёнида асосий мақсадга таянилган ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

1. Мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараён субъектларида тизимли ёндашув ҳақидаги мавжуд тушунча ва ҳолатини ўрганиш. Ушбу вазифанинг амалга ошиши мактабгача таълим муассасаларининг фаолияти юзасидан маълумотларни берувчи директив-меъёрий ҳужжатлар мазмунини ўрганиш, тарбиячилар билан индивидуал суҳбатлар ташкил этиш, улар иштирокида баҳс-мунозараларни уюштириш, сўровнома ишлаб чиқилди ва ушбу сўровнома асосида тарбиячилар билан ўтказилди. Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг педагогик жараёнларни самарадорлик даражасини аниқловчи кўрсаткичлари қай даражада уларда шаклланганлиги юқори, ўрта, қуйи мезонлар асосида аниқланди. Самарадорлик даражасини юқори, ўрта, қуйи асосида шаклланганлиги қуйидаги мезонларни ишлаб чиқилди ва балларда белгиланди (юқори- 3 балл, ўрта- 2 балл, қуйи-1 балл).

Сўровнома ўз ичига қуйидаги мазмунни мактабгача таълим соҳасидаги давлат сиёсатидан қай даражада хабардорлиги; мактабгача таълим соҳасидаги халқаро тажрибаларни ўзлаштирганлиги; Ота-оналар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш усуллари; болаларда асосий компетенциялар ва ривожланиш соҳалари шакллантиришда қўлланиладиган усуллари ва воситаларини билиши; МТМларда педагогик жараёнларни ташкил қилиш ва бошқаришга тизимли ёндашув деганда нимани тушуниши; тарбияланувчилар билан ўйин турларини болалар ёшига мос фаолиятини ташкил қила олиши; ота-оналарнинг талаблари, болаларнинг индивидуал хусусиятлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда шахсга йўналтирилган ёндошув асосида таълим йўналишини лойиҳалай олиши; қай даражада

болаларга педагогик ёрдам кўрсатиш усуллари эгаллаган бўлиши; имконияти чекланган болалар билан ишлаш методларини қўллай олиши; мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларида инновацион янгиликлар билан ўз фаолиятида уларни қўллаши ва ўзаро рақобатга кириша олиши; мактабгача таълим тизимига оид қабул қилинган ҳужжатлар тўғрисида билими ва малакаси ва уларни қай даражада қўллай олиши; мактабгача таълим соҳасидаги республикадаги тажрибалардан хабардорлик даражасини аниқлаш бўйича бу саволни киритилиши; охири саволда маҳалла ва оила билан ўзаро ҳамкорлик режаси мавжудлиги ва унинг бажарилиши назарда тутилди. Тарбиячиларнинг педагогик фаолияти ҳамда ота-оналар билан ҳамкорлик фаолияти юзасидан амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар бўйича педагогик кузатувни олиб бориш, амалиётчи тарбиячилар иштирокида мулоқотлар ташкил этиш, мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришда йўлга қўйилган таълим ва тарбиявий ишларнинг мавжуд ҳолатига нисбатан тарбиячилар, шунингдек, ота-оналарнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш ва таҳлил этиш каби вазифалар қамраб олинди.

2. Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни урганиш бўйича технологик ҳаитаси ишлаб чиқилди объектив ва субъектив шарт-шароитларни аниқлаш.

3. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячи ходимларини тизимли ёндашув асосида педагогик жараёнларни такомиллаштириш борасидаги муаммоларни аниқлаш. Қайд этилган ушбу вазифанинг ечимини таъминлаш Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш, унинг сифати ва самарадорлигини таъминлашга эришиш борасидаги ижтимоий ҳаракатнинг аҳамиятини тўлақонли англаш, мактабгача таълим муассасаларининг бу борадаги фаолиятларини йўлга қўйилишига оид ёндашувлар моҳиятини ўрганиш, экспериментда иштирок этаётган тарбиячи ҳамда ота-оналарнинг шахсий мулоҳазалари билан танишиш ва ўрганиш асосида умумлаштириш ҳисобига кечди.

4. Мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда кўзга ташланаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш. Мазкур вазифанинг амалга оширилиши мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараён субъектлари билан бевосита мулоқот, суҳбат ҳамда баҳс-мунозараларни ташкил этиш, улардан интервьюлар олиш, ўзаро тажриба алмашиш асосида амалга оширилди.

5. Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллашганлик даражасини ўрганишга хизмат қилувчи методикани ишлаб чиқиш.

Тажриба-синов майдончалари сифатида Сирдарё, Жиззах ва Фарғона вилоятларидаги мактабгача таълим муассасалари танланди. Тажриба майдонлари мазкур таълим муассасаларининг раҳбарлари ва педагогик жамоанинг розилиги асосида олиб борилди.

Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари бир неча босқичда ташкил этилди. Ҳар бир босқичда аниқ вазифалар бажарилди. Босқичлар ўртасида ягона бирлик ва ўзаро алоқадорликнинг қарор топишига алоҳида аҳамият қаратилди. Ана шу тартибда тажриба-синов ишларининг технологик харитаси тузилди. Қуйида технологик хаританинг моҳияти хусусида сўз юритамиз (3.1 - жадвал).

### 3.1-жадвал

#### Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ўрганиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг технологик харитаси

№	Босқичлар	Асосий вазифалар
1.	Таъкидловчи – тажриба синов босқичи	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Тажриба-синов майдонларини белгилаш.</li> <li>2. Респондентлар сонини аниқлаш.</li> <li>3. Тажриба гуруҳларини шакллантириш.</li> </ol> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикасини ишлаб чиқиш.</li> <li>4. Тажриба-синов ишлари ташкил этиш.</li> </ol>
2.	Таълимий тажриба – синов босқичи	<ol style="list-style-type: none"> <li>2. Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикасини ишлаб чиқиш.</li> <li>3. Кенг кўламда тажриба-синов ишларини йўлга қўйиш</li> <li>4. Тажриба-синов ишларини самарадорлигини таҳлил қилиш</li> <li>5. Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришга йўналтирилган методик тавсиялар ишлаб чиқиш.</li> </ol>
3.	Якуний босқич	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Тажриба-синов ишлари натижаларини умумлаштириш ва таҳлил этиш.</li> <li>2. Олинган натижаларни математик-статистик метод ёрдамида таҳлил этиш.</li> <li>3. Тадқиқот натижаларига кўра хулосалар ишлаб чиқиш</li> </ol>

Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни кузатиш натижасида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришга имкон берувчи ички ва ташқи омиллар аниқланди ва қиёсий таҳлил қилинди. Амалий фаолият жараёнида ташқи ва ички омиллари қуйидагилар 3.2-жадвалда келтирилди.

### 3.2-жадвал

#### Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришга имкон берувчи ички ва ташқи омиллар

Ички омиллар	Ташқи омиллар
<b>Объектив омиллар:</b>	
1) Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришга хизмат қилувчи педагогик шарт-шароитларнинг мавжудлиги (таълим муассасасининг моддий-техник ва ўқув-услубий базасининг мустаҳкамлиги, ўқув хоналарини талаб даражасида жиҳозланганлиги, уларнинг замонавий техник ва ахборотли воситалар билан жиҳозланганлиги, ўқув манбалари (ўқув дастурлари, қўлланмалар, ёрдамчи материаллар) билан	1) Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва сиёсий ҳаётида мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий ҳаракатнинг самарали ташкил этилаётганлиги; 2) мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштириш, шунингдек, таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамда тегишли органлар томонидан қабул қилинган қарорлар ва уларнинг ижро даражаси; 3) оммавий ахборот воситаларининг



таъминланганлик даражаси.	хизмати ва унинг мавжуд даражаси.
<b>Субъектив омиллар:</b>	
<p>1) тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришга хизмат қилувчи моделнинг ишлаб чиқилганлиги;</p> <p>2) МТМ тарбиячиларининг касбий малакаси, педагогик маҳоратининг муайян даражаси, уларнинг ижтимоий фаоллиги;</p> <p>3) Педагогик жараён субъектларида эҳтиёжнинг мавжудлиги, бу борадаги билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиш даражаси, улар томонидан кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилганлик даражаси;</p> <p>4) тажриба-синов ишларини ташкил этишга масъул экспериментатор тарбиячилар томонидан мақсаднинг тўғри анланганлиги ва вазифалар моҳиятининг тушунилиш даражаси;</p> <p>5) синалувчи тарбиячиларнинг тажриба-синов ишларини ўтказиш жараёнига ихтиёрий жалб этилганлиги ҳамда уларнинг ёш ва</p>	<p>1) мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришга жамоат ташкилотлари вакилларининг иштироки;</p> <p>2) оммавий ахборот воситалари ходимларининг фаоллик даражаси;</p> <p>3) тажриба-синов ишларини ташкил этишдаги холислик, беғаразлик;</p> <p>4) синалувчи тарбиячиларга бўлган муносабатнинг холислиги</p>

индивидуал	психологик	
хусусиятларини	хисобга олган	
ҳолда	самимий,	демократик
муносабатда бўлиш;		
б) тажриба-синов ишларининг изчил,		
узлуксиз ва тизимли тарзда йўлга		
қўйилганлиги		

Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришда ташкил этилган тажриба-синов ишлари бир қатор тамойилларга мувофиқ йўлга қўйилсагина ижобий натижалар беришини назарда тутган ҳолда мазкур тамойиллар қайсилар бўлиши мумкинлиги хусусида фикр юритилди. Амалий фаолият моҳияти ва тажриба-синов ишларининг бориши таҳлил этилганда қуйидаги тамойилларнинг устуворлиги бу борадаги фаолиятнинг самарали яқунланишини таъминлашига ишонч ҳосил қилинди:

1. Тажриба-синов ишларини ўтказилишидан кўзланган мақсаднинг аниқлиги.

2. Тажриба-синов ишларининг мажмуавий (комплекс) ёндашув асосида ташкил этилганлиги.

3. Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришда холисликнинг таъминланганлиги.

4. Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришга оид фаолиятнинг изчил, узвий, тизимли ва мақсадга мувофиқ ташкил этилганлиги.

5. Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришга нисбатан субъектларнинг ижодий ва технологик ёндашувлари.

Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштириш муаммоси доирасида ташкил этилган амалий фаолият бир қатор шакл, метод ва воситалар асосида олиб борилди.

Хусусан, тажриба-синов ишларининг бориши ва натижаларига кўра қуйидаги шакллардан самарали фойдаланилди: суҳбат, давра суҳбати, интервью, дебат, ижтимоий-психологик тренинглар, конференция, семинар, танлов, маъруза.

Педагогик кузатув, суҳбат, анкета ҳамда сўровлар, кўргазмалилик, амалий машғулот, намойиш этиш каби методларнинг ҳам ижобий натижаларнинг таъминланишида катта аҳамият касб этиши эътиборга олинди.

Бизга яхши маълумки, муайян йўналиш ҳамда мақсадларда ташкил этилувчи фаолият маълум воситалар ёрдамида йўлга қўйилади. Тадқиқот муаммоси доирасида олиб борилган амалий фаолият жараёнида қуйидаги воситалар хизматидан фойдаланилди: мактабгача таълим муассасалари фаолияти мазмунини ёритувчи директив-меъёрий хужжат (ўқув дастурлари, ўқув режалари, маънавий ва маърифий ишлар, турли тадбирларнинг ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳисоботлар, методик бирлашма йиғилишларининг баённомалари ва қарорлари, жараён субъектлари ўртасида ижтимоий ва сўровлар натижалари таҳлил қилинди ва 3.3 - жадвалда келтирилди. Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасалари тармоқларини кенгайтириш ва мактабгача таълим тизимига инновацион технологияларни фаол жорий этишда олимлар ва амалиётчилар, мактабгача таълим тизими қайси йўналишда ривожланиши кераклиги, таълим мазмуни ва методларини танлаш эркинлигининг мактабгача таълимга қўйиладиган мажбурий талаблар ва замонавий жамиятнинг эҳтиёжлари билан қай даражада уйғунлантириш мумкинлиги тўғрисида тарбиячилар томонидан сўровномада келтирилган жавоблар асосида таҳлил қилинди.

Мазкур муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш учун, тарбиячиларнинг МТМнинг ҳолати ва ривожланиш истикболларига нуктаи назарлари ва муносабатларини таҳлил қилиш лозим.

Биз МТМ тарбиячиларига таклиф қилган сўровномалрдан олинган жавобларни намуна сифатида келтирамиз: «Сизнинг фикрингизча, мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаётларида эркин танлов вазиятларини яратиш зарурми?» ва «Агар сиз биринчи саволга ижобий жавоб берган бўлсангиз, айтингчи, шахсан Сиз ўз тарбияланувчиларингизни қандай эркин танлов вазиятига жалб этган бўлардингиз?». Биринчи саволга жавоблар таҳлиliga кўра, аксарият МТМлар 60% тарбиячилари болаларга танлов эркинлиги бериш зарур деб ҳисоблайдилар, 40% эса бу заруратни инкор этадилар ёки танлаш эркинлигининг эҳтимолий мумкинлиги тўғрисида айтадилар. Тарбиячиларнинг саволга берган жавобларини таҳлил қилиб, биз улар болаларга нималарда танлов эркинлигини бериш мумкин деб ҳисоблашларини аниқладик. Тарбиячилар боланинг танлаш эркинлигини ўйин фаолияти билан боғлайдилар. Тарбияланувчиларнинг танлаш эркинликлари бу ҳолда ўйинни, шерикларни, ўйинчоқларни танлаш билан боғлиқ.

Қизиқ жиҳати, МТМларида болаларнинг ўйин муҳитлари тўғрисидаги фикрлар қуйидагиларни тасдиқлайди: «Гуруҳда ўғил болалар ва қиз болалар учун қизиқарли ўйинчоқлар кўп бўлиши керак», «Ўғил болалар учун радиобошқарувли ўйинчоқларнинг бутун мажмуини яратиш мумкин: динозаврлар, автомобиллар ва вертолётлар билан», «Қиз болалар учун турли қўғирчоқлар ва уларнинг ўзлари ҳам шахзода каби кийинишлар учун уларга ҳам кийимлар бўлиши керак. Тарбиячини ҳам кийинтириш мумкин!»

Болаларнинг жавоблари ҳиссиётларга бой ва хилма-хилдир, бу улар ўйин жараёнида танлаш эркинлиги ҳуқуқларини амалга ошираётганликларини тасдиқлайди, шунинг учун ҳам келажакда нимани кутиш мумкинлигини биладилар.

Тарбиячилар болаларнинг танловларини мулоқот услуби ва кундалик

ҳаётдаги фаолият эркинлиги билан, ўйин фаолиятига нисбатан камроқ боғлайдилар. Болалар фаолият ва шерикларни танлашда, мулоқот ва дўстлар учун вақт танловида эркинликларини таъкидлайдилар.

### 3.3-жадвал

**Тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг педагогик жараёнларни такомиллаштиришга йўналтирилган тажриба-синовнинг самарадорлик даражасини аниқлаш кўрсаткичлари**

(тадқиқот бошида тажриба гуруҳидаги натижалар фоизларда)

№	Мезонлар	N=179 нафар тарбиячилар		
		Таъкидловчи тажриба-синов		
		Юқори (3 балл)	Ўрта (2 балл)	Қуйи (1 балл)
1.	Мактабгача таълим соҳасидаги давлат сиёсатидан хабардорлик	12,3	19,0	68,7
2.	Мактабгача таълим соҳасидаги халқаро тажрибалардан хабардорлик	10,1	16,2	73,7
3.	Ота-оналар билан ўзаро ҳамкорлик	14,0	14,0	72,0
4.	Болаларда умумий (асосий) компетенциялар ва ривожланиш соҳалари компетенцияларини шакллантириш усуллари ва воситаларини билиши	12,3	17,9	69,8
5.	МТМларда педагогик жараёнларни ташкил қилиш ва бошқаришга тизимли ёндашувдан фойдалана олиши	15,1	20,0	64,9
6.	Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ўйин фаолиятини тизимли ёндашув асосида ташкил қила олиши	8,9	19,0	72,1

7.	Ота-оналарнинг талаблари, болаларнинг индивидуал хусусиятлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал таълим йўналишини лойиҳалай олиши	16,8	15,8	67,4
8.	Болаларга педагогик ёрдам кўрсатиш усулларини эгаллаган бўлиши	12,3	15,3	72,4
9.	Мураккаб рухиятли болалар билан ишлаш методларини қўллай олиши	10,1	15,8	73,9
10.	Инновацион фаолият ва ўзаро рақобатга кириша олиши	8,9	15,8	75,3
11.	Мактабгача таълим тизимида оид қабул қилинган ҳужжатлар тўғрисида хабардорлиги	12,3	15,8	70,9
12.	Мактабгача таълим соҳасидаги республикадаги тажрибалардан хабардорлиги	7,8	18,1	74,1
13.	Маҳалла ва оила билан ўзаро ҳамкорлиги	7,8	18,9	73,3
	<b>Ўртачаси:</b>	<b>11,4</b>	<b>17,0</b>	<b>71,4</b>

Жадвалларда келтирилган натижаларга асосланган ҳолда тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллашганлик даражаларини аниқлаш бўйича тажриба гуруҳидаги олинган натижа бўйича математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этилди. Тажриба-синовда Сирдарё, Жиззах ва Фарғона вилоятларидаги мактабгача таълим муассасаларининг жами 356 нафар респондент-тарбиячилар қатнашишди. Шундан 179 нафар тарбиячи тажриба гуруҳини ва 177 нафар тарбиячи назорат гуруҳини ташкил этади.

Анкета сўровлари натижаларига кўра, тарбиячилар болаларнинг иш

топшириқларини бажаришлари жараёнида эркинлик беришга тайёрлар: 27% ҳолатларда тарбиячилар болалар иш топшириқлари ва шерикларни танлашда эркинликка эгалар деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, 13% ҳолатларда тарбиячилар боланинг танлаш эркинлигини маънавий хусусиятдаги вазиятлар билан боғлайдилар. Болалар у ёки бу вазиятда қандай йўл тутиш, қандай сўраш ва қандай жавоб қайтариш, тенгдошларга қандай ёрдам кўрсатиш кераклигини мустақил ҳал қилишларини таъкидлайдилар.

Тарбиячилар машғулотларда болаларга танлаш эркинлигини бериш имконияти тўғрисида камроқ қайд этадилар. Бу ҳолатда танлаш имконияти у ёки бу материални танлаш, тарбияланувчиларнинг ясаётган буюмларининг рангини танлаш, топшириқни бажариш усуллари, фаолият суръатида берилиши мумкинлиги қайд этилади.

Мазкур жавобларни таҳлил қилиб, келажак тўғрисидаги эркинлик, болаларда асосан фаолиятнинг шароитлари ва воситаларини шахсан танлаш, буюмлар, предметлар, ўйинчоқлар ва ҳ.к. олами билан ўзаро муносабатларда тушунилади. Инсонлар билан мулоқот ва маънавий танлов вазиятларида эркинлик камроқ берилиб, бунда тарбиячилар хулқ йўналиши, ўзаро муносабат мазмуни ва усуллари мустақил аниқлашни таклиф қилмай, тарбияланувчиларга тўғридан-тўғри кўрсатмалар берадилар. Шу билан бирга, кўпгина тарбиячилар тарбияланувчилар унинг кўрсатмаларисиз мустақил равишда қандай йўл тутишларини тасаввур ҳам қила олмайдилар, шунинг учун ҳам барчасига аралашиб, кўпинча бунинг “барчасини” боланинг ўрнига амалга оширадилар. Бошқалар эса умуман қарама-қарши йўл тутадилар: “Болалар ўзлари нима қилиш кераклигини биладилар - уддалайдилар”. Бу балки, кўпгина тарбиячилар таълим соҳасида жуда узок ишлаганликлари ва болалардан, уларнинг тарбияси ва таълими натижаларидан хафа бўлиб чарчаганликлари туфайлидир.

Бизни шунингдек, МТМ тарбиячиларининг “Замонавий мактабгача таълим муассасаси”ни қандай тасаввур қилишлари тўғрисидаги фикрлари қизиқтирди. Баъзи фикрлар бизга кўпроқ қизиқ туюлди. Келажак мактабгача

таълим муассасаси нодир бўлиши керак. Бунинг учун у бахтли бўлиши ва унда бахтли инсонлар ишлашлари лозим. Бунда болалар ва уларнинг ота-оналари бу инсонларнинг ижобий ҳиссиётларига интиладилар ва уларни фақат яхшилик кутаётганлигига ишонадилар. Балки, бунинг учун педагогик касбнинг обрўсини янада ошириш, бундан ташқари, МТМда дўстона психологик иқлимни шакллантириш учун шароитлар яратиш лозимдир. Масалан, МТМда психологик зўриқишни енгиш хонасини ташкил этиш, ҳиссий қўллаб-қувватлаш тренингларини ўтказиш ва бошқалар бўлиши мумкин.

Бир қарашда, мазкур фикрлар замонавий МТМ тарбияланувчилари жавоблари билан мос келмайдигандек туюлди. Аммо, болалар фикрларининг чуқурроқ таҳлиliga кўра, уларнинг деярли барчалари: “Замонавий мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари болаларни севишлари, яхши ва ақлли бўлишлари керак” деб ҳисобладилар, - эҳтимол тарбияланувчилар болаларга муҳаббатни педагогик бахт ва ишдан қониқишнинг гарови деб ҳисобласалар керак.

Замонавий мактабгача таълим муассасаси, катталарни ўйинларни ўйнашга ўргатиши керак – аввало педагоглар ва ота-оналарни. Агар катталар болалар сингари ўйнашга ўргансалар эди, улар учун бу мураккаб оламда яшаш анча осон бўлар эди. Улар, болалар бахтли бўлишлари учун ниманидир эмас, ким биландир ўйнашлари муҳим эканлигини тушунган бўлардилар. Эҳтимол, шунда, машғулотлар жадвалида ўйин сингари фан юзага келиб, унда болаларни турли ўйинлар: режиссерлик, сюжетли-ролли, қурилишга оид, дунё халқларининг ижодий ва маросим, ҳаракатчан ўйинлари билан таништирадилар.

Одатда МТМ – иккинчи уй дейдилар. Келажак мактабгача таълим муассасаси нафақат бола учун, балки унинг оиласи учун ҳам уйга айланиши керак. Масалан, МТМ қошида оилавий меҳмонхона ташкил этиш ва у ерда нафақат болалар ва педагоглар, балки уларнинг ота-оналари билан биргаликдаги тадбирларни ўтказиш мумкин. Ота-она-бола тренинглари



ташкил этиш мумкин. Ота-оналарга болага нисбатан меҳрни турли кўринишларда ифодалаш мумкин эканлигини кўрсатиб бериш керак.

Замонавий мактабгача таълим муассасаси – бой предметли-ўйинли ва предметли муҳитдир. Бизнингча, бунинг учун барча шароитлар аллақачон яратилган. Аммо муаммо шундаки, муҳит нафақат функционал, балки амалда қўлланилувчи бўлиши ҳам керак. Шунинг учун МТМни ривожлантиришнинг йўналишларидан бири предметли-ривожлантирувчи муҳитни услубий таъминлаш бўлиши мумкин. Масалан, МТМ педагоглари ва мутахассислари томонидан мазкур муҳитдан янада самарали фойдаланиш танловини эълон қилиш орқали.

Мактабгача таълим муассасаси – хурсандчилик уйига айланиши керак. Тонг “Боғчага кўз ёшларсиз қатнашаман” шиори остида бошланиши керак. Бутун шароит ва педагогик мулоқотнинг тўлиқ вазияти боланинг мослашиши ва ижтимоийлашувига йўналтирилган бўлиши керак. Кун давомида болага унга ёққан машғулотлар, фаолият ва турини мустақил танлаши учун имконият бериш керак. Болаларга ўз танловлари учун жавоб беришлари имконини яратиш керак. Масалан, маънавий танлов вазиятларидан кўпроқ фойдаланиш лозим. Бунда ҳар бир бола ўзини шахс сифатида англаш ва бошқаларни ҳурмат қилиш, нафақат ўзининг, балки бошқаларнинг муваффақиятлари учун хурсанд бўлишни ўрганадилар.

Келажак мактабгача таълим муассасаси – таълим технологияларининг диққат марказидир. Бунда нафақат болалар билан таълимий-тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга ва қўйилган мақсадларга эришишга имкон берувчи технологиялар, балки мулоқот, тарбия ва ўқитишнинг самарали технологиялари ҳамдир. Шу билан бирга, бизнингча, асосий эътиборни мулоқот технологияларига қаратиш лозим.

Педагоглар жавобларида – предметли-ўйинли муҳит, болалар билан ривожлантирувчи ўзаро муносабатлар ва ота-оналар билан ҳамкорликни ташкил этишга эътибор каби умумий хусусият мавжудлигига қарамай – тарбиячилар ривожлантириш ғоясининг ўзини излашга эътибор қаратадилар.

Улар фикрларидан мисоллар келтирамиз.

Келажак мактабгача таълим муассасаси мазкур Келажакни қуришни билиши лозим. унинг қўлида - мазкур Келажакнинг куртакларидир. У яхши, ёруғ, меҳрибон бўлиши керак. Шунинг учун ҳам аввало маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш лозим. Бундан ташқари, болаларни болалар ижоди билан оддий таништириш эмас, балки турли маданий-ижодий фаолият кўринишлари билан таништириш лозим. Шундагида ижодий фаолиятнинг ҳар бир тури шахсий мазмун билан бойитилади, болани умуминсоний кадриятларга ўргатади.

Келажак мактабгача таълим муассасаси – мактабгача ёшдаги боланинг оиласи билан ишларни мувофиқлаштирувчи марказдир. У ижтимоий таъминот, маданият ва соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот органлари билан тўғридан-тўғри ва билвосита ўзаро муносабатларга эга бўлиши керак. Шундагина ягона таълимий муҳитни яратиш, нафақат таълим дастурлари, балки ижтимоий-таълимий, маданий-таълимий ишлар ва бошқаларнинг узлуксизлиги учун имкониятлар ортади.

Келажак мактабгача таълим муассасаси рақобатбардош бўлиши керак. Бунинг учун у аҳолининг таълимий эҳтиёжлари мониторингини ўтказиш, асосий ва қўшимча таълим хизматларини лойиҳалаш технологияларини қўллашни билиш, бошқа МТМлардан ажралиб туриш, эътиборни жалб этувчи имиджни яратиш технологияларига эга бўлиши лозим.

### **Иккинчи боб юзасидан хулосалар**

“Илк қадам” ўқув Дастурининг ўзига хослиги болаларда ўйин орқали ўқишга интилишни ривожлантириш, ўқитиш эмас; мактабгача таълим муассасалар тарбиячилари учун илк бор мавзувий режалаштириш белгиланган; илк бор болани давлат талабларининг соҳалари бўйича ривожланиш харитаси тақдим этилганлигида кўринади.

Мактабгача таълим муассасасида ривожлантирувчи муҳитни ташкил этишда болаларнинг ўзига хос белгиларга эга бўлган ёшга доир хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Ривожлантирувчи

муҳит мазмуни: маданий тарихий қадриятлар, миллий ва ҳудудий анъаналар, табиат, иқлимдан келиб чиқувчи хусусиятларга мос бўлиши лозим. Муҳит мазмуни бирламчи дунёқараш асосларини шакллантириши, боланинг муваффақиятли ижтимоий мослашувига ёрдам бериши лозим.

Тўғри ташкил этилган ўйинда боланинг жисмоний, ақлий ва шахсий сифатлари ривожланиши, ўқув фаолиятига тайёрлик шаклланиши ва мактабгача ёшдаги боланинг ижтимоий муваффақиятини таъминлаш учун шароитлар яратилади. Унда болалар катталарнинг турли фаолиятлари билан танишадилар, бошқа инсонларнинг ҳис-туйғулари ва ҳолатларини тушуниш, уларга ҳамдард бўлишни ўрганадилар, тенгдош ва катта болалар билан мулоқот қилиш кўникмаларини эгаллайдилар. Ўйин туфайли болада барча психик жараёнлар, ақлий операциялар, моделлаш ва лойиҳалаш қобилиятлари ривожланади, математик тушунчалар тўғрисидаги тасаввурлари шаклланади, мактабга муваффақиятли тайёргарлик амалга оширилади.

МТМда ташкил этиладиган турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларини мувофиқлаштиришдан кўзланган мақсадга эришиш йўналишида олинган натижалар умумий ҳолда мураккаб педагогик тизим ҳисобланаётган барча таълим-тарбия жараёнларининг яхлит тарздаги самарадорлигини ифодалайди. Бир сўз билан айтганда, МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнларнинг самарадорлиги тарбияланувчилар дунёқарашининг ўзгариши, тафаккурининг ривожланиши, уларда шахсий сифатларнинг шаклланиши ва ривожланишида ўз ифодасини топади.

## ХУЛОСА

МТМда педагогик жараёнларни такомиллаштириш нафақат таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил қилиш, балки тарбиявий муносабатлар жараёнларини мувофиқлаштириш, тарбияланувчиларда ўзини-ўзи тарбиялашга хизмат қилувчи мотивлаштириш жараёнларини ташкил этиш, шунингдек, МТМдаги таълим-тарбиявий муҳит ҳамда унда ўзаро таъсир жараёнларини кенг қамровлиликка боғлиқ бўлади. МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлашда тарбияланувчиларни кўпроқ мулоқотга чорловчи, кўпроқ мустақил фикрлашга ундовчи ва уларнинг келгуси ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи объектив хулосаларни мустақил равишда шакллантиришга хизмат қилувчи воситалардан кенг фойдаланиш муҳим бўлиб, бундай воситалардан фойдаланишнинг аҳамиятлилиги МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади.

1. МТМда педагогик жараёнларни такомиллаштиришда тарбияланувчиларнинг фаоллигини таъминлаш, уларни мустақил ва эркин фикрлашга ўргатиш ҳамда эркин ва мустақил мулоқотга киришишлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиб беришнинг аҳамияти таълим-тарбия жараёнларининг самарадорлигини таъминлашда ўз ифодасини топади.

2. Мактабгача таълим муассасасида ривожлантирувчи муҳитни ташкил этишда болаларнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ёшга доир хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг етакчи фаолияти ўйин ҳисобланади. Тўғри ташкил этилган ўйинда боланинг жисмоний, ақлий ва шахсий сифатлари ривожланиши, ўқув фаолиятига тайёрлик шаклланиши ва мактабгача ёшдаги боланинг ижтимоий муваффақиятини таъминлаш учун шароитлар яратилади.

3. МТМда ташкил этиладиган мураккаб тузилишга эга бўлган педагогик тизимни ташкил этувчи асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнлардан бири - тарбиявий муносабатлар ҳам тизимли хусусиятларга эга бўлиб, унинг

самарадорлиги асосий (таълим-тарбиявий) машғулотлар натижавийлиги, ўз таъсирини кўрсатиши ёки ўзини-ўзи тарбия жараёнлари сифатида хизмат қилишини инобатга олинди.

4. МТМда турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларини мувофиқлаштиришдан кўзланган мақсадга эришиш йўналишида олинган натижалар умумий ҳолда мураккаб педагогик тизим ҳисобланадиган барча таълим-тарбия жараёнларининг яхлит тарздаги самарадорлигини ифодалайди. МТМда педагогик жараёнларни такомиллаштириш тарбияланувчилар дунёқарашининг ўзгариши, тафаккурининг ривожланиши, уларда шахсий сифатларнинг шаклланиши ва ривожланишида ўз ифодасини топади.

5. Тизимли ёндашув асосида МТМда педагогик жараёнларни такомиллаштириш яхлит тизим сифатида, яъни ташқи муҳитда хизмат қилаётган мураккаб педагогик тизим сифатида кўриб чиқилади. Педагогик жараёнларни такомиллаштиришда шахс-фаолият ёндашуви ҳам зарур ҳисобланиб, педагогик жараёнларда тарбияланувчилар фаоллигини таъминлаш ва аниқ мақсадларга кўра белгиланган вазифаларни бажаришга субъектларни мотивлаштириш йўналиши сифатида вужудга келади.

6. Педагогик жараёнлар самарадорлигини ошириш, кўзланган мақсадга эришишда тарбияланувчилар фаоллигини таъминлашга жалб этиладиган сарф-харажатлар (вақт, меҳнат, қўшимча методик маҳсулотлар ва воситалар)нинг меъёрдан ортмаслигини таъминловчи, тарбияланувчиларнинг имконияти, қобилияти ва бошланғич тушунчаларига ҳамда мавжуд вазиятлар ва шарт-шароитларга мос келувчи, энг қулай, педагогик жараён ва унинг таркибий тузилишини қайта ташкил эта оладиган тизимни вужудга келтириш мувофиқлаштирилган ёндашувни жорий этишдир.

7. Педагогик жараёнларда рефлексив таълимий муҳитни вужудга келтириш тарбияланувчиларни маълум бир тушунча тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш, яъни ўрганилаётган тушунчаларнинг аҳамиятини ўрганиш,

таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш асосида уларда асосланган тушунчалар шакллантиришга хизмат қилади.

8. МТМда педагогик жараёнларни илмий асосда такомиллаштириш, кўйилган мақсадларга эришиш ва самарадорликни таъминлашда тарбияланувчилар фаоллигини таъминлаш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва объектив баҳолаш асосида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва унинг натижавийлигини таъминлаш йўналишидаги тарбиячи фаолиятининг мазмун-моҳияти ахборот-таҳлил, мақсадли-мотивлаштириш, олдиндан кўриш-режалаштириш, ташкилий-ижрочилик, тартибга солиш-мувофиқлаштириш, назорат-ташхис функцияларини амалга оширишда ўз ифодасини топади.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий-методик *тавсиялар* ишлаб чиқилди:

1) МТМларда умумий компетенцияларни шакллантириш бўйича методик тавсиялар, илмий амалий ёндашувлар ишлаб чиқилиши ҳамда тегишли соҳа мутахассисликларни тайёрлашда ОТМга жорий қилинишини таъминлаш зарур;

2) МТМ тарбияланувчиларини жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши; ижтимоий-ҳиссий ривожланиш; нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари; билиш жараёнини ривожланиши; ижодий ривожланишларига тизимли ёндашувни татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ;

3) МТМ мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ўқув мазмунига тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришга оид илмий назарий ёндашувларни киритиш керак;

4) Мактабгача таълим муассасалари ва ота-оналар ҳамкорлиги йўналишлари бўйича илмий амалий тавсиялар яратиш зарур.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. - Б. 31-60.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори // 11-модда. Т.: Ўзбекистон, 1997. Б.23
3. Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. – 34 бет
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3261-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлда «Мақтабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 528-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрда қабул қилинган «2017-2021 йилларда мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2707 сонли қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил., 6-сон, 70-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сон Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сон Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ–4312-сон Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 7 июлдаги 4-сонли ҳайъат йиғилиши қарори билан тасдиқланган мактабгача таълим муассасалари учун «Илк қадам». Мактабгача таълим муассасалари давлат ўқув дастури. Тузувчилар: И. В. Грашева, Л. Г. Евстафева, Д. Т. Маҳмудова, Ш. Б. Набихонова, С. В. Пак, Г. Э. Жанпейсова. – Т.: МТВ, 2018. – 69 бет.

13. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган янги Давлат талаблари. Тошкент – 2018.

14. Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим концепцияси. Қодирова Ф.Р., Қодирова Р.М., Ваҳобова Ф.Н. – Т.: 2008.

15. «Болажон» таянч дастурининг такомиллаштирилган варианты – Тошкент – 2016 й.

16. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 104 б.

17. “Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: ЎзПФИТИ. LESSON PRESS. 2017 йил 15 сентябрь. 168 бет.



18. Абдуллажонова М., Исақова М., Зокирова М., Исроилжонов С. Ижтимоий психологик тренингдан практикум. – Ф.: ФарДУ. 2003. – 68 б.

19. Абдурахимова Д. А. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ эртақларидан фойдаланиш. Пед. фан. номзоди ... дисс. – Т., 1998. –165 б.

20. Абдуҳакимова М.К. Организационна-педагогические основы развития системы дошкольного образования в республике Узбекистан (1991-2000гг.). ТДПУ-2004; 174с. Дисс. на соис. учен. степ. кан. пед. наук.

21. Абиджанова С.Д. Соотношение образных и речевых средств в развитии пространственных представлений дошкольников. Автореферат. –М: 1990г., 16 с.

22. Авилова Е.А. Влияние педологии на становление и развитие дошкольного воспитания в 20-30-е гг // Управление ДОУ. – Москва, 2007.- №8, с.110

23. Адамова Ў.К. Мактабгача таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий тарбиянинг ўзига хослиги // [http://fikir.uz/blog/Fikir\\_maktabgacha\\_talim/7611.html](http://fikir.uz/blog/Fikir_maktabgacha_talim/7611.html).

24. Азизова З. Мактабгача катта ёшдаги болаларда кўғирчоқ театри воситасида ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш. –Т.: Ўқитувчи, 2010. –90 б.

25. Арушанова А. Дошкольный возраст: формирование грамматического строя речи: вопросы теории // Журнал «Дошкольное воспитание». М.: - 1993. № 9., стр: 58-65.

26. Арушанова А. Формирование грамматического строя речи дошкольника // Дошкольное воспитание. М.: - 1997. № 2., стр: 58-63.

27. Асқарова М., Матчонов С. ва б. Кичик ёшдаги болалар нутқини ўстириш. – Тошкент “Ўзбекистон” - 2001, 160 б.

28. Асқархўжаева М. Боғчаларда ўзбек тилини ўрганиш. Болалар боғчаси тарбиячилари учун методик қўлланма. -Т.: Ўқитувчи – 1994, 128 б.

29. Бабаева Д. Р. Теварак-атрофни ўрганишда мактабгача катта ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантириш. Пед. фан. номзоди ... дисс. автореферати. –Т., 2001. –25 б.

30. Бакина М. Современные дети, современные игры // Дошкольное воспитание. - 2005. - №4. - М. - С.58 - 61.

31. Бегматова Н. Х. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедия технологиясидан фойдаланишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. номз ... дисс. –Қарши, 2012. –150 б.

32. Берн Э. Лидер и группа. О структуре и динамике организаций и групп. – Екатеринбург: Изд-во «Литур», 2000. – 320 с.

33. Бобоева Д.Г. Теварак-атрофни ўрганишда мактабгача катта ёшдаги болаларни боғланишли нутқини ривожлантириш. 13.00.02. Автореферат. Т – 2001й., 25 б.

34. Бодалев А.А. О предмете акмеологии // Психологический журнал. – М., 1993. – Т.14. – № 5. – С. 73-79.

35. Буре Р.С., Островская Л.Ф. Воспитатель и дети. М., 2003.

36. Бўтаева У., К.Оқилова. Мактабгача ёшидаги болаларни шакллантиришда ўйин-машғулотларнинг ўрни // методик тавсиянома Самарқанд 2009 й. 24 б.

37. Валихўжаева Ф.Б. Талабаларни МТМда болаларга эстетик тарбия беришга тайёрлаш. // Диссертация. Самарқанд – 2005й., 139 б.

38. Васильева Н.А. Проблема развития социальной жизни ребенка в истории зарубежной дошкольной психологии // Управление ДОУ. – Москва, 2010. №2, с.102

39. Вахабова Ф.Н. Особенности личностного развития дошкольника как фактор готовности к школе. Дис...канд.псих.наук / ТашГУ им. М.Улугбека – Т., 2000. -136 стр.

40. Венгер А.Л., Цукерман Г.А. Психологическое обследование младших школьников. –М,: Изд-во “Владос-пресс”, 2003. – 160 с.

41. Волобуева Л.М. Домашние детские сады начала XX в // Управление ДОУ. – Москва, 2008. № 3, с. 102
42. Волобуева Л.М. Организация подготовки детей к началу школьного обучения: история и современность // Управление ДОУ. – Москва, 2008. № 1, с. 98
43. Волобуева Л.М. Старший воспитатель: история и современность // Управление ДОУ. – Москва, 2008. №5, с.108
44. Волобуева Л.М., Калабухова Н.А. Дошкольники в системе дополнительного образования // Управление ДОУ. – Москва, 2006. №5, с.102
45. Выготский Л.С. Педагогическая психология. Под ред. В.В.Давыдова. М.: Педагогика, 1991. 480 с.
46. Газман О.С. Педагогика свободы: путь в гуманистическую цивилизацию XXI века // Новые ценности образования. Вып.6. – М., 1996. – С.10-37.
47. Галиев Ш. Ўзбек болалари ўйин фольклори. Т.: Фан, 1998. -141 б.
48. Гербова В. Планирование работы по развитию речи и ознакомление с художественной литературой // Журнал «Дошкольное воспитание» - 1999. № 3., стр.: 19-22.
49. Гиппенрейтер Ю.В. Общаться с ребенком. Как? – М.: Масс Медиа. 1995. – 240 с.
50. Голдовская А.А. Становление системы ведомственных детских садов в Москве // Управление ДОУ. – Москва, 2009. № 4, с. 98
51. Давыдов В.В. Развивающее образование: теоретические основания преимущественности дошкольной и начальной школьной ступени / В.В. Давыдов, В.Т. Кудрявцев // Вопросы психологии. - 1997. - № 1. - С. 3-18.
52. Детский сад в Японии: Опыт развития детей в группе. М., 2012
53. Джанпеисова Г.А. Деятельностный подход педагога к организации игровой деятельности – залог социальной успешности педагога // Гармонично развитое поколение – условие стабильного развития Республики

Узбекистан. – Сб. научн.-мет. статей под общей ред. проф. Р.Х.Джураева. УзНИИПН, Ташкент, 2014. С.107-110.

54. Джураева Б.Р., Тожибоева Ҳ.М., Назирова Г.М. Мактабгача таълим ёшидаги болаларга таълим-тарбия беришнинг замонавий тенденциялари // Тошкент, - ЎзПФТИ. – 2015. 112 бет.

55. Джураева Б.Р., Умарова Х.А., Тожибоева Ҳ.М., Назирова Г.М. «Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини такомиллаштиришнинг педагогик тизими» / монография // Тошкент, Реал принт. – 2017. 160 б.

56. Джураева Б.Р., Умарова Х.А., Тожибоева Ҳ.М., Назирова Г.М. Организационно-содержательные основы инновационной деятельности дошкольных образовательных учреждений / методик қўлланма // Тошкент, - ЎзПФТИ. – 2016. 100 стр.

57. Дилова Н.Ғ. Мактабгача таълим жараёнида тарбияланувчиларни ўзаро ҳамкорлик муҳитига олиб кириш имкониятлари // Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент – ЎзПФТИ, 2017 октябрь Б. 49-50.

58. Дьюи Дж. Индивидуализация обучения школьников. – Чикаго., 1991.- 19 с.

59. Жирнова Н.Н., Авилова Е.А. Отечественные педагоги конца XIX – начала XX в. о роли дидактической игрушки в воспитании детей раннего и дошкольного возраста // Управление ДОУ. – Москва, 2009. № 7, с. 96

60. Занков Л.В. Обучение и развитие. – М.: Наука, 1998.– 149 с.

61. Зверева О.Л. Детский сад и семья: первые годы революции и современность // Управление ДОУ. – Москва, 2002. № 4, с. 110

62. Зверева, О. Л. Семейная педагогика и домашнее воспитание детей раннего и дошкольного возраста [Текст] / О. Л. Зверева, А. Н. Ганичева, Т. В. Кротова. - М.: Сфера, 2009.-256 с.

63. Иноятов У.И. Современные подходы к развитию системы дошкольного образования//“Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: ЎзПФТИ 2017 йил 15 сентябрь. Б.4-5.

64. Исмоилова Р. Идрок жараёни – етакчи омил: 6-7 ёшли болаларга тарбия. “Бошланғич таълим” журнали – 1999., № 3., 36-37 б.

65. Йўлдошев Ж.Ғ. Ақл - ақлдан қувват олади. Мактабгача тарбия муассасаларида таълим жараёнлари хусусида. //“Мактабгача таълим” журнали – 1994., № 3-4., Б.4-7.

66. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б. Б.62

67. Кирстен А., Хансен, Роксана К. Кауфманн, Кейт Берк Уолш. Болага мўлжалланган дастурни ташкил этиш // Сўз боши Памела А.Коглинники/ Тошкент 2005. 246 б.

68. Кононова И.М. К истории педагогики раннего возраста (обзор исследований по педагогике раннего возраста) // Управление ДОУ. – Москва, 2003. № 3, с. 118

69. Кузнецова Т.Ф. Педагоги прошлого о профессии воспитателя // Управление ДОУ. – Москва, 2009. № 1, с. 102

70. Леонтьев А.А. Психология общения. 2-е изд., испр. и доп. - М.: Смысл, 1997.- 365 с.

71. Лютова Е.К., Моница Г.Б. Тренинг эффективного взаимодействия с детьми. - С-Пб. - Речь, 2001. - 156 с.

72. Макаренко А.С. О воспитании. // Золотой фонд педагогики – М.: Школьная пресса, 2003.- 192 с.

73. Мамедов К.К. Мактабгача ёшдаги болалар ва ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш хусусиятлари. Псих. Фан. Доктори. Автореферат. М.Улуғбек номидаги Ўзб.Мил.Уни-ти. Т-2004., 50б.

74. Менчинская Н. А. Проблемы обучения, воспитания и психического развития ребёнка. / Н. А. Менчинская. - М.: Институт практической психологии, 1998. - 448 с.

75. Метелева Е., Качмашева Е. Нравственное воспитание детей младшего школьного возраста с проблемами в развитии // Дополнительное образование. - 2003. - №6. - М. - С. 40 - 48.

76. Мирджалилова С.С. Внедрение альтернативных форм подготовки детей к школе//“Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: ЎзПФТИ 2017 йил 15 сентябрь. Б.66-68.

77. Миржалолова Л. Р. Ўзбек тили машғулотида болаларни савол-жавобга ўргатишнинг назарий-методик асослари (таълим-тарбия рус тилида олиб бориладиган болалар боғчалари мисолида). Пед. фан. номз ...дисс. –Т., 2002. –225 б.

78. Монтессори М. Дети - другие /Пер. с нем./ Вступ. и закл. статьи, коммент. К.Е.Сумнительный. - М.: Карапуз, 2004. - 336 с.

79. Монтессори Мария М77 Впитывающий разум ребенка. – СПб.: Благотворительный фонд «ВОЛОНТЕРЫ», 2009. - 320 с.

80. Морева, Н. А. Основы педагогического мастерства / Н. А. Морева. - М.: Просвещение, 2006. - 320 с.

81. Мўминова Л. Р. «Мактабгача ёшдаги болаларни саводга ўргатиш дастури» Тошкент-1996.

82. Назарова Ф. «Мактабгача таълим муассасаларида психологик хизмат ва меъёрий хужжатлар», 2007.

83. Нанейшвили Э.А., Чаброва Т.А. Бирга расм чизамиз. // Боғча тарбиячиларига мўлжалланган методик қўлланма. - Т.: Ўқитувчи, 1992, 48б.

84. Никитин Е.П. Харламенкова Н.Е. Самоутверждение человека // Воп. философии. – М., 1990. – № 9. – С. 32-37.

85. Нурымбекова Ё. Олти ёшли болаларда рухий жихатлар. “Бошланғич таълим” журналы – 1999, № 3, 14-15б.

86. Нурмухамедова Н.Ш. Развитие связной речи на русском языке у старших дошкольников в условиях двуязычия. Дис. ...канд.пед.наук: 13.00.02. МВ и ССО РУз., Узб.гос.унив-т миров. яз. –Т., 2004, -254 с.

87. Ньюкомб Н. Развитие личности ребёнка / Н. Ньюкомб. - СПб.: Питер, 2002. - 640 с.

88. Парамонова Л.А., Протасова Е.Ю. Дошкольное и начальное образование за рубежом: история и современность. М., 2001.

89. Педагогика энциклопедия. I жилд / тузувчилар: жамоа. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2015, 320-б.

90. Педагогика: энциклопедия. II жилд / тузувчилар: жамоа.- Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2015, 368 б.

91. Педагогика: энциклопедия. III жилд. жамоа // Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017.

92. Педагогическая энциклопедия. В 3-х т. – М.: Энциклопедия, 1996. – 504 с.

93. Петровский А.В. Личность в психологии: парадигма субъектности. – Ростов-на-Дону: Феникс, 1996. – с.512

94. Пиаже Ж. «Суждение и рассуждение ребенка» Издательство: [«Союз»](#) 1997 г. ISBN: 5-87852-041-9

95. [Пиаже](#) Жан «Речь и мышление ребенка» [Педагогика-Пресс](#) 1999 ISBN: 5-7155-0694-8

96. [Пиаже](#) Жан Моральное суждение у ребенка Издательство: [«Академический проект»](#) 2015 г. ISBN: 978-5-8291-1832-7

97. Радина Е.И., Пеньковская А.А. Картина по развитию речи для детских садов. - М.: «Просвещение», 1983., стр.: 206.

98. Расулова М. ва б. «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастури. Т: 2002.

99. Раҳимова Р. Тарбиячига минг бир маслаҳат. //Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. - Тошкент , 2007, 160 бет.

100. Рўзибоева Ў.Ш. Узлуксиз таълим жараёнида болалар боғчалари тарбияланувчилари ва 1 – синф ўқувчилари оғзаки нутқини ўстириш. Дис. ... пед.фан.номзоди.ТДПУ., Т – 1985й., 134б.

101. Сафарова Р. ва б. Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш жараёнини ташкил этиш тамойиллари ва параметрлари \ Монография. – Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2013. 13 б.т.

102. Сергеева В.В. Управление образовательными системами. – М.: Новая школа, 2000. – С. 27.

103. Слостенин В.А., Мищенко А.И. Целостный педагогический процесс как объект профессиональной деятельности учителя. Москва, 1997. – 19-б.

104. Современные образовательные программы для дошкольных учреждений / под ред. Т.И. Ерофеевой. М., 2000.

105. Солнцева О. Играем в сюжетные игры // Дошкольное воспитание. - 2005. - №5. - М. - С. 63 - 67.

106. Сорокова М.Г. Современное дошкольное образование: США, Германия, Япония. М., 1998.

107. Сулаймонов А. ва б. Мактабгача таълим муассасаларида апликация машғулотлари. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2014. – 100 б.

108. Сулаймонов А., Амирова Г. Мактабгача таълим муассасаларидаги тасвирий фаолият машғулотларининг назарий ва амалий асослари/ “Халқ таълими” ж. 2013, 1-сон.–54 –60-б

109. Суннатов Р. Индивидуально-типологические особенности мыслительной деятельности: дисс...д-ра психолог.наук., ТашГПУ им.Низами. – Т.: 2001. – 311 с.

110. Тожибоева Ҳ.М. Мактабгача таълим муассасаси ва оила ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари // Таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш – соҳа тараққиётининг муҳим мезони:



Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (6-китоб). Тошкент, ТДИУ, 2015. – Б. 81-83

111. Турғунов С.Т., Ахмаджонова Н.М. Мактабгача таълим муассасаларида бошқарув фаолияти алгоритми. // Халқ таълими. – Тошкент, 2012. – №1. – Б. 133-134

112. Умарова Х.А., Тожибоева Х.М. Peculiarities of the Process of Activity of the Educators of Preschool Educational Institutions // Eastern European Scientific Journal // Düsseldorf - Germany (ISSN 2199-7977) Ausgabe – 2017 – 5 DOI 10.12851/EESJ201705

113. Усмонхўжаев Т.С., Исломова С.Т. «Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия» «Илм Зиё» наш. Т.: 2006

114. Ушакова О.С. ва б. «Занятия по развитию речи в детском саду» – Москва: - 1999.

115. Файзуллаева М., З.Раҳимова, М.Рустамова Мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқини ўстириш // (Тайёрлов гуруҳи учун машғулотлар ишланмаси) Тошкент, 2011. 147 б

116. Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004. – 383 б.

117. Фомина А. Игра в структуре свободного времени детей // Воспитание школьников. - 2005. - №3. - М. - С. 30 - 34.

118. Фопель К. Как научить детей сотрудничать? Психологические игры и упражнения: Практическое пособие для педагогов и психологов: В 4 т. – М.: Генезис, 2000. – Т.1. – 160 с. Т.2. – 160 с. Т.3. – 160 с. Т.4. – 160 с.

119. Хрестоматия по возрастной психологии: Учеб. пособие для студентов / Под. ред. Д.И. Фельдштейна – М.: Межд. Пед. акад., 1994. – 256 с.

120. Цукерман Г.А. Как младшие школьники учатся учиться? – Рига: ПЦ «Эксперимент», 2000. – 224 с.

121. Шарипова Д. «Агар болам соғлом бўлсин десангиз» ва бошқалар (Ота-оналарга мактабгача ёшдаги болаларнинг гигиеник тарбияси хақида) Методик қўлланма. Т.: 2006.

122. Шарипова Д.Ж. «Ота-оналарга мактабгача ёшдаги болаларнинг гигиеник тарбияси хақида» Илм Зиё наш. Т.: 2007

123. Шодиева Қ.С. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тўғри талаффузга ўргатиш. - Т.: Ўқитувчи – 1995., 226 б.

124. Шодиева Қ.С. Ўрта гуруҳ болалари нутқини ўстириш. // Пед. билимгоҳларининг ўқувчилари учун ўқув қўлланма. - Т.: Ўқитувчи. 1993. – 224 б.

125. Шодмонова Ш. Мактабгача таълим педагогикаси (ўқув-методик қўлланма). - Т.: “Fan va texnologiya”, 2008, 160 бет.

126. Эльконин Д.В. Психология игры. 2–е изд.– М.: Гуманит. изд. Центр Владос, 1999.–360 с.

127. Юртайкина Т.М. Методика обследования речевого развития дошкольников // Развитие речи дошкольника. - М.: “Просвещение” – 1990., стр.: 127-13 б.

128. Юсупова П. Мактабгача тарбия педагогикаси. - Т.: “Ўқитувчи”, 1993., 264 б.

129. Якиманская И.С. Личностно-ориентированное обучение в современной школе. – М.: Сентябрь, 1996. – 96 с.

130. Якобсон П. М. Психология чувств и эмоций. / П. М. Якобсон. - М.: Институт практической психологии, 1998. - 303с.

131. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А-Д / 5 жилдли. Биринчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – 679 б.

132. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Е-М / 5 жилдли. Иккинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – 671 б.

133. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Н–Тартибли / 5 жилдли. Учинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2007. – 687 б.

134. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тартибот–Шукр / 5 жилдли. Тўртинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2008. – 606 б.

135. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Шукрона– Ҳ / 5 жилдли. Бешинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2008. – 591 б.

136. Қодирова Ф.Р. Обучение детей дошкольного возраста русской разговорной речи в национальных детских садах Узбекистана. - Т.: Ўқитувчи – 1992., стр.: 224.

137. Қодирова Ф.Р., М.Файзуллаева, М.Рустамова. «Тайёрлов гуруҳ тарбиячилари учун нутқ ўстириш машғулоти ишланмалари» (методик қўлланма) Т.: 2010.

138. Қодирова Ф.Р., М.Файзуллаева. «Катта гуруҳ тарбиячилари учун нутқ ўстириш машғулоти ишланмалари» (методик қўлланма) Т.: 2007.

139. Қодирова Ф.Р., Р. М.Қодирова «Болалар нутқини ривожлантириш назарияси ва методикаси» Тошкент – 2006.

140. Қодирова Ф.Р., Р.М.Қодирова «Мактабгача ёшдаги болаларни иккинчи тилга ўргатиш методикаси» Дастур ва ўқув қўлланма. Тошкент, 2007.

141. Ғозиев Э. Психология: (Ёш даврлари психологияси): Пед. ин-тлари ва ун-тларнинг талабалари учун ўқув қўлланма - Т.: Ўқитувчи, 1994., 70 - 224 б.

142. Nachfeld, Axinja; Anders, Yvonne; Kuger, Susanne; и др. [Triggering parental involvement for parents of different language backgrounds: the role of types of partnership activities and preschool characteristics // EARLY CHILD DEVELOPMENT AND CARE. – ENGLAND. 2016. Том: 186. Выпуск: 1](#) Специальный выпуск: SI. Стр.: 190-211. <http://webofscience.com>.

143. Kiese-Himmel, Christiane; von Steinbuechel, Nicole; Gibbons, Henning. [Assessment of Social-Communicative Behaviour Problems and Expression of Emotions in Three-to Six-Year Old Children in Nursery School and Kindergarten](#) // PRAXIS DER KINDERPSYCHOLOGIE UND KINDERPSYCHIATRIE. – GERMANY. – 2016. Том: 65. Выпуск: 3. Стр.: 181-199. <http://webofscience.com>.

144. Kramer R. Maria Montessori. Leben und Werk einer großen Frau. 6. Auflage. — Frankfurt am Main: Fischer Taschenbuch-Verlag, 2004. — [ISBN 3-596-12455-7](#).

145. Leonidova, G.V., Svirelkina I. I. [Non-State Preschool Education: Current Practices of Territorial Development](#) // ECONOMIC AND SOCIAL CHANGES-FACTS TRENDS FORECAST. RUSSIA. – 2016. Том: 43. Выпуск: 1. Стр.: 138-152. <http://webofscience.com>

146. Ljubestic, Marta; Simlesa, Sanja. [Early Childhood Inclusion in Croatia](#). [INFANTS & YOUNG CHILDREN](#) // INFANTS & YOUNG CHILDREN. – USA. JUL-SEP 2016. Том: 29 Выпуск: 3. Стр.: 195-204. <http://webofscience.com>.

147. Montessori M. Kinder sind anders. — DTV, 1997. — [ISBN 3-423-36047-X](#).

148. Secer, Zarife; Ogelman, Hulya Gulay; Onder, Alev. [Analysing the peer relationships of obese and normal-weight preschool children aged between five and six ears](#)// EUROPEAN EARLY CHILDHOOD EDUCATION RESEARCH JOURNAL. – ENGLAND. – OCT 20 2015. Том: 23. Выпуск: 5. Стр.: 589-603. <http://webofscience.com>